ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی 1991

ҲАФТАЛИК 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

23 АВГУСТ, № 34 (3138) ЖУМА

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЁНОТИ

Михаил Сергеевич Горбачев мамлакат телекўрсатуви ва радиоэшиттириш учун баёнот берди. У вазиятни тўла-тўкис қўлга олганини, бир гуруҳ давлат шахсларининг авантюрачилик ҳаракатлари натижасида мамлакат билан узилиб қолган алоқа қайта тикланганини айтди. Эртагаёқ Президент ўз вазифаларини тўла-тўкис ижро этишга киришади. СССР Президенти Ельцин, Назарбоев, Кравчук, Дементей, Каримов ўртоқлар билан телефон орқали гаплашди. Уларнинг ҳаммалари давлатга қарши қилинган ва мамлакат демократик кучларининг қатъий ҳаракатлари натижасида барбод этилган тўнтариш йўлидаги уринишни якдиллик билан қораладилар. Республикаларнинг раҳбарлари мазкур ғайриконституциявий ҳаракатларни республикаларнинг олий ҳокимиятлари ҳам, халқлари ҳам қўллаб-қувватламаганини маълум қилдилар. Авантюрачилар ўзларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун тўла-тўкис жавоб бердилар. М. С. Горбачев СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи Моисеевга барча қўшинларни доимий турадиган жойларига қайтариш ва бундан буён фақат СССР Президентининг фармойишларини бажариш ҳақида кўрсатма берди. 21 август куни М. С. Горбачев АҚШ Президенти Буш билан телефон орқали гаплашди. Бир гуруҳ шахсларнинг ғайриконституциявий хатти-ҳаракатлари натижасида вужудга келган жуда мураккаб вазиятга барҳам берилганидан АҚШ Президенти ўзининг ғоят мамнунлигини изҳор этди. Президент Горбачев мамлакат жамияти, халқлари бу авантюрани рад қилганликларини таъкидлади. СССРда демократик ўзгартишлар давомида юзага келган сифат жиҳатдан янги жараёнлар давом эттирилади. Президентлар доимо алоқалар боғлаб туриш ва илгари эришилган аҳдлашувларга биноан барча соҳалардаги ҳамкорликни давом эттириш ҳақида келишиб олдилар.

(ТАСС)

СССР ВА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ СУҲБАТЛАШДИ

Кеча, 21 август куни кечқурун Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Қримда турган СССР Президенти Михаил Сергеевич Горбачев билан телефон орқали гаплашди.

Михаил Сергеевич Горбачев мамлакатимиз учун оғир бўлган бир вазиятда республикамиз аҳолиси ва фаолларининг кўрсатган вазминлиги, матонати ҳамда ҳар хил шов-шув, ўйламай қилинган чақириқларга учмаганлиги учун самимий миннатдорчилик билдирди. Кўплаб машаққатларни ўз бошидан кечирган жасоратли ва қатъиятли Ўзбекистон халқининг оғир имтиҳондан шараф билан ўтганлигини таъкидлади.

СССР Президенти демократик ислоҳотлар ва республикалар мустақиллиги йўли танланганлиги тўғри йўл эканлигини ва бу йўлдан собитқадамлик билан борилишини, совет халқининг турмуш даражасини ошириш учун барча имкониятлар ишга солинажаклигини айтди. Михаил Сергеевич совет халқларининг хоҳиш ва иродасини таъминловчи ва мамлакатдаги шароитни яхшиловчи Иттифоқ шартномасини имзолаш зарурлиги яна бир бор таъкидлади.

Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз навбатида ўзбек халқи шаънига билдирилган самимий истаклари учун Михаил Сергеевичга миннатдорчилик билдирди ва ҳозирги даврдаги барча қийинчиликлар бартараф этилишига ишонтирди ҳамда Конституция нормалари ва қонунчилик шубҳасиз бажарилишини айтди.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ А. ОРИПОВНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ва самарали ижтимоий фаолияти учун шоир Абдулла **Орипов** Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ

Москва, Кремль,
1991 йил, 15 август

Кутлайсиз!



ИХТИЁР МЕНДА БЎЛСА...

Ўз халқимнинг ўрни, урф-одати, миллий ғурури, тарихий маданиятини сақлаган ва ривожлантирган ҳолда атрофдаги бошқа барча халқлар билан дўстлашиб, ҳамкорлик қилиб яшардим.

Ҳар бир кишини ҳар бир ишни виждонан бажаришга ўргатардим.

Хўжа Касби — **Умархон ЮСУПОВ**

●

Халқимизнинг турмуш эҳтиёжини қондирадиган кўплаб майда замонавий корхоналар қурар эдим.

Задарё — **Аҳмадали АБДУРАҲМОНОВ**

●

Рассом Абдулҳақ Абдуллаевга минг раҳмат! Унинг ҳафтаномангизда чиққан Алишер Навоий сурати мени қаттиқ ҳаяжонга солди. «Ихтиёр менда бўлса...» рукнида айтилаётган ватандошларимнинг фикрларини қувватлайман. Такрор айтаётган бўлсам, узр сўрайман. Қуйидаги фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман:

Биринчидан, жумҳуриятимиздаги бинолар, йўлларни табиат инъом этган (бундай бойликлар ҳар кимга ҳам насиб этавермайди) арзон сифатли маъданлар — тош, гранит, мармарлардан қурдирар эдим. Бундай маъданларни четга тиллага ҳам сотмас эдим. Иккинчидан, барча олий ўқув юртларига маҳаллий йигит-қизларни спорт разряди бўлсагина қабул қилардим.

Тошкент — **Низомбек УСМОНБЕКОВ**

●

Қоғоз нархини ҳеч қачон қимматлаштирмас эдим.

Қизил Тепа — **Муҳиддин ҲАКИМОВ**

●

Дон етиштириб, қўй, қорамол, от боқиб, фақат семизини сўйишга рухсат берардим. Мол боққанларга икки баравар ортиқ пенсия белгилардим.

Хонобод — **Раҳимжон ЕҚУБЖОНОВ**

●

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги газетасининг доимий мухлисиман. Бу газета материаллари жуда ранг-баранг, ўқишли. Газетанинг чиқишлари ва ҳар бир сони алоҳида эътиборга лойиқ. Биламан, менинг билдирадиган фикрларим рўзноманинг қарашига тўғри келмаслиги мумкин. Лекин бизнинг меҳнаткаш халқимиз нечун бунчалар ночор, қашшоқ яшайди? Бунга халқнинг ўзи айбдорми, ўтмиш тузум айбдорми ёки катта-кичик раҳбарларми? Балки янглишарман, лекин замон қандай бўлмасин, ҳамма вақт амалдорлар «қандларини уряптилар». Ҳозирда айёрлик, устакорлик шу даражадаки, адолатсизликларнинг бошланғич нуқтаси қаерда эканлигини сира тополмайсиз. Шуни ҳам кўриб, билиб турибманки, ҳақиқатни айтиб, ҳалол яшаётганлар «кўкараётганлари» йўқ. Демократия, тўғри, жонланяпти. Лекин ҳали халқ ўз ихтиёрини қўлга олди деб бўлмайди.

Жамиятни тозалаш, келажагимизни маданий давлатлар даражасида таъминлаш учун ҳамма куч-ғайратни маорифга ташлаш, чин ватанпарвар, эл-парвар ўқитувчилар етиштириш керак. Жамиятда энг ҳурматли зот яхши ўқитувчи бўлсин.

Фарғона — **Малика ТОЖИБОЕВА**

ЎЗБЕКИСТОН—ҲИНДИСТОН: ҲАМКОРЛИК КУНДАЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲИНДИСТОНДА

ҚЎШМА МАТБУОТ ХАБАРИ

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти жаноби олийлари Ислом Каримов Ҳиндистон вице-президенти жаноби олийлари доктор Шанкар Дайял Шарманинг таклифи билан 1991 йил 17 августдан 19 августга қадар Ҳиндистонга расмий ташриф буюрди.

Президент Ислом Каримов сафар давомида Ҳиндистоннинг Президенти ва вице-президенти ҳузурига ташриф буюрди ҳамда Ҳиндистон Бош вазири билан суҳбатлашди.

Президент Ислом Каримов, шунингдек, халқ палатасининг спикери, ташқи ишлар вазири ва Ҳиндистоннинг бошқа сиёсий раҳбарлари билан ҳам учрашди.

Президент Ислом Каримов Ҳиндистонда бўлган вақтида очиқ иқтисодий майдон — «Нойда»ни бориб кўрди, Агра шаҳрини зиёрат қилди, шунингдек, ҳинд бизнесменлари ва саноатчиларининг вакиллари билан суҳбатлашди.

Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистонга сафари ҳар икки томоннинг Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ҳамда тарихий алоқалар ва ҳамкорликни ССЖИ билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро муносабатлари доирасида ривожлантириш ва кенгайтиришдан иборат истагини акс эттиради. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар икки томон иқтисод, савдо, фан ва техника, маданият, таълим ҳамда бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқаларга янгича жило беришга келишдилар.

Мана шуларни назарда тутган ҳолда томонларнинг вакиллари Ўзбекистон ССЖ Президенти ва Ҳиндистон Бош вазирининг иштирокида ва топшириғига биноан:

1) иқтисод, савдо, илмий-техникавий ҳамкорлик;

2) маданият, санъат, таълим, фан, туризм, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга имзо чекдилар.

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон вице-президенти ва Бош вазирини ўзларига қулай вақтда Ўзбекистонга ташриф буюришларини таклиф қилди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

СУРАТДА: Ўзбекистон — Ҳиндистон учрашувидан лавҳа

Ж. РАЗЗОҚОВ суратга олган

АСРЛАР ОША УЧРАШУВ

Ўзбекистон Президенти ва ҳукумат делегациясининг Ҳиндистонга ташрифи қанчалик муваффақият билан ўтганлиги матбуотимизда батафсил ёритилмоқда. Мухбиримиз шу делегация аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул ҚОДИРОВ билан учрашиб, воқеа иштирокчиларидан бири сифатида ўз таассуротларини сўзлаб беришларини илтимос қилди.

— Одатда тарихий воқеаларнинг нечоғлик аҳамияти уларни таққослаганимизда кўзга яққолроқ ташланади.

Бундан беш-ўн йил, ҳатто юз йил аввал ўзбек халқининг давлат бошлиғи мустақил сиёсат юритиб, қўшни давлатларга, жумладан, Ҳиндистонга расмий ташриф буюришини тасаввур этиб бўлмас эди. Чунки бундан юз йил аввал ҳам биз мустақил давлат эмас, мустамлака эдик. Мана энди сўнгги йилларда қайта тикланган ҳақ-ҳуқуқларимиз ва мустақиллик ҳақида қабул қилинган Декларациямиз бизнинг жаҳон миқёсига дадил қадам ташлаб чиқишимизга имкон берди.

Бу биринчи қадам минг йиллардан бери қадрдон қўшнимиз бўлган ва улуғ истеъдодларимизга бағрини кенг очган Ҳиндистонга томон қўйилганлиги қутлуғ ҳодиса бўлди.

Президентимиз Ҳиндистон бош вазири жаноб Нарасимҳа Рао билан учрашган биринчи соатлардаёқ улуғ аждодларимиз руҳи асрлар оша етиб келиб, бугунги давлат бошлиқларимизнинг суҳбатларига иштирок этаётгандай туюлди менга. Чунки Ҳиндистон бош вазири халқларимиз минг йиллардан бери яхши ҳамкорлик қилиб келаётганини айтар экан, ўз нутқида ўзбекча номларни, масалан, Далварзинтепа ва у ерда топилган икки минг йил олдинги тарихий ёдгорликлар орасида ҳинд маъбудаларининг олтин ҳайкалчалари борлигини эслаб ўтди. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида хоразмлик улуғ ватандошимиз Беруний-нинг жаҳонга машҳур «Ҳиндистон» асари икки орада ҳали ҳам улуғ бир маънавий кўприк бўлиб турганини гапирганда, бу фикрни бутун ҳинд жамоатчилиги қўллаб-қувватлади.

Ҳиндистон вице-президенти жаноб Ш. Шарманинг кечки пайт бўлган қабул маросимида бугунги замоннинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда иқтисодий ва маданий алоқаларда янги бир сифат ўзгариш ясашда халқларимизнинг тарихий тажрибалари қандай ёрдам бериши айтилди. Шу муносабат билан жаноб Ш. Шарма Бобур ва унинг «Бобурнома»си ҳақида ўша даврда Ўзбекистон тупроғидан Ҳиндистонга борган истеъдодлар бу мамлакатда меъморчиликни, музикани, маданиятнинг барча соҳаларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги тўғрисида гапирди. Ўзбек халқи орасидан чиққан улкан истеъдодлар Ҳиндистонда, айниқса, Акбар ва Шоҳжаҳон каби улуғ давлат арбоблари даврида камол топганлиги тарихдан маълум. Ўзбек халқи асрлар давомида ҳинд халқидан яхшилик кўриб келди. Мана, ҳозир қайта қуриш даврида Ҳиндистон давлати биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда ўз элчихонасини очди ва Президентимизни катта эъзоз билан кутиб олди. Президентимиз Ҳиндистон бош вазирига ўзбек халқи номидан тўн кийдирганда, ажойиб санъат асари каби тикилган бу гўзал зардўзи тўнни гўё ўзбек халқи бутун ҳинд халқига кийдиргандек бўлди. Ҳиндистон телевидениеси ва газетаси суратлари бу чиройли маросимни алоҳида эътибор билан бутун мамлакатга кўрсатдилар. Ташрифнинг давоми дам олиш кунига тўғри келди. Иккинчи куни кечқурун Деҳлида совет маданий марказининг биносида учрашув белгиланган эди. Маданий марказнинг базси ходимлари «кун жуда иссиқ, ҳаво дим, кўп одамлар шаҳардан ташқаридаги боғ-ҳовлиларига кетган, учрашувга одам камроқ келса хафа бўлмайсизлар, зал тўлмаслиги мумкин», деб ташвишланганлари ёдимда.

Лекин айтилган соат, минутида, етиб борсак, Маданий марказ биносининг ичи-таши издиҳомга тўлган, учрашувга Рамеш Чандрадай жаҳонга машҳур жамоат арбоблари, парламент аъзолари, ҳинд-совет дўстлик жамиятининг мўътабар вакиллари келишган эди. Залга одам тўлиб кетганлигидан ўнлаб кишилар тикка туриб қолишган, баъзи бировлар қаторлар орасидаги йўлакларга тўшалган поёндозларда ўтиришарди. Ҳинд одатига биноан энг мўътабар меҳмонга олий эҳтиром белгиси сифатида ниҳоятда сара гуллардан ясатилган улкан гулчамбарлар тақдим этилди. Бу гулчамбарлар бошга эмас, балки елкага чиройли шаклда кийдирилади. Ҳиндистоннинг мўътабар ташкилотлари, муассасалари, парламент аъзолари, жамоат арбоблари номидан Ўзбекистон президентига шунчалик кўп ва гўзал гулчамбарлар тақдим этилдики, менинг назаримда уларни улашадиган бўлсак, бутун Ўзбекистон халқига етадигандай туюлди. Ҳиндистонлик дўстларимизнинг меҳрларидан нишона бўлган бу гуллар чиндан ҳам президентимиз орқали бутун Ўзбекистон ва унинг халқига тақдим этилди.

— Маданий ҳамкорлик бўйича қабул қилинган шартномалар хусусида нима дея оласиз?

— Маданий ҳамкорлик бўйича қабул қилинган шартнома лойиҳасини тайёрлашга мен ҳам баҳоли қудрат иштирок этган эдим. Шартномага биноан томонлар маданият, ижодкор зиёлилар иши, нашриёт масалалари бўйича ҳар йили делегациялар алмашиб туришга келишдилар. Бу делегациялар таркибига маданият, театр арбоблари билан бирга, ёзувчилар, кинематографлар, ноширларимиз ҳам кирадилар. Ва улар келгусида ҳамкор бўлиб яратиладиган санъат асарлари, таржима ишлари, китоб нашрларига оид муайян ишларни кенг кўламда олиб борадилар, деб келишилди. Шартнома бу жиҳатдан ҳам маданий алоқаларимизни янги бир сифат босқичига кўтаради деб умид қиламиз. Бу яхши битимларни ҳар томонлама тўлиқ амалга ошириш эса кўп жиҳатдан ўзимизнинг сайъ-ҳаракатларимизга боғлиқ.

КЕЛГУСИ СОНДА:

- Янги ўқув йили: Навоий дарси
- Сўфи Оллоёр тақдири
- Рассом қизнинг ҳикояси
- Фўза барги ҳам хазина экан
- Ҳожибойнинг кўз ёшлари

ҲАЁТИМДАН УНЧАЛИК НОЛИМАЙМАН

ХЎШ, ҚАНДАЙ ЯШАЯПМИЗ

Бугунги вазият кишини ўйлашга мажбур қилади. Биз умримизнинг катта қисмини яшаб бўлдик. Лекин фарзандларимизнинг, невараларимизнинг эртаси қандай бўлар экан? Яқинда неварамга тўй қилдик. Меҳмонларга қўйишга қанд ҳам топа олмадик. Эшитишимга қараганда, бир қоп қанднинг нархи 400—500 сўмга чиққан эмиш. Хўш, бу олибсотарлар қандни қаердан олишаяпти? Бундан беш-олти йил бурун номаълум шахслар катта ўғлимни ўлдириб Киров номидаги каналга ташлаб юборишди. Ўғлим ўша куни қаерда, ким билан ўтиргани маълум. Ўша ўйда жанжал бўлганини эшитган одамлар бор. Лекин жиноятчилар йўқ. Ёрдам сўраб жуда кўп маъмурий ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилдик. Барибир қотиллар топилмади. Ҳар қандай қонунсизлик кишининг ҳаётдан кўнглини совутар экан. Буни мен ўз ҳаётимда синаб кўрдим. Хуллас, ягона тилагим — тезроқ ёруг кунларга етайлик.

Саидмаҳмуд АКБАРОВ:

БАРЧА НАШРЛАРГА ОБУНА ДАВОМ ЭТАДИ

Маълумки, 1 августдан жумҳуриятимизда рўзнома ва ойномаларга обуна давом этмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон Алоқа вазирлигига қарашли жумҳурият матбуот тарқатиш марказининг бошлиғи Сандмаҳмуд Акбаровга учрашиб бир неча саволлар билан мурожаат қилди:

— Саидмаҳмуд Сандович, мана обуна бошланганига 20 кундан кўпроқ вақт бўлди. Жумҳуриятимизда бу иш қандай бормоқда?

— Бир сўз билан айтсам унчалик кўнгилдагидек эмас. Бунинг биринчи сабаби рўзнома ва ойномаларнинг нархи анча қимматлашгани бўлса, иккинчи сабаби муҳарририятлар биз билан шартномани анча кечикиб туздилар. Лекин бу ишда муҳарририятларни ҳам айблаб бўлмайди. Қоғознинг нархи аниқ бўлмагани учун рўзномалар ва ойномаларга нарх кечикиб белгиланди. Натижада жумҳуриятимизда чиқадиган 30 дан ортиқ рўзнома ва 70 дан ортиқ ойноманинг бор-йўғи учтаси Иттифоқ каталогига киритилди. Шубҳасиз, бу обунага таъсир қилди.

— Сиз юқорида обуна жуда суст кетаётганини таъкидладингиз. Бу ишни жонлантириш учун нима қилиш керак деб ўйлайсиз?

— Биз барча воситаларни ишга солганмиз. 200 дан ортиқ махсус обуна қилиш пунктлари, 2300 та алоқа бўлимлари ишлаб турибди. Бу ишга 45000 та жамоатчи обуначилар жалб этилган. Барча алоқа бўлимлари ва пунктлари кераклича етказиш варақалари, тарғибот воситалари билан таъминланган. Шу ерда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Бугун бировни бирон бир нашрга мажбурлаб обуна қилиш қийин. Аввало рўзнома ва ойномалар ўқувчилар дилига йўл топиши керак. Шундагина кўзланган мақсадга эришилади, обуна кўнгилдагидек бўлади. Биз эса барча ташкилий чораларни кўрамиз. Чунончи, адабиёт газетасининг йўли доимгидек ойдин бўлади, деб ишонч билдирамиз.

Ҳафталигимизнинг ўтган сонида юқоридаги рукн остида заркентлик Гулмат бобо Эшовнинг фикр-мулоҳазаларини берган эдик. Янги рукн кўпчиликнинг диққатини тортди. Муҳарририятимизга қандай яшаётгани тўғрисида турли хил фикр-мулоҳазалар билдирилаётган хатлар кела бошлади. Қуйида боёвутлик нафақахўр **Абдурауф АЛИБЕКОВ**нинг хатини эълон қиламиз.

— Ростдан ҳам, қандай яшаяпмиз? Менимча, ҳар бир киши ўзига шу саволни бериб кўриши керак. Мен умр бўйи ўқитувчилик қилдим. Тумандаги жуда кўп мутахассисларни шогирдим десам хато қилмаган бўламан. Ҳалол ишладим. Бировга ёмонлик қилмадим. Шунинг учун бўлса керак, шогирдларим ҳозир ҳам ҳурматимни жойига қўйишади. Лекин бир нарсани очиқ айтишим керак, шунча йил ўқитувчиларни иккинчи ота, иккинчи она деб келинди-ю уларга деярли ғамхўрлик кўрсатилмади. Айниқса, қишлоқ ўқитувчисининг обрўсини кўтариш ҳақида ҳеч ким ўйламади. Натижада улар хўжалик раҳбарларига ҳам тобе бир шахсга айланиб қолди. Кейинги икки-уч йилда муаллимларга муносабат ўзгарди. Афсуски, бу пайтга келиб нафақага чиқиб кетдим. Ўтган ҳаётимдан унчалик нолимайман. Барча фарзандларимни уйли-жойли қилдим. Лекин сўнгги йилларда нарх-навонинг кескин ошиб кетиши кишини ташвишга солади. Дўконлардан энг зарур молларни топиш ҳам амримаҳол бўлиб қолди. Гўштнинг нархи осмонга чиқиб кетди. Айрим сотувчилар унни ҳам яшириб сота бошлади. Улар атайин ун танқислигини келтириб чиқаришга ва шу йўл билан мўмай пул ишлаб олишга интилаяптилар.

Янги РУКН

АВВАЛ ИҚТИСОД, КЕЙИН...

ТИЖОРАТ — ЗИЁРАТ — СИЁСАТ

ОЛМОН МАМЛАКАТИГА тижорат мақсадида Москвада тузилган Халқ маданияти ва умуминсоний қадриятлар Академияси президенти Тошпўлат Тожиддиновнинг илтимосларига кўра бордим. Мақсадимиз олмон корхоналари билан Академиямиз ўртасида қўшма корхона тузиш эди. Сафар давомида айрим корхоналар билан ҳамкорлик қилишга «дастлабки келишув»ларга эришдик. Қўшма корхоналар тез кунда иш бошлашини умид қиляпмиз.

Қайта қуриш сиёсатини бошлаган мамлакатимизда кўплаб ижтимоий ва хусусий аҳамиятга молик турли катта-кичик ширкатлар ва корхоналар ташкил топиб, иқтисод, савдо ва тижорат бобида муваффақият билан иш олиб бормоқда. Айрим ширкатлар асосан хусусий мулкчиликка асосланган бўлсада, қайсидир маънода халқнинг моддий-маиший эҳтиёжини қондирмоқда. Тўғри, бир хил ширкат эгалари инсоф ва имон чегаларини бузиб қўяётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Юқорида номи қайд этилган Академиянинг фаолияти даставвал Тошкентда кўп қиррали ширкат шаклида бошланган эди. Кейинчалик у «Халқ дипломатияси фонди»нинг ёрдами билан катта ижтимоий ташкилотга айланди. Ҳозирги кунда Академия фаолиятининг жуғрофий қамрови СССР доирасидан чиқиб, у қатор Шарқ мамлакатларида барпо этилган ўз ваколатхоналарига эга бўлган халқаро ташкилотдир.

Академиянинг асосий мақсади — СССРда ислом маданияти ва қадриятларини юқорироқ савияга кўтариш, СССР мусулмонлари ва чет эл мусулмонлари ўртасида диний, маданий ва иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва бу ишга ҳар тарафлама ёрдам бериш, қолаверса, бошқа халқларнинг диний эътиқод ва қадриятларини ҳам қўллаб-қувватлашдир. Аммо бу холис ва муборак ниятни моддий-иқтисодий асоссиз рўёбга чиқариб бўлмайди (қуруқ аюханнос солиш, ваъз айтиш билан нималарга «эриша олганимиз» эндиликда ҳеч кимга сир эмас). Шу мақсадда Академия таркибида ижтимоий институтлар билан бирга тижорат бўлимлари жорий этилган. Тижорат йўналишида қатор Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқалари йўлга қўйилган; ҳозирги кунда айрим кичик корхоналаримиз ҳам иш бошлаган. Булардан келаётган даромадлар ҳисобига Академия қатор хайрия тадбирларини амалга оширмоқда. Масалан, Бухоро вилояти Вобкент ноҳиясида Имом ал-Бухорий номидаги жомеъ масжиди комплекси қурилишига 7,5 миллион сўм ажратилди, муқаддас «Қуръон» китобимизни араб ва рус тилларида чоп эттириб кўпайтиришга 2 миллиондан кўп пул сарфланди; Тошкент Давлат дорулфунунига талабаларни моддий жиҳатдан қувватлаш учун 1 миллион сўмдан ортиқ пул ёрдам берилди. Ўзбекистон ва Қирғизистон мусулмонларининг Маккага ҳаж сафарларига ҳам катта ташкилий ёрдами кўрсатилди, жумҳуриятимиз ва иттифоқимиз олимларининг чет эл сафарлари моддий ва ташкилий томондан узлуксиз равишда таъминланмоқда ва ҳоказо. Фақат 1990 йилда қилинган хайрияларга ажратилган пул 20 миллионга яқин сўмни ташкил этади. Умуман, бир суҳбатимизнинг ўзида Академия ва унинг Президенти олиб бораётган ишлар ҳақида гапиришнинг иложи йўқ, бу мавзуга махсус мақола бағишланганги маъқулроқ. Чунки Академия фаолияти ҳақида шу пайтгача қатор чет эл матбуот органлари, «Время» программаси, «Независимая газета», «Известия» ва бошқаларда турли мақола ва суҳбатлар босилса-да, ҳали ўзбек матбуоти бу борада камтарлик қилаётгани қизиқ туюлади.

Маълумингизки, муқаддас китобимиз «Қуръон» дунёнинг жуда кўп тилларига таржима қилинган. Бу таржималарнинг кўпчилиги, шунисси қизиқки, Ислом мамлакатларида эмас, христиан дини мамлакатларида амалга оширилган. Олмониянинг Майн соҳилларида жойлашган Франкфурт шаҳрида «Ислом» нашриёти бор. Мен шу нашриётга бориб, унинг нашрлари билан танишдим. Нашриётда шу пайтгача Қуръони Карим 123 тилда чоп этилган экан. Кўпчилиги ҳам араб, ҳам таржима тилида. Нашриёт бошлиғи, ислом динини қабул қилган олмон адиби жаноб Ҳадаятулло Ҳюбш мени самимий қабул қилиб, муқаддас китобимизнинг ўзбекча таржимасини чоп этиб беришга ваъда берди. Бунинг харажатлари Академиямиз зиммасида бўлади. Бу тадбир яхши кўчса, нашриёт ўзбек тилида «Ҳадислар»ни, «Ислом ибодатлари»га оид бошқа оилавий нашрларни ҳам чоп этишни ихтиёр этмоқда.

ҲАФТАНИНГ жума куни эди. Вақт пешинга яқинлашгани учун, Ҳадаятулло жаноблари менга юзланиб «Афв этинг, жума намозига бориш вақти бўляпти, мен билан бирга юринг», деб қолдилар. Хўп деярмни ҳам, йўқ деярмни ҳам билмай қолдим. Чунки ёшим қирққа чиқиб, ўз юртимда масжидга намоз ўқиш учун бормаган эдимда: аввал пионер ва комсомол эдик, кейин эса олий маълумотли институт ва университет домласи бўлдик. У пайтларда нафақат масжидга бориш, ҳатто ўқитувчилар бир-биримизга «домла» деб мурожаат қилишимизни айрим ношуд мафкурабозларимиз ман қилиб қўйган эди. Хуллас, масжидга боришга рози бўлдим. Аммо ўзимдан ўтганини ўзим билдим, худо билди. Масжидга борсак, бизни 300 га яқин мусулмонлар қарши олишди. Ҳадаятулло жаноблари жума намозини араб тилида жума хутбаларини эса олмон тилида ўқидилар. 300 мусулмоннинг ичида элликка яқини олмон ва поляк миллатига мансуб бўлиб, улардан 20 га яқини олмон аёллари экан. Улар ўз христиан динидан чиқиб, ислом динини қабул этган диний биродар ва ҳамшираларимиз экан. Уларнинг бу иши мени лол қолдирди.

Алқисса, қаторга туриб жума намозида мусулмон фарзанди сифатида биринчи марта ўз юртимда эмас, олмонлар юртида қатнашдим, баҳоли қудрат, албатта. Инсон ўз ҳаётида турли воқеаларни, яхши-ёмон кунларни бошидан ўтказади ва ҳар бир жиддий ҳодиса бир сабоқ бўлади. Мен ҳам шу дамда хулоса чиқардимки, агар эсон-омон Ватанимга етиб борсам, аввало ўзим ва ўз яқинларим билан бирга ислом эътиқоди устуни бўлмиш Қуръони Каримни, ислом ибодатларини чуқур ўрганишга киришаман. Эътиқодсизликдан худо асрасин. Эътиқодсиз одам учун муқаддас нарса йўқ.

Сафар ҳамиша йўлда бўлганидан қатнов воситалари нинг харажатлари Академиямиз зиммасида бўлади. Бу тадбир яхши кўчса, нашриёт ўзбек тилида «Ҳадислар»ни, «Ислом ибодатлари»га оид бошқа оилавий нашрларни ҳам чоп этишни ихтиёр этмоқда.

ХАФТАНИНГ жума куни эди. Вақт пешинга яқинлашгани учун, Ҳадаятулло жаноблари менга юзланиб «Афв этинг, жума намозига бориш вақти бўляпти, мен билан бирга юринг», деб қолдилар. Хўп деярмни ҳам, йўқ деярмни ҳам билмай қолдим. Чунки ёшим қирққа чиқиб, ўз юртимда масжидга намоз ўқиш учун бормаган эдимда: аввал пионер ва комсомол эдик, кейин эса олий маълумотли институт ва университет домласи бўлдик. У пайтларда нафақат масжидга бориш, ҳатто ўқитувчилар бир-биримизга «домла» деб мурожаат қилишимизни айрим ношуд мафкурабозларимиз ман қилиб қўйган эди. Хуллас, масжидга боришга рози бўлдим. Аммо ўзимдан ўтганини ўзим билдим, худо билди. Масжидга борсак, бизни 300 га яқин мусулмонлар қарши олишди. Ҳадаятулло жаноблари жума намозини араб тилида жума хутбаларини эса олмон тилида ўқидилар. 300 мусулмоннинг ичида элликка яқини олмон ва поляк миллатига мансуб бўлиб, улардан 20 га яқини олмон аёллари экан. Улар ўз христиан динидан чиқиб, ислом динини қабул этган диний биродар ва ҳамшираларимиз экан. Уларнинг бу иши мени лол қолдирди.

Алқисса, қаторга туриб жума намозида мусулмон фарзанди сифатида биринчи марта ўз юртимда эмас, олмонлар юртида қатнашдим, баҳоли қудрат, албатта. Инсон ўз ҳаётида турли воқеаларни, яхши-ёмон кунларни бошидан ўтказади ва ҳар бир жиддий ҳодиса бир сабоқ бўлади. Мен ҳам шу дамда хулоса чиқардимки, агар эсон-омон Ватанимга етиб борсам, аввало ўзим ва ўз яқинларим билан бирга ислом эътиқоди устуни бўлмиш Қуръони Каримни, ислом ибодатларини чуқур ўрганишга киришаман. Эътиқодсизликдан худо асрасин. Эътиқодсиз одам учун муқаддас нарса йўқ.

Сафар ҳамиша йўлда бўлганидан қатнов воситалари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Барча олмон шаҳарларида транспорт шу қадар аниқ ишлайдики, қойил қоласиз. Ер устида асосан автобус ва трамвай қатнайди. Уларнинг қайси бекатда қай соат ва қай минутда тўхтаб ўтиши бекатлардаги эълон тахтачаларида ёзиб қўйилганки, аниқ вақт мўлжали билан юриш олмонлар учун одатий ҳол. Соатлаб автобус кутиш ёки бўлмаса, ҳайдовчиларнинг хоҳласа тўхтаб, хоҳламаса, бекатда тўхтамай ўтиб кетиши, йўловчиларнинг паттасиз юриши ва бошқа қатор бизда учраб турадиган ҳодисалар олмон воқелиги учун ётдир. Энг қисқа масофага 1 марка 30 пфеннинг тўлайсиз, агар тўламасангиз, 60 марка (бизнинг пулда 1000 сўмга яқин) жарима тўлайсиз. Шаҳарлар ўртасида тезюрар поездлар ва учқичлар (олмониялик ўзбеклар самолётни шундай атар эканлар) қатнайди, ўрин ва патта доим бор. Бундан ташқари ҳар шаҳарда ҳамёнининг имкони чекланган йўловчилар учун митфарцентрале хизмати бор. Бунда бошқа шаҳарга кетувчи енгил машина эгаси бўш кетмаслик учун учтагача йўловчини ўзи билан бирга олиб кетади. Кира ҳақи поездга нисбатан уч баробар арзон. Бизнинг таксистларимиз ёки шахсий машиналаримиз билан айниқса бошқа шаҳарга боргулик қилмасин, поезддан, ҳатто самолётдан ўн баробар ортиқ пул талаб қилишади. Ҳар ҳолда транспортимиз бошлиқлари олмонлар тажрибасини ўрганса ва жорий қилса, кўп савоб иш бўлар эди. Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишни айтмайсизми? Қизил чироқ ёндими, тамом, йўловчи таққа тўхтайди. Агар тасодифан бирор машина қизил чироқдан ўтиб кетса светофорларда яширин ўрнатилган фотоаппаратлар машина номерини дарҳол полиция маҳкамасига етказади ва манзилингизга етмай йирик жарима тўлайсиз ҳамда ҳайдаш ҳуқуқингиздан маҳрум этиласиз. Шу сабабдан олмон деганн йўл қоидасига қатъий риоя қилади.

Ғарбий Олмонияда 60 миллион аҳоли ҳисобига 45 миллион шахсий енгил автомашиналар ҳар кун қатновда. Машина ишлаб чиқарадиган заводлари кўп бўлсада, олмонлар Япония ва АҚШ машиналарини ҳам минишади. Машина олиш ҳам жуда осон. Пулингиз бўлса, бирдан тўлайсиз (яхши янги машина 20—30 минг марка), бўлмаса ойига 200—300 маркадан тўлаб бориш шарти билан ҳам машина сотиб олиш мумкин. Уларнинг машиналарини биз ҳам сотиб олишимиз мумкин, албатта, бироқ бизда бор хом ашё пахта, пилла, ер ости ва усти бойликларига алмашиш йўли билан. Умуман олди-берди масаласига келсак, агар жумҳуриятимиз ростдан ҳам мустақил бир давлат сифатида ўз табиати ва бойликлари билан ўз ихтиёрича иш тута олса, биз ўз бойликларимизнинг бир қисминигина чет элларга сотиб четдан ўзимизда йўқ кўп нарсаларни бемалол келтира олган бўлар эдик. Олмон кордонлари бизга жуда кўп нарсаларни сотмоқчи: ғишт қуювчи кичик заводлар, кондитер цехлари, вино ва пиво тайёрловчи катта-кичик корхоналардан тортиб кундалик эҳтиёж молларигача. Бизнинг валютамиз йўқлигини ҳам билишади. «Жумҳуриятингиздаги табиат бойликларингиздан берсангиз бўлди», дейдилар. Албатта, бу бойликларимизни сотиш-сотмаслик ўз халқи фаровонлигини ўйлаган раҳбарларнинг ишлари.

Лекин шу нарсани таъкидламоқчиманки, Олмонияда юриб, бот-бот ишончим комил бўлавердики, бирор мамлакатнинг иқтисод ва маданиятини кўтариш учун жуғрофий жиҳатдан табиий бойликлари ончалик кўп бўлиши ҳам шарт эмас экан. Мана шу Олмонияни олайлик. Ер ости бойликларидан озгина қўнғир кўмири ва яна бир-иккита ҳатто ўз эҳтиёжини ҳам қопламайдиган рангли металлар бор, холос. Ўрмонларидаги ёғоч қоғоздан бўлак ҳеч нарсага ярамайди. Иккинчи жаҳон урушида эса пачоғи чиқиб кетган. Лекин қисқа 30—40 йил ичида у Ёвропонинг энг тараққийлашган мамлакатига айланган. Ниманинг эвазига? Олмонлар ўғирлик, қароқчилик нималигини билишмайди. Бу фаровонлик ишбилармонларга, хусусий мулкчиликка, ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Япония ва ҳ. к.) билан эркин олиш-бериш, савдо-сотиқ алоқаларига кенг йўл очиб беришнинг натижаси ўлароқ амалга ошган. Бугунги кунда эса Олмония бошқа ривожланаётган мамлакатлар, жумладан СССРга ёрдам қўлини чўзмоқда. Айтганча, шу йилнинг апрель ойида Берлинда «Шарқий Ёвропо давлатларига ёрдам жамияти» тузилди. Бу олмон жамиятининг «Россияга ёрдам» бўлими бошлиғи этиб ўзбек фарзанди Халқ маданияти ва умуминсоний қадриятлар Академиясининг президенти, қатор Шарқ ва Ғарб мамлакатлари расмий ва тижорат давраларининг ҳурматини қозонган Тошпўлат Тожиддинов сайланди. Бу жамият банкасига қисқа муддат ичида 120 миллион марка миқдорида ёрдам пули тушди.

КЕЗИ КЕЛГАНДА шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон халқини она еримизнинг кўркам табиати ва тарихий обидаларини кўргани келган чет эллик сайёҳлар — интуризмдан келган даромаднинг ўзигина боқиши мумкин. Бунинг учун мустақил, даромади йўлларда қолиб кетмайдиган, чет эллардаги туризм маҳкамалари билан бевосита алоқа қила оладиган алоҳида ташкилот тузиш керак. Кўрсатадиган табиатимиз, қадимий тарихий архитектура ёдгорликларимиз, меҳмоннавоз халқимиз, замонавий меҳмонхоналаримиз, туристик база ва дам олиш уйларимиз, хуштакаллуф хизматчиларимиз, тили бийрон тилмочларимиз, яъни бир хорижий сайёҳнинг кўнглини олувчи барча нарса муҳайё. Олмон райзебюро (саёҳат маҳкамалари)сида билишимча, бизнинг юртга келиб-кетувчи ҳар сайёҳ 2—3 минг марка атрофида харажат қилар экан (1 марка — 16 сўмга тенг). Агар биз уларни ўз тайёрамиз билан олиб келиб, олиб бориб қўйсак, шу пулнинг бари бизда қолиши мумкин. Бу борада айрим қардош жумҳуриятлар, масалан Гуржистон ва Озарбойжонда амалда иш бошлаган, ҳатто хусусий характерга молик туризм ташкилотлари тажрибасига ҳам суяниш мумкин. Умуман, туризмдай даромадли соҳадан биз Ўрта Осиё минтақаси тўғри фойдалана олмаймиз. Самарқанддаги обидаларда акс этган ўтмишдошларимиз санъатини келиб томоша қилишади-да, томоша ҳақини Москва олиб қолади. Бу бироз ғайритабиий туюлмайдими? Ахир ҳеч бўлмаса иккидан бири, учдан бири қолсин бу ерда ҳам. Мевани менинг боғимдан ейишса-ю, ҳақини қўшнимга бериб кетишса...

Балким кўпчилик билар, Ёвропонинг киндигида митти давлат бор — Лихтенштайн деган; 26512 аҳолиси бор, унда на армия, на сон-саноқсиз вазирликлар бор. Жуда бой яшашади. Асосий даромад манбаи енгил саноат шахобчалари ва шу кичкинтой ўзига хос давлатчани кўришга борган саёҳатчилардир. Хизматни жойига қўйиб, сайёҳнинг нозиктаъб кўнглини ва чўнтагидаги пулини олишади. Нега биз шундай қилолмас эканмиз? Яна бир хулоса шу бўлдики, биз ўз минтақамиз туризмини тижорат томон бурмоқ пайти келди. Агар бу борада Ўрта Осиё жумҳуриятларимиз бир ёқадан бош чиқарса, бемалол Ёвроподан бевосита ўзимизга келиб-кетувчи саёҳат маршрутларини (айтайлик, Берлин — Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Душанбе — Ашхобод — Бешкек — Олмаота — Берлин) ташкил этиш мумкин. Ёврополикларни бу минтақа азалдан-ҳозиргача қизиқтириб келмоқда.

Таассуротлар кўп. Айтайлик, дўконлардаги хилма-хиллик. Фақат гўштнинг 90 хил маҳсулоти ва ёки тури пештахталарда муҳайё. Ҳўл мева дўконларида эса йил давомида узум, қовун, тарвуз, шафтоли, ўрик, олча, гилосларнинг турли навлари кўзни қамаштиради. Аммо, бу ташқи кўриниш алдамчи таассурот. Олиб еб кўрсангиз, мазаси унча яхши эмас, лекин олмонлар барибир оляпти. Мен ҳам Тошкентдан қовун олиб кетган эдим. Бизнинг қовунни еб кўргач, олмон ҳамкасбимиз: «Ў, оғайни, шу қовунларингдан сотмайсанларми, мен уни йил бўйи янги узилгандай сақлай оламан», деди. Олмон товари ёки маркасига сотиб олмоқчи. Бизнинг битта қовунни уларнинг пулига 25—30 маркага баҳолаб сотиш мумкин. Йўл пулини чиқариб ташланг — 10 марка қолсин. 10 маркага олган нарсани бизда 100 сўмга ҳам ололмайсиз. Ўзимча ўйлаб қолдимки, меваларимизни келинг, Ёвропога ҳам бир сотиб кўрайлик. Аммо чекланишлар, чегаралар бунга осонликча йўл беришига ишонгим келмайди.

Умуман, чет мамлакатлар, хусусан Ёвропо давлатлари билан иқтисодий бевосита алоқалар қилишга имкониятлар кўп. Бунинг учун ишлаб чиқариш, хайрия йўналишидаги хусусий ширкат ва корхоналарга кўпроқ имкониятлар яратиб бермоқ керак. Иттифоқ раҳбарияти бартерни чекласа-да, жумҳурият раҳбарияти ўз эҳтиёж ва манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда хомашёларимиз ҳисобига чет эл корхоналари билан қўшма корхоналар барпо этишни кенгроқ йўлга қўйса, ёмон бўлмас эди. Қолаверса, турли жабҳалардаги алоқаларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун Ўзбекистоннинг Америка, Ёвропо, Осиё, Африка минтақаларида ўз ваколатхоналари бўлмоғи мақсадга мувофиқ. У ерларга таниш-билиш ёки маълум бир партияга аъзолиги учун эмас, тижорат ва тилни билгувчи ўзбек йигит-қизларини ишониб юбориш керак. Шу ўринда умуман турли тарихий шарт-шароитларда Ўзбекистонни тарк этган чет элларда яшаётган барча ватандошларимизни жумҳуриятимизга чақириб, катта бир учрашувини ўтказиш бениҳоя хайрли иш эканлигини айтиб ўтмоқчийдим. Муҳожир ўзбекларнинг ичида юзлаб ишбилармонлар, олимлар, ҳунармандлар, савдогарлар, журналистлар, ҳуқуқшунослар, корхона ва банк эгалари борки, улар билан мулокот ҳам савоб, ҳам тижорат бобида тажриба алмашиш бўлур эди. «Ўтган ишга саловат» дейилса бўлди. Аминманки, уларнинг аксарияти ўз она Ватанига садоқат ва меҳр билан интилажак. Бу борада муҳожир россияликларнинг август ойида Москвада бўлаётган йиғилишлари ибратли ҳодисалир. Жумҳуриятимизнинг ҳозирги раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган Тошкент ишбилармонлар анжуманидаги учрашувларнинг дебочаси бўлди.

Мақола охирида ҳурматли газетхонлардан, айниқса, тижорат ва ишлаб чиқаришнинг нонини еган мутахассислардан илтимосим шуки, менда пайдо бўлган хулоса ва таклифларни бе-ғараз таклиф деб қабул қилсалар. Ўргатиш ниятидан узоқмиз. Бинобарин, менинг касбим олмоншунослик. Бўш вактда тил билишдан тижорат максадида фойдаланишни ихтиёр этдик, холос. Лекин истардимки, жумҳуриятимизда маҳаллий ишбилармонлар кўпайса, бир-бири билан яхши ниятда рақобат килса. Тошпўлат Тожиддиновдай ўз корхонаси даромадларидан халқимиз кадриятларини, унинг моддий ва маданий савиясини кўтаришни максад килиб кўйса... Йиллар давомида юракларни ўртаб келган армонлар бирма-бир ушаларди, деб ўйлайман.

Хуррам РАҲИМОВ,
ТошДД доценти, МДЛД докторанти

Айдер ОСМАН, Зокир ҚУРТНЕЗИР, қримтатар ёзувчилари

ВАТАНГА ҚАЙТИШ МАШАҚҚАТЛАРИ

Менинг дилхун халқимдан ҳам
Халқ бормикин бағри хунроқ?
Айирмишлар бизни сеидан,
Киндик қоним томган тупроқ!
Майли, дунё чаман бўлсин,
Мен дейманки, лекин, ўртоқ,
Ҳар ким учун Ватан бўлсин —
Киндик қони томган тупроқ!

Мирпўлат МИРЗАЕВ

ШОИР БУ СЎЗЛАРНИ хўб топиб, халқ дилидагини чуқур ҳис этиб айтган. Мана, салкам эллик йилдирки, қримтатар халқи ҳам ўз ота юртига, она Ватанига қайтиш орзу-умидида яшаб, курашиб келмоқда. Одамзот ҳеч вақт умидсиз яшай олмайди. Минг йиллик тарихига, қадимий маданиятига эга бўлган қримтатарлар Сталин ва унинг атрофидаги «давлат арбобларининг» бир имоси билан «ватан хоини» деган уйдирма асосида ўз юртидан бадарға қилинган эди. Лекин улар ҳеч вақт Ватанга қайтиш умидидан мосуво бўлган эмас. Ахир, авлоду аждодларининг хоки поклари ётган тупроқни унутиб, ундан воз кечиб бўладими? Лекин узоқ йиллар давомида бу оддий ҳақиқатдан кўз юмиб келинди. Айрим ташкилотларнинг ходимлари «юқорининг амри вожиб», дея миллатнинг номини ўзгартиришгача, «Қрим» деган сўзни ёздирмасликкача бориб етишди. Бироқ халқ бундай тазйиқларга, ўкситишларга сабр-тоқат билан бардош берди.

Ватанга қайтиш орзу-умидида миллий ҳаракат таркиб топди. Унга уруш, меҳнат ва фирқа фахрийлари ҳомийлик қилишди. Халқнинг поймол қилинган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш юзасидан марказий ҳукумат ва давлат раҳбарлари номига аризалар ва талабномалар ёзилди. Эҳ-а, бу ҳужжатлар бир ерга тўпланса, юзлаб жилдни ташкил этарди.

Тўғри, халқнинг жонидан ўтган, пичоқ суякка бориб етган пайтлар ҳам бўлди. Ва халқ ўз талаби изҳорини кўчаларда, майдонларда баён этишга мажбур бўлди. Бу митинглар, намойишлар ҳам совет қонун-қоидалари белгилаб қўйган чизиқдан ташқарига чиқмади. Аммо кўп ҳолларда бундай ҳаракатлар ўша даврдаги маъмуриятга кўп ҳам ёқинқирамади. Асл ватанпарварларимиз номини бадном этиш йўллари тутилди, уларга «экстремист», «амалпараст», «бузғунчи» деган ёрлиқлар тақилди, ҳибсга олиндилар, сохта айблар билан қамалдилар.

Лекин шундай вазиятларда ҳам қримтатарлар миллий ҳаракати ташкилотчилари Ватанга қайтиш йўлидаги курашни ақл-идрок билан олиб бордилар. Халқлар ўртасидаги дўстликка, қардошлик ва биродарликка раҳна соладиган бирор қалтис ҳаракатнинг рўй беришига йўл қўймадилар...

Қайта қуриш, демократия, ошкоралик жараёнлари туфайли қримтатарлар муаммоларини ҳал этиш йўлида ҳам муайян қадамлар қўйилди. Энг муҳими, кўплаб бошқа халқлар қатори қримтатарларни ҳам ўз юртларидан қонунсиз равишда сургун этилганликлари давлат миқёсида, бутун дунёга жар солинган ҳолда тан олинди. Бу халқларнинг сургунликдан олдинги ҳақ-ҳуқуқларини тўла тиклаш, Ватанларига қайтариш ва давлатчилигини тиклаш зарурлиги таъкидланди. ССЖИ халқ депутатларининг қурултойида бу масалалар муҳокама этилиб, эътиборли махсус комиссия тузилди. Унинг зиммасига қримтатарлар гавжум яшаётган жумҳуриятлар, ўлкаларда халқнинг аҳволи билан танишиш, уларнинг хоҳиш-истакларини чуқур ўрганиш вазифаси юкланди. Ҳали-ҳали эсимизда: комиссия аъзолари Ўзбекистонга келганларида шаҳарлар ва қишлоқларда аҳоли билан очиқчасига мулоқот бўлган, халқ ўзининг ярим асрлик ҳаёти ва муқаддас орзу-нияти тўғрисида кўзда ёш билан сўзлаб берганди. Дастлаб комиссияга бироз ишончсизлик билан қаралгани ҳам рост. Негаки, ундан илгари А. А. Громико раҳбарлигидаги давлат комиссияси ҳеч иш қилмай, аксинча халқ устига бўҳтондан иборат айбловларни чаплаган эди. Янги комиссия билан учрашувларда бу қайта-қайта тилга олинди.

ССЖИ халқ депутатларининг навбатдаги қурултойида комиссия иши якуни ҳақида ахборот берилди ва қримтатарларни ўз ватанига қайтариш юзасидан таклифлари баён этилди. Шубҳасиз, бу хулосалар халқни анча тинчлантирди, қалбида ишонч пайдо қилди. Ўзига тўқ оилалар уй-жойларини арзон-қимматлигига қарамай сотиб, кўч-кўронини кўтариб Қримга кета бошлади. Бироқ бу ҳаракатга Қримнинг партия ва совет органлари тўсқинлик қилишди. Улар Қримда 2,5 миллионга яқин аҳоли яшаётганини, озиқ-овқат, уй-жой муаммолари ниҳоятда кескин эканлигини рўкач қилиб, қримтатарларнинг кўчиб келишларига қаршилик кўрсата бошладилар. Сотиб олинган уйлар расмийлаштирилмади, ўзлари ишга олинмади ва пропискадан ўтказилмади.

Буларнинг ҳаммаси қримтатарларнинг ички норозилигини кучайтирди ва оқибатда Қримда халқни тураржой қуриш учун ер майдонларини изсиз ишғол қилишга мажбур этди. Ҳозир биргина Симферополь атрофида минглаб ана шундай участкалар мавжуд. Лекин маҳаллий ташкилотларга бу ҳам ёқмади. Қримтатарлар вилоят фирқа ва ижроқўмлари олдида такрор-такрор митинглар уюштирдилар, ойлаб чодир шаҳарчаларда яшадилар. Шу йўл билан кўрсатиладиган қаршиликларга ўз норозиликларини билдирдилар. Бундай пайтларда ҳар хил уйдирма баҳоналар билан ҳамюртларимиз калтакланди, ҳақоратланди. Бироқ бу камситишларга қарамай, халқ ўз ҳақ-ҳуқуқи, давлатчилиги тикланишини, Ватанига қайтарилишини тинмай талаб этмоқда.

ДАРВОҚЕ, ССЖИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ қурултойининг қарорига кўра, ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари Догужиев раҳбарлигида қримтатарларнинг муаммоларини ҳал этиш ва уларни ватанларига қайтариш бўйича давлат комиссияси тузилди, халқни қайтариш бўйича дастур тузишга киришилди. Бироқ таассуф билан шуни таъкидлаш ўринлики, қурултойнинг қарор ва кўрсатмалари кечаги кунга қадар ҳам ҳаддан ташқари суст бажарилди, ҳатто бажарилмади, десак ҳам бўлади. Негаки, халқни кўчириш бўйича ССЖИ ҳукумат дастури тузиб бўлиниб, тасдиқланмаган эди. Ўзига тўқ, бироз сармояси ва имконияти бор кишилар эса юз бераётган қийинчиликларга қарамай ватанига кўчиб бориб, минг бир машаққат билан, каталакдай жойларни ақл бовар қилмайдиган нархларда сотиб олишга мажбур бўлдилар. Ана шундай танг вазиятда бўлса ҳам расмий ҳисоб-китобларга қараганда 150 мингдан ортиқ қримтатар ўз юртига кўчиб борди. Лекин улардан 30 мингдан ортиғи бошпанасиз ва пропискасиздир.

Маълумки, 1991 йилги ССЖИ Давлат маблағидан 200 миллион сўм қримтатарлар масаласини ҳал қилишга ажратилган эди. Бироқ ана шу маблағни ўзлаштириш билан боғлиқ қатор-қатор муаммолар борки, уларни ҳал этишда марказий ҳукумат ҳам, юқоридаги мутасадди ташкилотлар ҳам ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг қримтатарлар масаласига доир яқинда чиққан энг сўнггги қарорига қадар етарли бош қотирмай келдилар. Биринчидан, Қримда қурилиш индустрияси етарли эмас, иккинчидан, қурилишларни зарур материаллар — ёғоч-тахта, ғишт, цемент, шифер ва бошқалар билан таъминлаш мутлақо қониқарсиз аҳволда. Қониқарсиз дейишнинг ўзи оз, йўқ десак тўғрироқ бўлар. Бу ҳолат ўз ҳолича кўчиб борган одамларда ҳақли равишда норозиликлар туғдирди. Оқибатда Қрим маҳаллий бошқарув органлари ва аҳоли ўртасида кескин келишмовчиликлар келиб чиқди.

Ҳозир Қрим ҳудудида маҳаллий ҳокимият рухсатисиз қурилаётган участкалар сони минглабдир. Уларни «самострой», «самозахват» деб аташди. Халқ бундай йўлни ваъдабозлик жонидан ўтганлиги, қурилишга ер участкаси ажратиб бериш чўзилганлиги натижасида танлади. Бу ҳам халққа чидаб бўлмас азобдир. Қурай деса, материал йўқ, уй олай деса прописка суриштиришади. Кўчиб бораётган халқ ҳар жиҳатдан қийналди.

1989 йил 14 ноябрда ССЖИ халқ депутатларининг қурултойида ватанларидан сургун қилинган халқларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўла тиклаш, халқларга нисбатан қилинган бу жинояткорона хатти-харакатларни қонунга зид деб ҳисоблаб, бу йўлда қабул қилинган барча қарор ва фармонларни бекор қилиш юзасидан Декларация қабул қилинган эди. Барча сургун қилинган, қатағонга учратилган халқлар қатори қримтатарлар ҳам бундай ҳайрли, адолатли ишдан беҳад мамнун бўлишганди. Аммо олий мажлисда, бутун дунёга ошкор этилиб, қабул қилинган бу олий ҳужжатдаги гаплар қоғозда қолиб келди. Тўғри, ССЖИ Олий Кенгашининг бу йилги сессиясида халқларни ватанларидан сургун қилиш тўғрисида 1944 йилда ва ундан кейинги йилларда чиқарилган қатор қарор ва қонунларни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Албатта, бундай қарорлардан кейин ҳамма ўша йиллари йўл қўйилган хатолар энди ўз-ўзидан тўғриланади, яъни Қрим Мухтор жумҳурияти қримтатарлар кўчирилишидан олдинги мақомига эга бўлади, қримтатарларнинг урушдан олдинги ҳақ-ҳуқуқлари тикланиб, улар она юртига чеклашларсиз қайтарилади, маънавий қадриятлари тикланади, ярим аср давомида тортиб келган азоб-уқубатлари унут бўлади, деб ўйлаган эди. Афсуски, халқнинг бу орзу-ўйлари рўёбга чиқиши жуда қийин кечмоқда. Қримнинг маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, аксинча, бу ерга 40—50-йилларда кўчириб келтирилган рус ва украинлар билан ҳозир ўз юртига қайтиб бораётган, шунингдек, қайтиб бориш мақсадида Қримда юрган қримтатарлар ўртасидаги муносабатларни сунъий равишда кескинлаштирмоқдалар.

Шу йилнинг 20 январида Қримда унинг «давлат мақомини белгилаш мақсадида» референдум ўтказилди. Қримтатар халқига қарши қаратилган бу тадбирга Қрим маъмурлари жуда катта куч ва маблағ сарфладилар. Ваҳоланки, Декларациядаги гаплардан келиб чиқиб, Қрим Мухтор жумҳурияти Ленин имзо чекиб, 1921 йил 18 октябрда барпо этилгандаги мақомини тиклаши мақсадга мувофиқ ва соғлом мантиққа тўғри бўлур эди. Бироқ улар бошқача йўл тутдилар. Мухтор жумҳуриятни «қайта тиклашдан» кўра, «янгидан тиклаш»ни афзал кўрдилар. Ҳозир Қримда аҳолининг таркиби ўзгарган эмиш. Шунинг учун ҳам Қримнинг тақдирини, мақомини у ерда яшаётганларнинг ўзлари ҳал қилганмиш. Бундай бўладиган бўлса, Қримнинг туб аҳолиси — асрлар бўйи бу ерда яшаб келган, ўзининг қадимий маданияти, удум ва анъаналарига эга бўлган қримтатарларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида Декларацияда айтилган гаплар қаерда қолди?! Энди улар ўз ватанларида «бу ерда барча баравар» деган қоидага кўра аввалги маданиятини, юртига эгалигини унутиши керакми? Ҳозир шундай изтиробли саволлар қримтатарларнинг қалбини кемиряпти.

ВАҲОЛАНКИ, КЎПГИНА БОШҚА ХАЛҚЛАРНИНГ вакиллари Қрим Мухтор жумҳурияти янгидан ташкил топгани қримтатар халқининг хоҳиш иродаси эътиборга олинганидир, деб бизларни табриклаб юришибди. Минг афсуски, масаланинг моҳияти бутунлай бошқача. Шу боисдан ҳам қримтатар миллий ҳаракати, умуман қримтатарлар Қрим мақомини белгилаш референдумида иштирок этмадилар ва унинг ҳозирги давлатчилигини тан олмаётирлар. Бирорта давлат органида қримтатар халқи вакиллари ишламаганидан кейин, бундай ҳукумат қримтатар халқи ҳақида ғамхўрлик қилади, деб ўйлаш мумкинми?!

Ушбу сабабларга кўра шу йилнинг июнида Симферополда қримтатар халқининг қурултойи ўтказилди. Унда халқни тарихий ватанига қайтаришни тезлаштириш, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва давлатчилигини тиклаш юзасидан муҳим масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Аммо қатор оммавий ахборот воситалари бу қурултой ва у ерда ташкил этилган мажлиснинг мақсад ва йўналишларини тескари талқин этдилар. Бе

Неъматулло ИБРОҲИМОВ:

ТОШКЕНТ ШАРҚШУНОСЛИК МАРКАЗИГА АЙЛАНАДИ

Инсон ҳамиша яхши кунларни орзу қилиб, яхши кунлар келишига ишониб яшайди. Чунки некбинлик одамни ҳаёт билан боғлаб турган қудратли кучлардан биридир. Бироқ фақат маърифатли халқ гина ўз Ватанида мустақил бўлишга, маъмурлик, фаровонлик яратишга, яхши кунларни яқинлаштиришга қодир. Ота-боболар қолдириб кетган бой маънавий меросни чуқур ўзлаштирмасдан, тарихни теран билмасдан эса маърифатга эришиш амри маҳол. Ахир, тафаккур кўзи бекиқ, дунёбехабар миллатдан келажакни равшан тасаввур этишни талаб қилиб бўладими? Бинобарин, халқимизнинг маърифатини ошириш кун тартибидаги энг муҳим муаммодир. Жумҳуриятимиз президенти ўртоқ Ислом Каримовнинг кейинги пайтларда чиқарган бир қанча фармонлари ана шу муҳим иш — халқимиз маърифатини юксалтиришга қаратилган. Яқинда, июль ойида президент Тошкент давлат дорулфунуни ҳузуридаги Шарқшунослик институтини жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг Тошкент давлат Шарқшунослик институтига айлантириш ҳақидаги тарихий ҳужжатга имзо чекди. Шу муносабат билан мухбиримиз Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг ректори, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Неъматулло Иброҳимовга учрашиб, институтда содир бўлган ўзгаришлар, шарқшунослигимиздаги ҳозирги аҳвол, олиб борилаётган ишлар, истиқбол режалари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг ташкил этилиши халқимиз, жумҳуриятимиз ҳаётида жуда буюк иш бўлди, — деди суҳбатда **Н. Иброҳимов**, — Ўзбекистонда шарқшунослик фани қадим тарихий анъаналарига эга. Мана, кейинги пайтлари ўзбекларнинг саводхонлиги ҳақида фикр юритилганда, Октябргача халқнинг 2 фойизигина саводли бўлган деб даъво қиладиганлар кўпайди. Бу даъво мутлақо асоссиз. Чунки бутун дунё тан олган буюк алломаларни Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хева шаҳарларидаги, Фарғона водийсидаги мадрасалар етиштириб чиқарган. Ҳатто маҳалла, қишлоқ мактаблари, масжидлардаги ёки отинойилар, мактабдор домлалар ўқитган мактабларнинг дастурларини ўрганиб чиқадиган бўлсак, бу дастурлар Шарқ адабиёти ва тилларини, шеърият, тарих, мантиқ, фалсафани — ҳамма-ҳаммасини қамраб олганини кўрамиз. Масалан, эски мактабларда болалар саводни ўргангач, «Ҳафтияк», «Қуръон»ни ўқиганлар. Ҳарфларининг ости-устларига ҳаракатлар, зеру забар дейилади, қўйилган бўлгани учун «Қуръон» ўқиш болаларнинг тез савод чиқаришига ёрдам берган, айни пайтда улар арабча ибораларнинг талаффузи ва ҳарфларнинг тўғри ўқилишини, тўғри ёзилишини ўзлаштириб борганлар. Кейин «Чор китоб» ўқитилган. Бу китобга форс тилида битилган турли жанрларга мансуб назмий ва насрий бадиий намуналар киритилган. Сўнгра Ҳофиз Шерозий девони тўлиқ ўқитилган. Чунки ҳар бир саводли одам, шу жумладан, ҳатто туркийда шеър битадиган шоир ҳам, форс шеъриятидан албатта бохабар бўлиши шарт ҳисобланган. Буни Алишер Навоий мисолида ҳам кўришимиз мумкин. У зот форсий девонини битишдагина эмас, балки ўзбек тилидаги буюк хазинасини бунёд этишда ҳам форсий шеърият дурдоналардан ижодий таъсирланганлар. Шу сабабли форс адабиётининг энг мумтоз намуналарини севиб мутолаа қилганлар.

Эски мактабларда мантиқ ўқитишга алоҳида эътибор берилган. «Ҳидоя» ўқитилган. Туркийда, эски ўзбек тилида ёзилган «Ҳидоя» шариат қонунлари мажмуаси. Болалар шариатни, ислом динини ватандошимиз Марғинонийнинг ана шу «Ҳидоя» асари бўйича ўрганганлар. Ҳозир айтганимдек, мантиқ муҳим фанлардан саналган. Чунки мукаммал, етук мутахассис бўлиш, умуман, саводли, маданиятли, маърифатли одам бўлиш учун албатта мантиқни чуқур билиш зарур. Эски мактабларнинг шогирдлари мадраса эшигига етиб боришдан аввал Бедилни ўқиганлар. Афсуски, бедилхонларимиз бугунги кунда битта-яримта қолмаган бўлса, қолмаганлар, ўтиб кетишган. Агар Бедил ғазалларини таҳлил этадиган бўлсангиз, улар ичига чуқурроқ кириб борсангиз, шоир ғазаллари Ҳадисдан келиб чиққанини кўрасиз, янада чуқурроқ таҳлил қилсангиз, улар албатта «Қуръон» оятларига бориб тақалишини тушуниб етасиз. Ана шундан кейингина мактабни битирган болаларнинг энг қобилиятлилари мадрасаларда ўқишни давом эттирганлар.

Мадрасалар ҳозирги олий ўқув юртлари, институтлар савиясида бўлган. У ерда араб тилининг грамматикаси пухта ўқитилган. Чунки араб тилини мукаммал билиш учун фақат араб тилидан хабардор бўлиш кифоя эмас, араб тили грамматикасини ҳам чуқур ўзлаштириш керак. Бошқа тиллардан фарқли ўлароқ, араб тилида матнни тўғри ўқиш учун унинг грамматикасини тўлиқ ёд олиш лозим. Бусиз матнни ўқиб бўлмайди. Чунки араб ёзувида ундош товушлар ифода қилинган, унлилар эса ифодаланмаган. Унли ҳарфларнинг устига, остига зеру забарлар қўйилган. Бу ҳаракатлар фақат «Қуръон»да қўйилади. Араб тилидаги бошқа матнлар ўша ҳаракатларсиз бўлади. Ҳаракатларни қўйиб ўқиш учун одам бутун араб тили грамматикасини ёдида доим сақлаши керак. Шу орқали матнни тўғри ўқиб кетилади. Грамматикани ёдлаш зарурлиги ҳисобга олиниб у шеърий йўл билан баён қилинади.

Буларни гапиришдан мақсадим — шарқшунослик фани, Шарқ тиллари, Шарқ адабиётларига қизиқиш бизнинг Ўрта Осиё халқларида жуда узоқ тарихга эга эканини таъкидлаб ўтишдир. Араб тилининг, араб тилшунослигининг тараққиётига буюк боболаримиз қўшган беқиёс ҳисса ҳам бу гапларни айтишни тақозо этади.

Хоразмдан етишиб чиққан гениал аллома Маҳмуд аз-Замахшарий араб тилининг грамматикасига оид кўп қимматли асарлар яратган. Араблар айтадиларки: «Агар шу кўса, чўлоқ бўлмаганида араблар ўзларининг тилларини билмас эдилар!». Араб тилининг грамматикаси, лексикаси умуман, араб тилшунослигига оид бир қанча асарларни шу ногирон донишманд яратган. Бу китоблар шу кунгача мусулмон Шарқида долзарблигини, қимматини йўқотмаган. Афсус, ўзимизнинг олимларимиз, бу ишга қўл уришганига анча бўлганига қарамай, баъзи мақолалар, китобчалар билангина чекланиб қолмоқдалар. Замахшарий мероси бўйича бир қанча номзодлик, докторлик диссертациялари ёқлаш мумкин. Замахшарий «Қуръон»га ҳам катта шарҳ ёзган. Мана шундай қадимий анъаналаримиз бор...

— Тошкентда мустақил Шарқшунослик институти ташкил этиш ғояси қачон туғилган?

— Тошкентда бундай институт, яъни Туркистон Шарқ институти 1918 йили очилган эди. Кейин 1924 йили алоҳида факультет сифатида Ўрта Осиё давлат дорулфунуни таркибига киритилди... 1930 йили эса факультет агросаноат институтига айлантирилиб Душанбага кўчирилди... 1944 йили Тошкент дорулфунунида яна Шарқ факультети очилди. Бироқ бу билан ҳам қайта ташкил этиш жараёни тўхтамади: 1990 йили Шарқ факультети ТошДД қошидаги Шарқшунослик институти мақомини олди. Мана, энди, ниҳоят, якунловчи босқичда мустақил Шарқшунослик давлат институти ташкил топди.

Тошкентда шарқшунослик маркази бўлиши ҳаёт талаби эди. Жумҳуриятимиз пойтахтида замонамизнинг йирик шарқшунослари ишлаб ижод этганлар. Масалан, уруш йиллари Крачковский домла шу ерда ишлаган. Айтишларича, у киши Тошкентда дастлаб ўрганган Шарқ тили ўзбек тили бўлган экан. Бертельс, Семенов, Завадовский, Литвинов, Давидович, Халфин, Бондаревский сингари йирик шарқшунослар шу ерда ёшларга усулзлик қилганлар, маърузалар ўқиганлар, теран илмий ишлар яратганлар. Бу устод шарқшуносларнинг қандай улкан ишларни рўёбга чиқарганликларини билмоқчи бўлсангиз, ўша йиллари Ўрта Осиё давлат дорулфунунида мунтазам равишда нашр этилган дорулфунун илмий асарлари мажмуаларини кўздан кечиринг. Ўша йиллари ёзилиб, дорулфунун илмий асарлари тўпламларида босилган тадқиқотлар ҳозир ҳам долзарб, илмий қимматини сақлаган.

Рус шарқшуослари Ўрта Осиё тарихига доир мўътабар манбалар устида кўп ишлаганлар. Масалан, ленинградлик атоқли шарқшунос, профессор Болдирев Хўжа Аҳрор ҳақида тадқиқот яратди. Биз бугун айтаётган фикрларни у киши кўп йиллар муқаддам айтган, Хўжа Аҳрорнинг тарихимизда тутган улкан ўрни, у улуғ одамнинг хайрли ишлари ҳақида холис, ҳалол фикрларни билдирган, илмий мажмуаларда мақолалар эълон қилган эди. Ун йилча бурун Болдирев Шарқ факультети домлалари ҳузуридаги маърузасида ҳам Хўжа Аҳрор шахси, фаолияти тўғрисида жуда яхши фикрларни билдирганди.

Шарқшунос олимлар Амир Темур ва унинг даври ҳақида салмоқли фикрлар баён қилгандилар. Хуллас, уруш йиллари Тошкентда истиқомат қилган рус шарқшунослари жумҳуриятимизда шарқшунослик фанининг ривожланишига йирик тадқиқотлари, етиштирган шогирдлари билан катта ҳисса қўшдилар; улар таъсирида дорулфунунимизни битирган мутахассисларнинг бир қанчаси катта шарқшунос олимлар бўлиб етишдилар.

— Жумҳуриятимизда шарқшуносликнинг ҳозирги аҳволи қандай?

— Афсуски, Шарқ факультети кейинги йиллари йирикроқ шарқшуносларни етиштириб чиқаролмади, фақат мактаблар учун муаллимлар, савияси ўртача таржимонлар тайёрлаш даражасига тушиб қолди. Буни ҳаммамиз ҳам эътироф этишимиз керак. Бизда ўқишни битирганлар асосан араб мамлакатларида, Ҳиндистонда таржимон бўлиб ишлардилар. Таржимонлик чет элда қуйи даражали иш ҳисобланади. Мана, менинг ўзим Миср да бўлганимда кўрдим: элчихонадаги асосий ишларнинг ҳаммасида марказдан борганлар ишлайди. Элчихоналарда тузукроқ вазифаларда ишлайдиганларни қўятурайлик, ҳатто бирор мусулмон мамлакатида маданий марказ ташкил этиладиган бўлса, унга ҳам марказнинг одами раҳбарлик қилади. Айрим ҳолларда улар инглиз тилини тузукроқ билишмайди, мусулмон дунёсини, мусулмонларнинг маданияти, эътиқоди, урф-одатлари, психологияси, руҳий оламини теран ўрганмаганлар. Айниқса, бундай ходимларнинг одоб-муомалани билмасликлари дипломатик ишларда мамлакатимизга катта зиён етказди, деб бемалол айтиш мумкин. Бизнинг одамларимиз эса улар билан тезда тил топишиб, давлат ишларини жойига қўйиб битиришлари мумкин. Чунки урф-одатларимиз, одоб-ахлоқимиз, муомаламиз, фикрлаш тарзимиз жуда яқин, анъаналаримиз ҳам деярли умумий. Афсус, бизда дипломатлар етиштириб чиқарадиган бўлимлар бўлмагани учун бу соҳада бемалол ишлаб кетадиган кадрлар тайёрланмайди.

Факультетимизни битирган илгариги мутахассисларимиз илмий муассасаларда — академиямизнинг Шарқшунослик, Тарих институтларида ёки Қўлёзмалар институтида борган кунидан бевосита ишлаб кетолмас эдилар. Жаҳондаги энг бой қўлёзмалар хазиналаридан бири — жумҳуриятимиз Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтидаги нодир қўлёзмаларни уларнинг ўқишлари, таржима билан шуғулланишлари, тадқиқотлар олиб боришлари, шарҳлар ёзишлари учун камида 2-3 йил қунт билан малака ҳосил қилишлари, иш ўрганишлари талаб этиларди. Бизнинг битирувчиларимиз газета-журнал матнларини ўқиш билангина кифояланишарди, холос. Шубҳасиз, у ердаги устозлар ёшларга қўлларидан келганича ёрдам бериб келмоқдалар, афсус, катта домлаларнинг ёшлари бир жойга бориб қолди. Ана шу мушкул аҳволни назарда тутиб, шахсан жумҳуриятимиз президенти, жумҳурият Вазирлар маҳкамаси, министрлигимиз биргаликда шу институтни ташкил этиш ҳақидаги лойиҳани қабул қилдилар. 15 июль куни президентимиз ўртоқ Ислом Каримов фармонга имзо чекди...

— Бу катта ўзгариш анча кенг имкониятлар яратса керак...

— Албатта. Институтнинг мақомигина ўзгариб қолаётгани йўқ. Олдимизда катта имкониятлар очилди. Кўп йиллик орзуимиз рўёбга чиқди. Бир қанча янги-янги кафедралар очиш имконияти пайдо бўлди. Жумҳуриятимиз мустақиллик сари бораётган экан, бизнинг хориж билан асосий иқтисодий алоқаларимиз, маданий алоқаларимиз Шарқ мамлакатларига қаратилганини ҳисобга олиб, институтимизда япон, корейс тиллари ўргатиладиган бўлди. Туркия кейинги йиллари жадал сўръатлар билан ривожланди, иқтисоди, маданиятини кўтарди, ҳатто Ғарбий Олмония даражасига етиб қолди. Шуларни назарда тутиб турк филологияси кафедрасини очдик. Кафедра 1 сентябрдан ўз ишини бошлайди. Ундан ташқари, Ўрта Осиё тарихи кафедраси очилди. Ҳозир мен айтиб ўтган муаммоларни ҳал қилиш учун шу кафедрани ташкил этдик. Бу кафедрада манбашунос ва матншунослар тайёрланади. Тарихда биринчи марта исломшунослик кафедраси очилди. 1986 йили академик Примаков Москвадаги Шарқшунослик институтида директор бўлиб турган пайтда шарқшуносларнинг Бутуниттифоқ анжумани ўтказилиб, фақат исломшунослик масаласини ўрганишга бағишланган эди. Конференция қарорларига биноан Москвада, Ленинградда исломшунослик бўлимлари очилди. Бироқ жумҳуриятимизда бу иш амалга ошмади... Исломшунослик кафедрасига тарих бўлимидан шу ишга қизиққан иқтидорли, аълочи студентлар III курсдан танлаб олинади-да, масалан, икки-учтаси араб, форс, бир-иккитаси эрон, дари, турк тили бўйича мутахассис бўладилар. Улар бевосита манбалар устида ишлайдилар.

— Энди янги очилган ташқи иқтисодий алоқалар факультети тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Кейинги йилларда ташқи иқтисодий алоқаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шуни ҳисобга олиб ташқи иқтисодий алоқалар факультети очилди. Факультетда икки хил мутахассис тайёрланади: шарқ мамлакатлари бўйича иқтисодчилар ва иқтисодчи шарқшунослар. Бу факультет студенти араб, форс, афғон, япон ёки турк тилидан ташқари, яна бир Ғарб тилини ҳам билиши керак. Яқин келажакда бу соҳани эгаллаган мутахассисларимиз жумҳуриятимизнинг ташқи алоқаларини ривожлантиришга ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишлари керак, деб ўйлайман. Ҳатто Шарқ филологияси факультетини ўтган йили битирган кўпгина шогирдларимизни Москвада тузилган турли қўшма корхоналарда, қўшма уюшмаларда ишлаш учун тавсия қилдик. Улар халқаро миқёслардаги катта-катта ишларда ишлаяптилар.

— Институтда илмий лабораториялар иш олиб бораётганидан хабарим бор...

— Ҳа, ҳозир бизда илмий лабораториялар ишлаб турибди. Илк ва ўрта аср ислом тарихини ўрганиш бўйича бир гуруҳ илмий иш олиб бормоқда. Улар бир неча жилд асарларни араб тилидан ўзбек, рус тилларига таржима қилдилар. Уч тадқиқот эса, «Фан» нашриётида чиқиш арафасида. Нашриёт билан шартнома тузилган.

Ўрта аср Ўрта Осиё тарихига оид манбаларни таржима қилиш ва шарҳлар ёзиш билан бир катта илмий гуруҳ шуғулланмоқда.

Ўзбекистон тарихини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихи кафедралари тузиш, дарсликлар ёзиш вазифаси қўйилди. Ўзбекистон, Ўрта Осиё тарихини араб, форсий, туркий тилларидаги мўътабар манбалар асосида ёзиш керак. Бу улкан ишда Ғарб муаллифларининг, масалан, Вамберининг асарларини ҳам ўрганишимиз, хорижий муаллифларнинг китобларини ўзбек, рус тилларида, юксак савияда битилган шарҳлар ва изоҳлар билан нашр этишимиз зарур. Бир вақтлар рус шарқшуноси Тизенгаузен икки жилддан иборат «Олтин Ўрда тарихига дахлдор материаллар тўплами»ни тайёрлаган эди. Тўпламнинг «Араб тилидаги асарлардан олинган парчалар» қисми 1884 йили, форс тилида битилган асарлардан олинган парчаларнинг иборат II жилди эса 1941 йили босилиб чиққан эди. Ана шу китобда жуда яхши манбалар таржима қилиб келтирилган. Биз ҳам араб, форсий ва туркий тилларидаги қадимий қўлёзмалардан энг аввало Ўрта Осиё тарихига доир қисмларини ажратиб олиб, таржима қилиб, туркум китоблар ҳолида нашр этишимиз керак. Ўйлайманки, бу буюк иш бўлади. Агар мазкур иш амалга оширилиб, тегишли сўзбоши, тадқиқот, шарҳ ва изоҳлар билан китоб қилиб чиқарилса, Ўзбекистон тарихини ўрганаётган олимлар, умуман тарихимизга қизиқадиган ҳамма учун жуда фойдали бўларди.

Ҳадислар таржимаси бўйича ҳам иш олиб борилаяпти. «Қуръон» таржимаси бироз тўхтаб қолди. Бу хил илмий таржималарни тайёрлаш кафедрамиз зиммасида бўлиши керак. Асл манбаларга асосланган ҳолда 4 жилдлик «Араб адабиёти тарихи» устидаги ишимиз ярмидан ошиб қолди. «Тарих» ўзбек тилида яратилмоқда.

— Ўрни келди, институт олимлари ёзаётган дарсликлар ҳақида тўхтаб ўтсангиз...

— Ўтган йилдан бери институтимизнинг кўп ўқитувчиларини дарслик ва қўлланмалар ёзишга жалб этганмиз. Улар ҳинд, хитой, араб, корейс, япон ва бошқа Шарқ тилларидан студентлар учун ҳамда ўрта мактаб ўқувчилари учун дарсликлар, қўлланмалар яратиш билан қаттиқ шуғулланмоқдалар. Илгари ўзбек тилида тайёр қилиб қўйилган араб тили дарслиги бир неча йилдан бери ётган эди. Ўша пайтда араб илмоси аралашган китобни нашр этиш мушкул муаммо эди. Шароит ўзгариши билан бундай китобларга қизиқиш ортиб борди. Энди олимларимиз ёзган дарсликлар талаш. Бир вақтнинг ўзида бир неча нашриёт харидор...

— Мутахассислар топишда қийналмаётирсизларми?

— Йўқ. Янги кафедраларимизда ишлаш учун илмий ёки бошқа муассасаларда ишлаётган бир қанча йирик мутахассисларни таклиф этдик. Институтда сентябрдан бошлаб ишлайдиган фан докторлари қирққа яқин бўлади...

— Аввал-чи!

— ...Аввал 9 фан доктори ишларди. Фан номзодлари энди тўқсондан ортади. Аввал 45 фан номзоди бор эди. Икки баравар кўпайди.

Ундан ташқари, Москвадаги марказий институтлар —Ҳалқаро муносабатлар институти, МДУнинг Осиё ва Африка мамлакатлари институти раҳбариятлари билан шартномалар туздик. Шартномаларга асосан, масалан, ҳар ўқув семестрида иккитадан профессор келиб, студентларимизга лекциялар ўқийди. Студентларимизнинг турли муддатларга (1-2 йилдан 4-5 йилгача) Москвага бориб таълим олишлари учун шартномалар тузганмиз. Бу студентлар кейин ўзимизга қайтиб ишларини давом эттирадилар.

Ленинграддаги Шарқшунослик институти билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. У ердаги Большаков, Грязневич каби олимлар ҳузурига аспирантурада ўқиб, диссертация ёқлаш учун ўқитувчиларни ёки ўқишни энди битирган шогирдларимизни жўнатаётирмиз. Масалан, шу йилнинг ўзида уч кишини Москвадаги Шарқшунослик институтига Шарқ мамлакатлари тарихи бўйича докторлик диссертациясини ниҳоясига етказишлари учун уч йил муддатга юборилди. Улар суҳбатдан муваффақият билан ўтиб, илмий ходим сифатида институтга қабул қилиндилар.

Японияда бир ўқитувчи, Жанубий Қуриядан икки ўқитувчи келаётир. Америкадан келган баъзи олимлар студентларимизга лекциялар ўқидилар, яна ҳамкорликни давом эттириш кўзда тутилаётир. Сурия, Миср каби араб мамлакатларидан келган ўқитувчилар ишлаб турибдилар. Хитойлик профессор 3 йилдан буён ишламоқда. Ҳиндистондан ҳам бир профессор келиши кутилмоқда...

— Булар ҳаммаси яхши. Бироқ шу ишларни бугунги кун талаблари даражасида амалга ошириш учун замонавий ўқув жиҳозлари етарлими?

— Бу борада жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги имкони борича кўмаклашаётир. Баъзи ўқув жиҳозларини эса чет эллардан олишга ҳаракат қилаётирмиз. Яқинда Америкадан видеокассетага ёзилган араб тили ва форс тили дарсликлари келди. Бу видеокассеталар ҳар бири 8 соатга мўлжалланган. Студентлар дарслардан кейин қолиб телевизор орқали бемалол таълим олишлари мумкин. Жуда яхши, олий методикага асосланган дарслар ўтилган. Шунга ўхшаш ўқув қўлланмаларини, компьютерли аудиторияларни кўпайтиришимиз керак. Афсуски, ҳозирча видеоаппаратлар, телекамералар камроқ бўлиб турибди. Буларнинг ҳаммасини рўёбга чиқариш учун мутахассисларимиз иш ўрганишмоқда.

— Институтингизда шарқшуносликка доир журнал ташкил қилинмоқчи экан...

— Ҳа, шундай режамиз бор. Чунки халқимиз ўзининг бой маданий мероси билан яхши таниш эмас. Китобхонлар айниқса қадимги тарихий асарларга ташна. Улар Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Табарий сингари сиймоларнинг кўпдан-кўп тарих китобларини ўқисам, дейди. Бу китоблар, афсуски, форс араб тилларида. Устига-устак араб ёзувида. Бинобарин, уларни ҳозирги ўзбек тилига таржима қилиб, китоб ҳолида чиқаргунимизга қадар ҳали қанча вақт ўтади. Шуларни назарда тутиб институтда «Шарқшунослик» журналини ташкил этишни ўйлаб турибмиз. Бу жуда хайрли иш бўларди. Ҳозирча, ҳар ойда бўлмаса ҳам, бир йилда 4 сони чиқиб турса, унинг саҳифаларида тарихий манбалар турли Шарқ тилларидан таржималар, ҳадислар бериб борилса, араб, хитой, ҳинд ёки бошқа тиллардан, эски ўзбек ёзувидан дарслар эълон қилинса кўпчиликнинг кўнглидаги ниятлар амалга ошарди. Албатта, бунинг учун замонавий босмахона керак. Ана шу босмахона ҳаракатини қилаётирмиз. Бизга муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ёрдам бермоқчилар. Уларда Кувайтдан олинган кичик босмахона бор. Бу босмахона жуда кўп операцияларни бажариши мумкин. Агар биз ҳамкорликда шу босмахонани ишлатадиган бўлсак, фақатгина журнал эмас, балки бир қанча зарур китобларни, айниқса, дарслик ва қўлланмаларни ўзимиз нашр этиш имкониятига эга бўлардик.

—Жумҳурият мактабларини билимдон Шарқ тиллари муаллимлари билан таъминлаш, институт билан мактаблар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш борасида янгиликлар борми?

— Шуни айтиш керакки, вилоятларда ҳам Шарқ тилларини ўқитиш анча яхши йўлга қўйилмоқда. Эндиликда янада кўпроқ мактабларда араб, форс, хитой, ҳинд тилларини, баъзи мактабларда эса турк тилини ўқитиш кўзда тутилмоқда. Ана шу эзгу режани амалга ошириш мақсадида ҳамма вилоятларнинг маориф бўлимлари билан ўзаро шартномалар тузганмиз. Шартномага асосан биз уларга муаллимлар тайёрлаб берамиз, уларнинг тавсияси билан келган ўғил-қизларни ўқишга қабул қиламиз. Институтда мактаб Шарқ тиллари муаллимларининг малакасини ошириш курслари мунтазам равишда ишлаб турибди. Уларда бир ойдан тўрт ойгача бўлган муддат ўқитилади.

Тузилган шартномаларга асосан кафедраларимиз ўқитувчилари Тошкент мактабларининг юқори синф ўқувчиларига бориб дарс ўтадилар, иқтидорли болаларни танлаб олиб, ўрта мактабнинг битириш имтиҳонининг ўзини институтга кириш имтиҳони сифатида қабул қиладилар.

— Бу йил қайси тиллар бўйича шу усулда ўқишга қабул қилинди?

— Афсуски, бу йил фақат хитой тили бўйичагина мактабдан ўқувчи танланди. Бошқа тиллар бўйича эса ўринсиз расмиятчилик, қоғозбозлик томонларини тўғрилай олмаганимиз — ТошДУ илмий кенгашидан ўтказа олмаганимиз сабабли бу эзгу ишимиз кўнгилдагидек амалга ошмади. Келаси йилдан ҳамма мактабларимизда худди шу тарзда имтиҳондан ўтиш жорий этилади.

Яна, ихтисослашган лицейлар ташкил қилиш назарда тутилмоқда. Лицейларга қобилиятли болалар V — VI синфлардан кейин қабул этилади. Лицейчилар бир Шарқ тилини, бир Ғарб тилини теран ўрганадилар. Тарих, адабиёт, муайян мамлакат жуғрофияси каби қўшимча фанлар ҳам ўқитилади. Москва, Ленинград шаҳарларида, Белоруссияда шу хил лицейлар бор. Бизнинг ходимларимиз ўша ёқларга бориб тажриба ўрганиб қайтдилар. Уларнинг тажрибаларидан ишимизда фойдаланамиз.

— Халқаро журналистлар тайёрлаш бўйича конкрет тадбирлар кўрилмоқдами?

— Халқаро журналистлар етиштириш, бу — жуда долзарб масала. Шарқ мамлакатларида етакчи газета-журналларимизнинг ўз мухбирлари бўлиши ҳаёт талаби. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг коллегияси тасдиқлаган структурада халқаро журналистлар тайёрлаш кўзда тутилганди. Бироқ, кафедра, мутахассислар тайёр бўлмагани учун бу ишни кейинги йилга қолдирдик. Лекин, бу — муҳим иш пайсалга солинибди дегани эмас. Чунки биз икки йил бирор Шарқ тилини ўрганиб учинчи курсга ўтган, шу ишга лаёқати бор студентларни халқаро журналистлик ихтисосига тайёрлаймиз.

— Китобларни таҳрир қила оладиган малакали нашриёт муҳаррирлари тайёрлаш ҳам кўзда тутилаётирми?

— Албатта. Алоҳида таржимон-муҳаррирлар гуруҳи ташкил этилади. Бу гуруҳнинг студентлари бадиий таржима, синхрон таржима, илмий таржима билан шуғулланадилар, таҳрир маҳоратини эгаллайдилар. Умуман, бадиий таржимага лаёқати бор йигит-қизларга алоҳида эътибор берамиз. Улар амалиёт ишларини ҳам газета-журналлар редакцияларида, Шарқ тилларидан таржима китоблар чиқадиган нашриётларда ўтказадилар...

— Институтингиз, унда амалга оширилаётган хайрли ишлар, режалар тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлдик. Шулар билан кифояланиш ҳам мумкин эди. Бироқ қиқоямизда яна нималардир етишмаётганга ўхшайди...

— Фикрингизни тушундим. Жумҳуриятимизда янги, мустақил Шарқшунослик институти пайдо бўлди. Институтда неча факультет бор, уларга қанча студент қабул қилинди, демоқчисиз-да.

— Шундай.

— Институтнинг кундузги бўлимларига бу йил 225 йигит-қиз қабул қилинди. Кечки бўлимга эса 100 дан зиёд киши кирди. Келаси йили институтга 300 кишини қабул этиш режалаштирилмоқда. Бизда учта факультет бор: тарих, иқтисод ва Шарқ филологияси. Яна бир махсус факультетимиз бор. Бу пулли факультетда Шарқ тиллари жадал ўргатилади. Ўқиш муддатлари: 6 ойлик, 10 ойлик, 2 йиллик.

Ҳа, дарвоқе, яқинда жумҳуриятимизда хорижий тилларни ўқитиш бўйича иккита республика маркази тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу қарорга биноан Ғарб тилларини ўқитиш методик маркази Тошкент Чет тиллар педагогика институтида бўлади. Шарқ тилларини ўқитиш методик маркази эса бизнинг институтимизда. Бу борада анча ишлар қилинаётир. Чет тилларни ўқитишни яхшилаш ниятида жумҳурият бўйича вилоятлардаги муаллимларга йўл-йўриқ берадиган семинар ўтказилмоқчи. Ана шу йўриқ-семинарни августнинг охирида бизнинг Шарқшунослик институтимизда ўтказиш мўлжалланган...

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Маҳмуд САЪДИЙ

ЮРАККА ЭКИЛГАН ШУЪЛА ДАРАХТИ

Яхши шеър ўқувчида ҳиссиёт, таассурот, фикр уйғотади. Шу кечинмалар, мушоҳадалар қанчалик ёрқин, кучли бўлса, шеърнинг ижтимоий аҳамияти ҳам шунчалик салмоқлидир. Янгилик ижодкорнинг мустақил фикрлай олишининг бош белгиси, воқеликни, жамият ҳодисаларини, инсон феъл-атвори ва фаолиятини янгича нуқтан назардан кўра олиши, баҳолаши самарасидир. «Осмон кимники», «Кун кўзи», «Юлдузлар менинг боғим», «Тоғнинг парвози» сингари шеърий китоблар, ижодий изланишларининг мағзи-моҳияти шоир Тоҳир Қаҳҳорнинг ана шундай тансиқ иқтидор эгаси эканлигини намоён этган.

Шоир шеърхон нигоҳини дунё, башарият, халқ ва Ватан кенгликларига олиб чиқади, бир ўринда шеър асабий ўйга толган, уйқуда тўлғанаётган тупроқнинг кечинмаларига айланади; гоҳо она юртимиз пахта далаларининг, водию қир-адирларининг, вазмин тортган тоғларнинг ҳис-туйғулари тусини олади. Бир сўз билан айтганда, юракларга экилган «шуъла дарахти» тимсолида намоён бўлади.

Т. Қаҳҳор Ватан, она юрт, халқ дарди, ташвиши ва келажаги, дўстлик, муҳаббат, садоқат, замондошларнинг руҳияти, умрнинг мазмуни ҳақида ўйлайди. Мушоҳадаларига мос шакллар излайди: сонет, тўртлик, саккизлик, ғазал, мухаммас, татаббуъ, ривоят, олтилик шаклларидан фойдаланган ҳолда, ўзига хос отсарлавҳали шеър шаклини топади. Айни шу ўринда ҳам фикрнинг ғоят фаоллигидан ташқари, шоирнинг бадиий изланишлари кўламдорлик касб этиб борааётганлигидан воқиф бўламиз. Чунончи, Т. Қаҳҳор лирикасидаги икки хусусият кўзга яққол ташланиб туради. Биринчиси, шоир юрагини ўртаган дард — бу дунё ғубори; у ер юзининг барча бурчаклари ҳам доғлардан фориғ бўлишини, «Йиғирманчи асрликлар асорат асирлигидан» қутулишини, «басирликлар битишини» истайди; мазкур тамойил шоир изланишларида алоҳида бир йўналишни ташкил этади.

Шахс маънан ҳурликка эришмагунча ўз ҳақ-ҳуқуқларини, эркини ҳам қўлга киритиши мушкул, деган яхлит бир концепция шоир шеърларига ёруғлик бағишлаб туради. Бугунги кунда — дунёнинг тақдири, инсоният келажаги қил устида турган бир пайтда шеърият билан ижтимоий воқелик бир мағизнинг икки бўлагидек. Шахс эркини, элларнинг ҳақ-ҳуқуқларини оёқости қилган мустамлакачилик зулмига қарши кураш, дунё халқларини тотувликка, ҳамкорликка чорлаш, золимларни, босқинчи давлатларни инсофдиёнатга чақириш, мазлумларни, ғофил қўлларни уйғотишга, ҳурликка даъват шоир шеъриятининг юрагидир.

Шу маънода Т. Қаҳҳорнинг «Мустамлака» шеъри эътиборни тортади. Шоир аввало мустамлака юрт ва у ердаги мазлум элнинг ташқи қиёфасини чизади: «Мустамлака юрт — улкан зиндоннинг худди ўзи, ўз қуллигин кўрмайди унда тириклар кўзи». Кейинги тўртликда зулм ва ғафлат бандилари фожиасининг боисини — уларнинг алданган шуурини, саробий онгу сийратини кўрсатади: «Эй, ғафлат, золим ғафлат, дунёга берибсан панд: қурбонлар қотилларга раҳмат айтиш билан банд». Хўш, шундай ҳолатда халқни нима қутқаради? Албатта, озодлик. Шунинг учун ҳам муаллиф шеърнинг охирги бандида рамзан Ҳурликка (тангрига ёки номаълум даҳога эмас) илтижо этади: «Ҳей, ҳур фикр! Ҳуррият! Ғофил элларни уйғот! Мустамлака занжирин бизнинг Ер юзидан от!»

Тоҳир бу мавзуни «Жаҳолат» шеърида янада теранроқ инкишоф этишга интилади. Эрксиз халқлар бошидаги зулм сабаби, бир томондан босқинчилик сиёсати бўлса, иккинчи томондан, эрксизликни, мазлумликни яшаш тарзига айлантирган ғофилларнинг жаҳолати эканини таъкидлайди: «Ахир ақл бирла қул бўлур озод, сени қул айлаган: жаҳолатингдир. Жаҳолат — юртингдан бехабарлик, бот, халқингни билмаган бир ҳолатингдир».

Кўринадики, шеърият, бир томондан, шахснинг, эл ва элатларнинг эркини ёқламоқда; аммо, иккинчидан, ер юзида эркинликнинг, ҳур фикрликнинг ўзи хавф остида, таҳликада. Чунки атом замонида одамзод бугунгача эришган барча камолатни бой бермаслиги, ибтидоий тош асрига қайтиб бориб қолмаслиги учун нима қилиши керак? Ана шу кўргуликни маънавий қашшоқлик, ахлоқий тубанлик одамзот бошига солиши мумкин. Инсон қанчалик маънан комил бўла борса, жамият ҳалокати, жамият инқирози шунчалик бартараф этилади. Маънавий комилликка эса маънавий эркинлик орқали, шахс озодлиги, она юрт мустақиллиги орқали эришиш мумкин. Ижтимоий-фалсафий лирикамиз илгари сураётган бош концепция ана шундан иборат.

Тоҳир Қаҳҳор изланишлари шеъриятимизнинг мазкур йўналишига ҳамоҳанг. Шоир шеърларида дарахтларнинг шовуллашидан тортиб, шамолнинг ноласигача, юлдузлар табассумидан уммонларнинг шиддатли, доғали, гу

Ёдгор ОБИД

БИЗ СИЗГА ҚАЙТАМИЗ, ҲАЗРАТ АЛИШЕР

Бошин тош деворга уриб эътиқод,
Бугун жон талашиб ётган она ер.
Бағрига чорларкан... адашган авлод —
Биз сизга қайтамиз, ҳазрат Алишер.

Гоҳида бўй тортдик, кўкка қўл чўздик,
Паноҳлар изладик, Йўқликка қочдик,
Охир бошимиздан тупроқлар сочдик...
Биз сизга қайтамиз, ҳазрат Алишер.

Арзир устимиздан кулса шайх Санъон,
Ишқдан ҳам маҳруммиз, диндан ҳам ҳамон,
Туркий вужудлардан туркийлик гумдон...
Биз сизга қайтамиз, ҳазрат Алишер.

Қўшиқ ёлғон бўлди, куй ёлғон бўлди,
Орзу ёлғон бўлди, ўй ёлғон бўлди,
Соядек чўзилган бўй ёлғон бўлди...
Биз сизга қайтамиз, ҳазрат Алишер.

Кўнгил синиқ бўлса — шижоат нетсин,
Имон синиқ бўлса — ибодат нетсин,
Ғозийлар йўқ бўлса — адолат нетсин...
Биз сизга қайтамиз, ҳазрат Алишер.

Қайда бу юрт учун куйган улуғлар,
Кўз очсам, кўзимга санчилар тиғлар,
Туркий ҳасрат билан юраклар йиғлар...
Биз сизга қайтамиз, ҳазрат Алишер.

Беҳуш эл ўз ёви товонин ўпар,
Қайларга борару, қайдин йўл топар,
Эшитса, ўликлар гўридан қўпар...
Биз сизга қайтамиз, ҳазрат Алишер...

Ҳатто сўз айтмоққа энди мажол йўқ,
Ким эдинг, ким бўлдинг, деган савол йўқ,
Фақат бир йўл қолди, ўзга аъмол йўқ...
Биз сизга қайтамиз, ҳазрат Алишер.

СОПОЛ СИНИҚЛАРИ

Икромжонга

«Бирга бир афсона тўқиймиз» дединг,
«Сопол синиқларин ўқиймиз» дединг.

Дегандинг «Ҳар ишнинг муддати бўлар,
Шодликнинг, ҳасратнинг муҳлати бўлар...

Йиллар санаймизми, санамаймизми,
Уксиб йиғлаймизми, йиғламаймизми...»

Дарё оқар, ҳаёт дарёси тинмас,
Савдо тинар, ҳаёт савдоси тинмас.

Биз унда ғуборимиз буҳронда қолган,
Баъзан орзу қилиб армонда қолган.

Ҳадемай буни ҳам кўп кўргай тақдир,
Умримиз оламга бўлиб қолар сир.

Сопол синиғига айлансак биз ҳам —
Сопол синиқларин ким ўқир, укам?

●

Дардли эл дардини бул кун —
дардли жонимга сиғдирдим,
Куйган умрим саҳфаси —
Ҳар қатра онимга сиғдирдим.

На ажаб бардош экандир —
бу эл бардоши азал,
Сабридин сабрим туганди,
руҳи-исёнимга сиғдирдим.

Не балоларга кўникди,
не балога ул бош уриб,
Мен нечук энди они —
тоза виждонимга сиғдирдим.

Олтини бўйнига занжирдир,
қуллиги оламга машҳур,
Ҳурлигига гоҳ умид гар —
бўлса имконимга сиғдирдим.

На эди ул имконлари —
ҳарёнда нонкўрлар билан,
Ҳасратидан гоҳи ўтлар —
чиқса туғёнимга сиғдирдим.

Бас-эй, Ёдгор, доду-фарёд —
қилмағил беҳуда сен,
Неки кўкдин нозил эрса —
Хоки Туронимга сиғдирдим.

БЕАМР ОЕҚҚА ТИКОН КИРМАС

I

—БУ ФАЛОКАТ содир бўлган маҳалдами? — деди буткул қиёфасию сўз қотишида кексалик нуқси уриб қолган бева кампир қайъатда қўр тўкиб ўтирган бош ҳакамга аллақандай ёввойи қараш қилиб. — Ўзимнинг ҳовлимда эдим. Қуёш ботимига етиб кун қазо бўлаётганди. Мен подадан қайтадиган сигирим адашиб, боши оққан томонга солиб кетмасин тағин деган хавотирда кўча эшигини очиб қўйиш учун уйчамдан чиқаётган эдим. Ҳали ковушимни оёғимга илишга улгурмай туриб, қўшнимнинг кушхонаси томондан қандайдир ҳайвоннинг бўғилиб ихраган товуши қулоғимга чалингандай бўлди. Одатда, бўғзига пичоқ тортилган новвослар шундай товуш чиқариб ихрарди. Бурун, қўшним қассобчилик қилган йиллари унинг кушхонасидан новвосларнинг жон талвасасида шундай ихраши ҳар куни менинг ҳовлимга эшитилиб турарди. Ҳайрон бўлдим. «Қўшним анча пайтдан бери қассобчилик қилмай қўйган бўлса, устига-устак кун қазо бўлаётган маҳалда қайси калтафаҳм жонлиқнинг қонини тўкиб, пуноҳга ботаётган экан», деб ўйладим. Сўнг шундай хаёл билан кушхона томон юрдим-да, девор оша бўйнимни чўзиб нариги тарафга қарадим: қўшнимнинг арзанда ўғли кушхона эшигининг кесакисига суяниб турганакан. Кушхонада кўрганим ростдан ҳам қўшнимнинг арзанда ўғлимиди? Вой, куппа-кундуз куни танимай ўлибманми?! Агар алдаётган бўлсам тепамда худо турибди... У бошини қуйи солганча қўлидаги пичоққа термулиб турганмиди ёки латта билан пичоқни артаётганмиди, рости гап, ҳозир шуни аниқ эслолмайман. Аммо, ўша шом палласида айнан уни кушхонада кўрганим рост! Мен «болафақир бемаҳалда қон тўкиш пуноҳ эканини унутиб қўйибди-да, қани, қарайчи, қандай жонлиқнинг бошига етибди» деб, бўйнимни яна пича чўзиб унинг оёқлари остига қарадим. Кўзим кушхона остонасидан ташқарига чиқиб ётган оёқларга, сўнг новвосларнинг қони оқизиладиган ўра лабидаги кунда устида ётган қандайдир кимсага тушди-ю, ҳушим бошимдан учиб, даг-даг қалтираганча деворга суяниб қолдим. Кунда устида ётган кимса, бўғизланганига анча пайт бўлиб қолганмикан, эшитилар-эшитилмас хириллаб нафас олар, кифтлари сезилар-сезилмас учиб тушар эди. Йўқ, бўғизланган кимсани ўша заҳотиёқ таниёлмадим, унинг юзи ўра томонга қараган эди. Бунинг устига кушхона ичига ортиқ қараб туришга юрагим чидамади, қўрқув мени адойи-тамом қилиб қўйганди. Бир қўшнимнинг арзанда ўғлига, бир кунда устида ётган кимсага қарай-қарай ўзимни базўр девор панасига олдим.

Ҳа, тўғри! Кушхонада кўрганларимни шу заҳотиёқ ҳеч кимга айтмадим. Аввало, қўрқдим. Кейин, кимга нима деб айтишни билмадим. Ахир, ўша пайтда менинг ўзим ҳам аниқ билмасдим-да, қўшнимнинг арзанда ўғли кимни бўғизлаб ташлаганини. Уйга кириб, ташқарига чиқиб ўзимни қўярга жой тополмай юрдим.

Ахийри, пода қайтар ҳозирда қўшнимнинг ҳовлисидан аёл кишининг «дод» солган овози эшитилди. Бир зумда ҳаммаёқни югур-югуру, тўс-тўполон босиб кетди. Шунда ҳам мен уларнинг ҳовлисига киришга юрагим бетламади. Одамлардан эшитсам, шўринг қурғур қассобни ўз пушти-камаридан бўлган яккаю ёлғиз ўғли кушхонага олиб кириб бўғизлаб ташлаган экан...

Ўша мудҳиш шомдан буён менинг ўзим ҳам кеча-кундуз шу ҳақида ўйлайман-у, ҳеч ўйимнинг адоғига етолмайман. Улар билан қирқ йил девор-дармиён қўшни яшаб, ота-ўғил ўртасида қон тўкишгача олиб борадиган хусумат борлигини сезмаганман. Билмадим, уларнинг орасига қандай шайтон ораладикин. Тағин ҳам ҳаммаси худойимнинг ўзига аёндир...

Вой, нега хабарим бўлмаскан, қассоб ўз қунарини ўғлига топшираётгани шарофати билан катта шохдор хўкизни худо йўлига қурбонликка атаганини эл қатори мен ҳам олдиндан эшитгандим. Арзанда ўғли одамларнинг кўз ўнгида шу хўкизни сўйиб, гўштини текинга улашиши, сўнг масжиднинг имоми унинг номига фатво ўқиши лозим эди. Қурбонлик маросими ўтказилган кун қишлоқда байрам бўлиб кетганди: етти ёшдан етмиш ёшгача — ҳамма эрталабдан масжид олдидаги майдончага тўпланишган эди. Кимдир бир парча гўшт илинжида келган, кимдир қассобнинг ўғли хўкизни қандай сўйишини томоша қилгани келган. Ахир, бундай маросимлар қишлоғимизда йилда, ойда бир марта бўлиб туради-да.

Аммо, бу қурбонлик худойимга хуш ёқмадими, ўша куни ҳеч кимнинг хаёлига келмаган кўргулик рўй берди. Бир пасда ҳаммаси расвойи-раддибало бўлиб кетди. Қассобнинг арзандаси тўрт йиғит амаллаб ётқизган хўкизни сўяётиб, нима жин урдию қўли қалтираб пичоқ ерга тушиб кетди. Сўнг у пичоқни олиш ўрнига, худди ичбурма бўлгандек қорнини чангаллаб, бўкчайиб қолди. Шунда чала-ярим бўғизланган хўкиз тўрт йиғитнинг қаршилигига қарамай қутуриб бўкирганча ўрнидан турди-да, ўзини қишлоқ ичкарисига қараб урди. Ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди: одамлар хўкиздан қўрқиб, қочаман дея бир-бирларини туртиб йиқитган, гўдаклар тупроққа беланиб, чинқириб йиғлаган, аёллар дод-фарёд кўтарган... Ўх-ҳу, ўша кун қишлоқда нақд қиёмат қойим қўпгандек бўлди. Қурбонликка аталган хўкиз бўғзидан қон сачратганча хийла пайт қишлоқ оралаб қочиб юрди. Уни тутаман деб, йигирма чоғли одам ортидан юпурди. Қани энди жонивор тутқич берса, бўйнини осмонга чўзиб, бир бўкирдики, қишлоқ ўрнидан кўчиб кетай деди. Қанча оворааю сарсон бўлишмасин, барибир ўша кун хўкизни тутиша олмади. Жониворнинг ўзи, қоча-қоча қони тугаганиданми, қишлоқ четида ҳаром қотиб қолибди.

Ҳали-ҳануз мен ҳам шунга ҳайрон қоламан-да. Йигит ўлгур муштдайлигидан отасининг кушхонасидан чиқмай қассобчиликка қўли балодай келишиб қолганди. Ҳамма «отасидан давр ўтса, ўғли кушхонага эгалик қилади» деб гапирарди. Бандасининг айтгани ҳеч қачон бўлмаскан-да. У қурбонликка аталган хўкизни қойил-мақом қилиб сўйиб, элнинг олқишини олишига менинг ҳам кўнглимда зиғирча шубҳа йўқ эди. Ҳамон кечагидек эсимда. У болалигида бир марта девор ошиб, менинг ҳовлимга тушгандида, катакка қамаб қўйган хўрозларимнинг калласини узиб ташлаб, ўзи қочиб қолганди. Мен бундан кейинроқ топган ва хўрозларимга юрагим туз сепгандай ачиганидан қассобнинг олдига арз-дод қилиб боргандим. Қассоб менинг жаврашимни эшитиб, кутилмаганда димоғи чоғ бўлиб кетган ва ёнида турган ўғлини «қассоб ўғлим» деб, бошини силаб эркалатганди. Кейин, азбаройи тантилиги тутгандан, боши узилган хўрозларим эвазига кичикроқ новвосни бериб юборганди. Мен шундан билардим уни қассобликка майли борлигини. Кўргуликни қарангки, бир кунда ҳаммаси тескари айланиб кетди. Ўшанда бундай бўлиши кимнинг ҳам хаёлига келибди дейсиз?!

Менинг билганларим шулар, — деб сўзини тугатди бева кампир.

II

МАЗКУР ПАДАРКУШЛИК юзасидан бошланган ажримга қотилнинг болаликдан бирга ўйнаб-ўсган ўртоғи — тегирмончининг ўғли ҳам гувоҳ сифатида қатнашар эди. У рўй берган қотилликни бева кампир сингари ўз кўзи билан кўрмаган, балки буни қишлоқда энг кейин эшитган кишилардан бири эди. Уни ушбу ажримга чақиришдан маҳкама хизматчилари кўзлаган мақсад қотилнинг болалик кезларидаги баъзи жиҳатларини билиш эди.

— Йўқ, йўқ! — деди тегирмончининг ўғли бош ҳакамнинг сўзини бўлиб. — Икки кун эмас, орадан бир кун ўтгач, тегирмонга бир қоп буғдой кўтариб келган подачидан эшитган эдим. Бу фалокат содир бўлган куни мен қишлоқда йўқ эдим, янги тегирмонтоши олиб келгани тоғдаги тош конига кетгандим. Подачининг чин аралаш, истеҳзоли кулги аралаш айтган сўзларига мутлақо ишонмаганимдан, шу заҳотиёқ қишлоққа қараб юпурдим. Аммо, ҳали қишлоққа кириб улгурмай, йўлда учраган одамлар ҳақиқатан ҳам, шундай кўргулик юз берганини айтишди. Кейин, ноилож қассобнинг уйига фотиҳага бориб, сўнг тегирмонга қайтдим.

ҲИКОЯ

Ҳа, тўғри! У билан болалигимиз бирга кечган. Менинг хотирамда ҳам негадир фақат унинг болалигидаги феъл-атвори, хатти-ҳаракати ва айтган сўзлари муҳрланио қолган. Бошқа ҳеч қаиси тенгқурларимнинг болалигини эслолмаман. Унинг ўзи ҳам жуда ғалати бола эди-да. Очиғини айтадиган бўлсам, қолган тенгқурларимни билмадим-у, аммо мен ундан ҳамиша чучиб турар, унинг қаршисида сўзимни иўқотиб қўярдим. Унинг кўз қарашида, гапиришию, ўзини тутишида болаларга ёт булган ғалати салобат бор эди — мана шу саловат босарди мени. Айниқса, унинг кўзлари одамга бошқача боқарди, уларда на қўрқув, на маъюслик бор эди. У киприк қоқмаи маҳобат билан тикиларкан, шу тобда устингизга ташланиб қоладигандек туюлар ва сиз бирдан сўзингиздан адашио, довдираб қолишингиз ҳеч гап эмасди. Кейинчалик менга шу нарса маълум бўлдики, қонни ва мудҳишликни куравериб пишиб кетган кўзларгина одамга шундай тикилиши мумкин экан.

У доимо биз билан ўзини бир поғона юқори тутиб гаплашар эди. Бизнинг турли-туман ўйинларимиз-у, содда гап-сўзларимиз уни сира қизиқтирмас, аксинча, энсасини қотирса керак, гоҳо устимиздан масхараомуз кулар, гоҳо эса атай қитмирлик билан ўйинимизни бузар эди. Унга ҳаммамиз юрагимизни олдириб қўйгандик, у билан гап талашишга ёки кези келганда ёқалашишга ҳеч қайсимиз жўръат этолмас, мабодо шундай мард топилиб қолган тақдирда ҳам, у бир ҳамла билан тинчитиб қўярди.

Аслида-ку, у бизга жуда кам қўшилар, менинг билишимча кўпроқ вақтини отасининг кушхонасида ўтказар эди. «Баъзан биз «сен отангнинг кушхонасида туғилгансан, шунинг учун у ердан бери келмайсан», деб унинг жиғига тегмоқчи бўлар эдик. У эса жаҳли чиқиш ўрнига худди хушхабар эшитгандек қувониб кетар ва сўнг дарров кушхонада кўрганларини сўзлашга тушарди. Отаси новвосларни кунда устига қандай ётқизишини, жониворлар бўғзига пичоқ тортилганда қандай товуш чиқариб ихрашини, уларнинг бўғзидан шарқираб оқадиган қон ва ҳатто, қоннинг ҳиди димоғига қандай урилишини берилиб, жўшиб гапирарди. Кейин, бу айтиб берганлари худди бизга қизиқ туюлгандек, «юринглар, отамнинг кушхонасига борамиз» деб қоларди. Йўқ, у билан бирга ҳеч қачон кушхонага бормаганман, бўғизланаётган жонлиқнинг кўзларига қарашга ҳали ҳам юрагим дов бермайди. Фақат бу бир марта у ёввойи каптарларни қандай суйганини кўрганман. Ўшанда биз болалар қишлоқ адоғидаги жарга ёввойи каптар тутгани боргандик. Аниқроғи, бундай фикр биринчи бўлиб ундан чиққан ва у бизни жарга бошлаб борганди. Ярим кун оворааю сарсон бўлиб, беш-олтита инида пусиб ётган каптарни тутгандик. Сўнг уларни тутишга тутиб, нима қилишни билмай бир-биримиз билан роса тортишган эдик. Каптарларни қўйиб юборсак, шунча овора бўлиб тутганимизни қизиғи қолмас, уйга олиб кетсак ота-онамиз «беозор паррандага нега озор берасизлар», деб қойиши тайин эди. Шундай ўйлар билан бошимиз қотиб турганда у ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ишга қўл урганди: отаси совға қилган, дастига жим-жимадор нақш солинган пичоқчасини қинидан чиқариб каптарларни сўйишга тушганди. У кўйлагининг енгларини шимариб, иштиёқ билан каптарларнинг бошини узиб улоқтирганди. Биз болалар буни кўриб, қўрқув ва ҳайратдан лол қотиб қолгандик. Калласи узиб ташланган, аммо ҳали жони чиқиб улгурмаган каптарлар худди рақсга тушаётгандек ўзини осмонга отиб патиллар, бармоқдек ингичка кекирдакларидан тизиллаб қон отилар эди. У кўз очиб юмгунча барча каптарларни саранжомлаб ташлаганди. Унинг қўллари, юзи ва кўйлаги қип-қизил қонга бўялганди. Мен уни ҳеч қачон ўшандагидек кўрмагандим: у роса хуморидан чиққандай кўксини тўлдириб-тўлдириб нафас олар, пешонасидан реза-реза тер қуйилиб юзини ювар, одатдагидан каттариб кетган кўзлари ёвуз чақнаб турарди. У каптарлар тамоман тинчиб қолганга қадар ўртада қаддини ғоз тутиб турган, сўнг жардан чиқаётиб, қўлига юққан қонни ҳидлаганди-да, худди нашъа қилгандек юзини бурштириб, бурнини ғалати жийирганди. Буни кўриб менинг юрагим орқага тортиб кетганди.

Болалигида у баъзан ғалати ҳолатга ҳам тушиб қоларди. Йўқ, хафақон эмас, қандайдир тушунарсиз ҳолатга. Ҳозир буни аниқ изоҳлаб беролмайман. Бундай чоғ унинг афти-ангорига қараб туриб кишининг беихтиёр раҳми келиб кетарди. У худди етимчадек одамга ёлвориб тикилар, ичида нимадандир қийналса керак, кўзлари изтиробга тўлиб турарди. Болаларга ҳам қўшилгиси келмас, кўнгли ёлғизликни тусаганданми, бирон хилват пўшага бекиниб оларди. Бир сафар уни худди шундай тушкун кайфиятда масжиднинг кимсасиз ҳужрасига кириб кетаётганини кўргандим. У ҳужрада анча пайт қолиб кетганди, у ерда нима қилгани ёлғиз худога аён. Бир маҳал тўйиб-тўйиб йиғлаганданми, кўзлари қизариб, бўшашибгина ташқарига чиқиб келган ва менга кўзи тушиб, дабдурустдан «юр, отамнинг кушхонасига борамиз», деганди. Мен унамагач, у: «Эй, сен билмайсан-да...» дея нимадир шама қилиб, ўзи кетиб қолганди.

Қурбонлик маросимиданми? Албатта, хабарим бор эди. У бир неча йиллар бурун бизга бу ҳақида гапириб юрарди. «Мен ўн саккиз ёшга тўлганда, дерди у, отам катта шохдор хўкизни худо йўлига қурбонликка келтириб, қассоблик ҳунарини менга топширади. Шу кун масжиднинг имоми менинг номимга фатво ўқийди». Қурбонлик маросими белгиланган кун тезроқ етиб келишини ҳаммадан кўра унинг ўзи ниқоятда орзиқиб кутар, бу қутлуғ кун отасининг табаррук қассоблик либоси ва ҳамда қиличдек ўткир пичоғи ўзига тегишини айтатуриб ёш боладай қувониб кетарди.

Қурбонлик маросимигами? Йўқ, мен қатнашмагандим. Ўша куни отам икков тегирмоннинг сингган тошини алмаштираётгандик. Қуёш бошимиз устига кўтарилиб, иссиқ забтига ола бошлаганда қишлоқ томондан қандайдир ҳайвоннинг бўкиргани ва одамларнинг дод-фарёди эшитилганди. Бизлар бошда бунга эътибор бермагандик, аммо бақириқ-чақириқлар ҳадеганда тинавермагач, хавотирга тушгандик. Отам «бориб хабар ол-чи, қишлоқда нима гап» деб мени қишлоққа жўнатганди.

Мен қишлоққа кириб келганда тўс-тўполон роса авжига чиққан, бир пуруҳ одамлар бўридан ҳуркган қўйлар ғаласидай пана-панага пусиб олишган, йўлдан ҳозиргина кимдир чопиб ўтганидан чанг кўтарилиб ётганди. Мен қандай фалокат содир бўлганини ҳали сўраб-суриштиришга улгурмай масжид томондаги пузардан қассоб билан ўғли чиқиб келишганди. Қассобнинг важоҳати жуда бузуқ эди, у титраб-қақшаб ўзини базўр босиб келар, ўғли эса ҳушсиздай шалвирабгина қадам ташлаб, ортидан борарди. Ота-ўғил ими-жимида ҳовлиларига кириб кетишгач, қандай кўргилик рўй берганини одамлар менга айтиб беришганди.

Йўқ, қурбонлик маросимидан кейин уни қайта учратмадим. Фақат у ҳақида тарқалган турли-туман мишмишларни эшитдим. Кимдир уни «қон оғирлик қилиб, бедаво дардга чалиниб қолибди» деса, бошқа биров «эси оғиб жинни бўлиб қолганмиш, уйга қамалиб олиб гоҳ кулармиш, гоҳ йиғлармиш» дерди. Бундан ўзга аниқ бир гап эшитмадим.

Ҳа, дарвоқе, бир марта унинг онаси юмуш билан тегирмонга келиб, менга дарду ҳасратини тўкиб солганди. «Бу бало қайдан келди, — деганди у юм-юм йиғлаган кўйи, — яккаю-ягона ўғлим пешонамга сиғмай қолса-я? Илоё, шу қассобчилиги ҳам қуриб-битсин, ўғлим қассоб эмас, гадо бўлса ҳам, ақлу ҳуши жойида бўлсайди, худога минг қатла шукр қиларди. Энди бу нима қўргилик, болам, қурбонлик маросимидан кейин ўғлим на мени, на отасини танийди, ўзича аллабалоларни алжирайвериб юрагимни ёргудай ахволга солади. Бунниси ҳам пўрта, баъзан қутпургандай кўзлари қонга тўлиб, уйдан отилиб чиқади-да, ҳовлида юрган товуқними ёки бошқа жонзотни шартта ушлаб, кушхонага олиб кириб бошини узиб ташлайди. Қонини қўлларига, юзига суртади, ҳидлайди... Устига-устак кулинг кўкка соврулгил анави кушхонада ухлайдиган одат чиқарган. Уни уйқудан уйғотиб, ташқарига олиб чиққунча жоним бўғзимга келади. Худога қайси қилиғимиз ёқмадикин, бошимизга бунча балоларни солмаса? Эй, бу дунёсидан ҳам тўйиб кетдим, болам-ей...»

Ушанда онаси ўғли бирор мудҳишроқ фалокатга қўл уриб қўйишдан ҳам тоймаслигини айтиб, кеча-ю кундуз хавотир ичида яшаяпман деганди. Бечоранинг кўнгли сезган экан-да, орадан кўп ўтмай манави воқеа юз берди.

III

ҚАБРГА БОШСИЗ ҚЎЙИЛГАН ЭРИ ва ҳамда қотил ўғлининг кўйида қайғуравериб озиб-тўзиб, адойи-тамом бўлиб қолган онаизор ҳам гувоҳ сифатида ажримга иштирок этарди. Сўров навбати келганда, у шоҳидлик беришдан аввал, юрагидаги дарду аламни тўкиб солди, умр бўйи тентираб топган икки ишонган тоғи — эри билан ўғлидан бир кунда жудо бўлиб қолганини, энди худо ўзининг ҳам жонини олса, яхши эканини айтиб зор қақшаб йиғлади. Бош ҳакам ҳам уни бир муддат ўз ҳолига қўйди, сўровга тутмади.

— Ҳа, — деди онаизор анчадан сўнг бош ҳакамнинг сўзини боши билан тасдиқлаб. — Ўша, худо бизни қарағаган кун мен ҳовлида йўқ эдим. Ой-куни яқин жиянимнинг ҳолидан бирров хабар олиб келгани кетгандим. Бундай бўлишини мен қайдан билибман, йўқса, ҳовлидан қимирлармидим? Барибир бу кўргиликнинг ваҳмини худо кўнглимга солганкан. Жиянимникига кетаётиб, масжидга яқинлашганимда мени ниманингдир ваҳми босгандай бўлди, юрагим ғашланиб, оғир тортди. Масжид айвонида турган тобутга кўзим тушиб, бу ваҳимам баттар ошди. Назаримда, тобут ичида кимдир ётгандай ва тобут гоҳ юқорига кўтарилиб, гоҳ пастга тушаётгандай туюлди. Қўрққанимдан нафасим ичимга тушиб кетди. «Е, худо-ё, ўзинг асрагин», дейишга тилим базўр айланди. Ҳаллослаб жиянимникига қандай етиб борганимни билмайман. Ранги-рўйим бир ҳолатда бўлса керак, мени кўриб жияним ҳам хавотирга тушиб қолди. Ошша-пиша бир пиёла муздай сув тутаркан, «сизга нима бўлди?» деб сўраб-суриштиришга тушди. Ҳамон ўзимга келолмаган бўлсам-да, жиянимга ҳеч нарса айтмадим, ой-куни яқин, тағин кўнглига ҳар хил гап келмасин деб ўйладим. Жиянимникида ҳам узоқ ўтиролмадим, ичимни ит таталагандай бўлаверди. Тезда изимга қайтдим. Масжидга яқин келганимда боягидан беш баттар аҳволга тушдим. «Товба, бугун менга нима бўлди, ўзи?!» дейману, атрофимга аланглаб қарайман. Қани энди бирор тирик зоғнинг қораси кўрина қолса, ҳаммаёқ жим-жит, «тиқ» этган овоз эшитилмайди. Бунинг устига қўрқувга соладиган балонинг ўзи кўринмайди-ю, мен юрагимни суғуриб олишаётгандай даг-даг қалтирайман. Ичимда нимадир тезроқ уйга боришга ундайди, аммо жон ҳолатда олдинга интилмай, худди оёқларимдан кимдир тутиб тургандай ҳеч қадамим унмайди. Қора терга ботганча бир амаллаб ҳовлига етиб келдим-у, дарров ўғлим ётадиган уйга бош суқдим. Уй ичидан уни тополмагач, ҳовли юзасига кўз югуртираётиб, кушхона тарафдан кимнингдир — бу отасининг овози эканини ўша заҳотиёқ англагандим — худди томоғида суяк қолгандек бўғилиб ихраши эшитилдию, мен юрагимнинг бир парчаси узилиб тушгандек оҳ тортиб юбордим. Кейин судралганча кушхонага яқин бордим. У ерда нимани кўрдинг денглар, одамлар?! Оҳ-ҳо, кўрганимни айтишга тилим бормайди, худо мени, шўрпешонани бунча доғламаса?! Ўғлим кушхона эшигининг кесакисига суянган куйи, қўлидаги қонга ботган пичоққа термулиб турганкан. Унинг оёқлари остидаги кунда устида отаси... (онаизор ўзини тутолмай ўкраб йиғлаб юборди).

Ўғли ҳам ўзидай қассоб бўлишни истаганмиди? Оҳ, истаганда қандай, асли ҳамма бало шундан бошланганди. Ўғлим ҳали бу дуёнинг юзини кўрмай туриб, отаси «агар ўғил кўрсак, у вояга етганда албатта ўзимдай қассоб бўлади», деб ният қилиб қўйганди. Шўрликнинг ўғлидан кутган ягона орзу-умиди ҳам шу эди. Унинг умр бўйи фикру хаёли шу ўй билан банд бўлиб ўтди, ўғли учун нимаики қилган бўлса, барча-барчасининг замирида шу нияти ётган эди.

Шу туфайли ўғлини еру кўкка ишонмай яхши кўрар, эркалатар, ширин сўз айтар, панд-насиҳат-у, йўл-йўриқлар кўрсатарди. У ўғли бошқа хаёлларга берилишини, кўнгли ёқтирган юмуш билан машғул бўлишини мутлақо истамас, кези келганда қаттиқ жазолашдан ҳам қайтмасди. Қисқаси, ўғлимнинг бутун инон-ихтиёри отасининг қўлида эди. Шу боис ҳам ўғлим оёққа кирган кундан бошлаб қон ҳиди уфуриб ётган кушхонани кўриб, новвосларнинг жон талвасасида ихрашини эшитганди.

Менинг ўзимми? Худо шоҳид, аввал-охир ўғлим отасидай қассоб бўлишни мутлақо истамасдим, бу ҳақда эшитишга ҳам тоқат қилолмасдим. Узоқ йиллар биргина тирноққа зор бўлиб яшаганимнинг сабабини номинг ўчгур кушхонадан деб билардим, назаримда, у ерда ёмонлик макон тутиб олган-у, мен билан эримнинг бахтини боғлаб тургандай туюларди. Ўша йиллари мен ҳар жума оқшоми, эримдан яширинча, кушхонанинг кунжларига чироқ ёқар ва худодан эримни кушхонадан совутиб, бизга фарзанд ато этишини ёлвориб сўрадим. Бу дуо-илтижоларим ўшанда худога бориб етдими, биз фарзандлик бўлган, аммо эрим кушхонадан совумаганди. Йўқ, фақат шунинг ўзи эмас. Қондан ҳам қаттиқ қўрқардим ва шу боис ҳам ўғлимни кушхонадан қизғанардим. Қондан чўчимай қўйган одам ҳар қандай ёвузликдан қайтмаслиги менга маълум эди. Ўша кезларда бешик тебратиб ўтириб, шу мурғак пўдак кун келиб бир кун отаси каби қассоб бўлишини, кушхонадан бошқа ҳеч нарсани ўйламай қўйишини ва охир-оқибат қонни кўрмаса туролмайдиган аҳволга тушишини хаёлан кўз олдимга келтириб, дунёдан совуб кетардим, қўлим ҳеч нарсага бормай қоларди. Ахир, мен ўғлимни худодан бу учун тилаб олмагандим-да...

Ўғлимнинг ўзими? Ўша пайтда у гўдак ақли билан ниманинг ҳам фарқига борарди?! Аксинча, кўзига ҳамма нарса қизиқ ва ҳайратомуз кўринганидан, нимаики дуч келса, ҳадик билмай ўзини урарди. Бунинг устига у доимо отасининг назорати остида бўлар, отаси эса уни бир дам ўз ҳоли-жонига қўймасди. Тўғри, ўғлим энди ақлини таниб бошлаган кезларда кушхонада кўзи билан кўрганларию, отасидан эшитганларини ҳазм этолмай қийналганидан тунлари алаҳсирайдиган одат чиқарганди. Уни уйқусида нимадир тинимсиз таъқиб этар, қўрқувга солар, ҳеч тинчлик бермасди. Тун бўйи у аллаларнимадир деб алаҳсирар, чинқириб йиғлаганча уйдан қочиб кетмоқчи бўларди. Ушанда у озиб-тўзиб, қоқсуяк бўлиб қолганди. Мен унинг аҳволини кўриб, юрак-бағрим эзилганидан, зора ниятидан қайтса деган умидда отасига худонинг зорини қилиб ёзғирардим. Қани энди отаси унай қолса... «Кўявер, — дерди раҳматли хотиржам овозда, — бошланишида ўзи шунақа бўлади. Ахир ўғлинг қўғирчоқ ўйнашни ўрганмаяпти-ку?!».

У болалигида бир марта уйдан ҳам қочиб кетганди. Менинг билишимча, ўшанда болам бечоранинг кўзига ҳовлимиздаги ҳамма нарса — ҳатто, отаси билан мен ҳам — бало-қазодай ёмон кўринган, ўзидан бездириб ташлаган ва у кўнглини овутадиган бирор овунчоқ тополмай уйдан чиқиб кетишга мажбур бўлган. Чунки, ҳамон аниқ-тиниқ ёдимда ўша пайтларда унинг тунги алаҳсирашлари роса авж олган, кундуз кунлари эса одамовидай ҳеч ким билан гаплашмай хаёли паришон юрарди. Уни бир кеча-кундуз акл-ҳуш озгудек изларгандик. Кейин подачи боши оғиб эски тегирмонга кирса, у бир бурчакда ғужанак бўлиб ухлаб ётганкан, шу ҳолида қўтариб уйга олиб келганди.

УЁШИ УЛҒАЙГАН САРИ, раҳматли эрим айтгандай, кушхонага кўникибгина қолмай, балки, бутун фикри-хаёли билан шўнғиб кетган, ўртоқлари билан ўйнашни ҳам, мактабга қатнашни ҳам йиғиштириб қўйганди. У ҳар кун отасидан қассобчиликнинг бирор сир-асрорини ўрганар ва ёш боши билан шундай катта нарсаларни билаётганидан қувончини ичига сиғдиролмай менга мақтаниб гапирарди. Отасининг тинимсиз тергашию, кўрсатаётган йўл-йўриқлари унинг ақлу ҳушини ўғирлаб, кушхонага тобора махкамроқ боғлаб ташларди. Иккинчи томондан эса у мендан кун сайин узоқлашиб, бегоналашиб борарди. Буни фақат менгина бутун вужудим билан ҳис этар ва қаттиқ изтиробга тушардим. Шунда ҳам ўғлимни ёки отасини айбламас, буларнинг барига қон ва кушхона сабабчи деб билардим.

Ҳа, у шундай дарду балога ҳам чалинганди. Тутқаноққа ўхшарди бу дард, ўқтин-ўқтин хуруж қилиб турарди. Шунда унинг кўзларига дув этиб қон қуйилар, юзи кўкариб кетарди ва у типирлаганча кушхонага қараб чопиб қоларди. Хийла пайтдан сўнг ранги оқариб, бўшашибгина ташқарига чиқиб келарди. Мен «Ўғлим, нега кўзларингга қон қуйилиб, юзинг кўкариб кетди. Бирон жойинг оғрийдими?» деб сўраганимда, у: «Йўқ, ҳеч жойимда оғриқ сезмайман, фақат бошимга нимадир ёпирилиб урилгандай бўладида бирдан ҳушимни йўқотиб қўяман. Кейин, ҳушим ўзимга келганда ҳар сафар кушхонада турган бўламан», деб жавоб берарди. Мен уни кўрсатмаган табибу, ўқитмаган мулла қолмаганди, аммо унинг дардига ҳеч қандай дорию дуо кор қилмади. Бурун унинг бу дарди ойда бир марта — гоҳида икки ойлаб кўзимай кетарди — хуруж қилиб турар ва шунда ҳам бирон кўргиликсиз енгил кечарди. Ҳа, тўғри, ҳамма бало худойимга хуш келмаган анави қурбонлик маросимидан кейин бошланганди.

Ўша куни эрталаб ота-ўғил ўзларида йўқ хурсанд кайфиятда хўкизни етаклашганча, ҳовлидан чиқиб кетишганди. Шу кун раҳматли эримнинг барча армонлари ушалиши ва элнинг олдида юзи ёруғ бўлиши лозим эди. У ҳовлидан чиқаётиб, менга жой ҳозирлаб қўйишни, қурбонлик маросимидан кейин қишлоқ оқсоқоллари ҳовлимизга келишини айтганди. Унинг ҳаяжонга йўғрилган овози қулоғимга жуда ғалати эшитилганди, ростини айтсам, менинг ҳам юрагим тўлқинланиб кетган ва унга меҳрим тобланиб тикилиб қолгандим. «Эй, хотин, — деганди раҳматли мийиғида жилмайиб, — бугун мен билан ўғлинг учун қандай кун эканини билмайсан-да...» Ҳўкизнинг бошбоғини тутиб турган ўғлим ҳам қулоқларигача қизариб, отаси янглиғ жилмайганди.

Улар ҳовлидан чиқиб кетишгач, мен супада жой ҳозирлаган, сўнг ўчоққа шўрва осиш учун тараддуд кўра бошлагандим. Орадан қанча фурсат ўтганини билмайман. Бир пайт кўча эшиги тарақлаб очилиб, ҳовлига раҳматли эрим билан ўғлим кириб келишганди. Эримнинг важоҳатини кўрибоқ, қандайдир кўргулик рўй бергани англагандим. Раҳматли эримнинг кўзи қонга тўлган, косасидан чиқиб кетпудек каттарган, ғазабининг зўридан даг-даг титраганча ўзини қўярга жой тополмасди. У ҳовлига кира солиб, бир четда мўлтирабгина турган ўғлига заҳрини сочганди. «Йўқол, — деганди раҳматли илондек вишиллаб. — Элнинг олдида мени шарманда қилдинг. Энди менинг сендай арзандам йўқ!» Рости гап, ўша дақиқаларда раҳматлига жуда оғир э

Ёзувингиз такомилга муҳтож

I

ЁЗУВНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ КИШИ ТАФАККУРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА, фан ва ёзма адабиётнинг пайдо бўлиши ва тараққий этишида буюк инқилоб эди. Энг қадимий ёзув милоддан аввалги тўрт мингинчи йил охирларида қадимий Мисрда, шунингдек, милоддан олдинги уч мингинчи йил бошларида Шумер давлатида (ҳозирги Ироқнинг жанубий қисмида) пайдо бўлган. Лекин улар ҳар хил расмлар ва ишоралардан иборат бўлиб, алифбо шаклида эмас эди. Мана, олти минг йилдирки, олимлар ёзувларни такомиллаштириш ва белгилар сонини қисқартириш устида ишламоқдалар.

Дунёдаги турли хил ёзувлардан энг такомиллашгани алифбо шаклидаги ҳарфий ёзувлардир.

Тилшунослар алифболарни асосан икки турга бўладилар: шарқий алифболар ва ғарбий алифболар. Шарқий алифболар Арабистон Ярим оролидан чиқиб милоддан олдинги XIV — XI асрларда Олд Осиёда яшаган ва сом (семит) қабилаларидан ҳисобланган арамейлар ёзувига асосланган бўлса, араб ёзуви паҳлавийлар ёзуви, суғд ёзуви, хоразм ёзуви, қадимий турк ёзуви (V — XI асрлар), уйғур ёзуви, мўғул ёзуви, шунингдек, христиан дини таъсирида пайдо бўлган, лекин арамей хати шаклларини замирида юнон орфографик ва филологик принциплари негизида яратилган грузин ва арман ёзувлари ҳам шарқий алифболар жумласидандир.

Ғарбий алифболар ҳозирга қадар истеъмолда бўлган грек (юнон) хати асосида яратилган. Юнон ёзуви асосида вужудга келган лотин ёзуви Рим империяси даврида (V — XV асрлар) католик динининг тарқалиши муносабати билан халқаро ёзув шаклини олган. Ҳозир Ғарбий Европа, Америка, Австралиядаги кўпчилик халқлар, СССРда эса латишлар, литваликлар, эстонлар ана шу ёзувдан фойдаланмоқдалар. Молдова республикаси Олий Кенгаши сессияси ҳам шу ёзувга ўтиш ҳақида қарор қабул қилди. Славянлардан чехлар, словаклар, поляклар, Югославиянинг кўпчилик халқлари ҳам лотин хатини танлаганлар. Мусулмонлардан индонезияликлар ва турклар ҳам аллақачон лотин ёзувига ўтганлар. Хитой халқи 15 – 20 йил муқаддам лотин ёзувига ўтишга ҳаракат қилиб кўрди. Шу мақсадда махсус йўриқномалар, қўлланмалар нашр этилди, матбуотда сўзларнинг лотинча ёзилишидан намуналар келтирилди. Лекин бир миллиарддан ортиқ нуфузли Хитой халқи ҳаддан ташқари кўп шевали бўлганидан ва биргина сўз мамлакатнинг турли қисмларида хилма-хил фонетик шаклларда талаффуз қилинганидан яғи ёзувга ўтиш масаласи ҳозирча кун тартибидан олиб ташланди.

Демак, дунёдаги халқларнинг аксарияти лотин ёзувидан фойдаланадилар. Бу алифбога ўтишни хоҳловчилар сони бундан кейин ҳам ортиб боришига шубҳа йўқ. Боиси — дунёдаги илмий асарларнинг кўпчилик қисми шу хатда битилган, ҳар қандай ёзувда битилган асарларда, йўқ деганда, Ғарбий Европадаги биронта лотин ёзувли халқ тилида қисқача мазмуни (резюме) берилган. Бундан ташқари, ҳоҳлаган машинанинг техникавий ҳужжатлари ҳам шу ёзувда битилган. Айни чоғда лотин алифбоси энг мукаммал бўлиб, ҳоҳлаган фонетик ўзгачаликларни аниқ акс эттира олади. Ҳарфларнинг график шакли ҳам содда.

Ёзуви лотин алифбосида бўлмаган ҳар қандай ривожланган мамлакатда ҳам кўпчилик мутахассислар Ғарбий Европа тилларини ва ёзувини мукаммал билишади. Фан-техника, хусусан, компьютер техникаси ўта тараққий этаётган ҳозирги кунда лотин ёзувини билмаслик мумкин эмас. Дори-дармонларнинг, ўсимлик ва ҳайвон номларининг лотинча номларини айтмайсизми?

Бундан 20-22 йилча олдин москвалик бир йирик фонетист олим АҚШда йирик руслар ва бошқа бир мақолаларини рус тилида, лекин лотин ёзувида чоп этаётганликларини айтиб, русларнинг ҳам қачонлардир лотин ёзувига ўтишини орзу қилган эди. Қарангки, орадан кўп вақт ўтмасдан фантехника янгиликларининг бир қисми рус газеталарида лотин ёзувида реклама қилинмоқда. Чет элларга ёки хориждан мамлакатимизга рус тилида юборилаётган телеграммалар фақат лотинча хатда ёзилмоқда. Америка ва Ғарбий Европадаги ўзбекшунос олимлар ўзбек тилини лотин ёзувида ўрганадилар. Афғонистон, Эрон, Хитой каби Шарқ мамлакатларини истисно қилганда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида яшайдиган миллатдошларимиз, айниқса, ёш авлод араб ёзувини билмайдилар.

Қирғиз олими К. Дийқанов, борди-ю, ҳозирги турк тиллари учун Владмир Дальнинг «Жонли рус тили луғати» каби луғат ясай олсак, тилимиз юз йилга етмасданоқ қайтадан қолипга тушиб қолар, орфографияни яқинлаштириш туркий тилларни бирлаштирган бўлур эди, деб таъкидлайди. Сўнгра фикрини давом эттириб, 1990 йил мартида Қирғизистон пойтахтида славян ассоциацияси тузилди, нега энди биз Ўрта Осиё турк ассоциациясини тузмаслигимиз керак, деган саволни ўртага ташлайди. Биз ўз еримизда яшаётган бўлсак-да, бошқа миллий муҳитда истиқомат қилаётгандек, кўпгина умумий қадриятларимиздан жудо бўлганимиздан куюнади.

Уз ўтмиши, келажаги ҳақида ўйлайдиган ҳар бир туркистонлик бу фикрни қўллаб-қувватласа керак.

Дунёда катта ва кичик халқлар кўп. Катта халқлар осмондан тушган эмас — элатлар, қабилалар, уруғларнинг бирлашишидан пайдо бўлган. Зеро, бирлашган ўзади. Туркий халқларни бирлаштириш ҳақида кўпгина зиёлилар, хусусан, усмонли турк зиёлилари бош қотирганлар. Туркияда кишиларни миллатига қараб фарқлаш қораланади, бу ўзбек, бу қозоқ, бу қирғиз деб миллат аҳратган киши қамоқ жазосига маҳкум этилар экан.

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг илғор зиёлилари ҳам халқларимизни маданий, маънавий, иқтисодий, лисоний жиҳатдан қайта бирлаштириш ҳақида ўйламоқдалар. Бу соҳада амалий қадамлар қўйилмоқда.

II

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҚАДИМДАН ЎЗ ЁЗУВИГА ЭГА БЎЛГАН. Ота-боболаримиз турли хил қадимий ёзувлардан фойдаланишган. Жумладан, ҳозирги Ўзбекистоннинг шарқий ва ўрта қисмларида қадимий уйғур ёзувидан, қисман руник алифбодан, ғарбий қисмида хоразм ёзувидан, руник ва суғд алифболаридан фойдаланишган, араблар истилосидан сўнг араб алифбоси қабул қилинган. Бу ёзувга асосланган ўзбек алифбоси минг йилдан ортиқроқ муддат амалда бўлди. Асримиз бошида эса лотин, ҳаял ўтмай рус алифбосига ўтилди.

Ёзувнинг мукаммалиги айни шу халқ маданиятининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Кириллицага асосланган ҳозирги ўзбек ёзуви тилимиздаги миллий сўзларнинг нозик фарқларини ифода этолмайди. Айниқса, о ҳарфининг ҳозирги функциялари туфайли ўзбек алифбоси бошқа халқлар, чунончи, туркий халқлар алифболари орасида оқ қарғага ўхшаб ажралиб қолди: ҳозирги о ҳарфи араб ёзувимизда алиф ҳарфи билан ифода этиб келинган, алиф эса қамма даврда ва ҳамма халқларда а демакдир.

Ҳозирги ёзувимизда русча ёки рус тили орқали кирган сўзларни ёзишда ва талаффуз этишда миллий хусусиятлар деярли ҳисобга олинмаган. Бошқа халқлар бу масалада ўз миллий талаффузидан келиб чиққанлар. Масалан, туркий халқлардан озарбойжонлар орфографиясида юмшатиш белгиси умуман йўқ. Славян халқларидан булғорлар каракул, корен, мебел, медал, нефт, область каби сўзларни юмшатиш белгиси қўймай ёзадилар. Улар ўз тили хусусиятларини ҳисобга олиб, охири бир хил қўш ундош билан тугайдиган сўзларни бир ундош орқали, масалан, килограм, грам, метал шаклида ёзиб ҳам ҳеч нарса ютқазганлари йўқ.

Тўғри, имло муаллифлари бунда яхши ният билан — ўзбекларнинг русча сўзларни тўғри ўзлаштиришларини ўйлаб иш тутганлар. Лекин 50 йиллик тажриба шуни кўрсатдики, бундай ён бериш кўзланган самарани бермас экан. Ёзувлари бутунлай бошқача бўлган грузинлар билан арманлар, лотин алифбосини қабул қилган Болтиқбўйи жумҳуриятларининг халқлари рус тилини ўзбеклардан ёмон билишмайди. Демак, тилни ўрганишда графика катта аҳамиятга эга эмас.

III

Араб ёзуви энг қадимий, муқаддас ёзувлардан. Қуръони карим шу ёзувда нозил бўлган, ҳадислар ҳам шу ёзувда битилган. Араб ёзуви диний, тарихий асарлар ёзувидир. Шу билан бирга, кўплаб бадиий ва илмий асарлар, ижтимоий фанларга оид илмий ёдгорликлар ҳам араб хатида битилган.

Лекин ҳаёт бир жойда турмайди, ҳамма нарса ривожланади, тараққий этади. Кечаги гап бугунга тўғри келмайди. Эндиликда фан-техника шу қадар ривожланиб кетдики, ҳар қандай соҳанинг минглаб, ўн минглаб терминлари бор. Масалан, ҳозирнинг ўзидаёқ 10 миллионга яқин химиявий модда яратилган. Бу моддаларнинг номлари бир-биридан баъзан бир-икки ҳарф билангина фарқ қилади. Дунёдаги ўсимлик ва ҳайвон турлари, хиллари, зотлари, оилаларининг, техникавий тушунчалар ва ибораларнинг, жой номларининг, кишилар исм-шарифларининг сон-саноғи йўқ. Уларнинг барчасини бузмасдан аслияти каби тўғри ёзиш талаб қилинади. Бунинг учун эса энг мукаммал ёзув керак.

Хўш, араб ёзуви бунинг уддасидан чиқа олармикан? Менингча, бу ҳақда тайинли гап айтиш қийин. Чунки бу графиканинг ҳам ўзига хос камчиликлари бор. Буюк бобомиз Беруний XI асрдарёқ бундай деган эди: «Араб ёзувининг бир улкан қусури бор: у ҳам бўлса, кўпгина ҳарфлар шаклан ўхшаш бўлиб, белги ҳамда нуқталарига қарабгина бир-бирларидан фарқ қилади. Ана шу аломатлар тушиб қолса ёки ўз ўрнида қўлланилмаса, сўзлар бутунлай бошқа маъно олади».

Зеро, фан ва техника тараққий этган бугунги кунда сонсаноқсиз сўз ва терминларни араб ёзувида ифода этиш қийин. Араб ёзувига ўтиш тарафдори бўлган бир гуруҳ ёшларга таниқли адибимиз, драматург Иззат Султон бу ёзувнинг камчиликларини санаб берганлар. Масалан, босма-хоналарда арабча матнни босиш учун 133 белги (унсур)-дан фойдаланилар экан. Араб шрифтидаги машинкада ҳам ҳарф-белгилар беқиёс кўп.

Эски ўзбек ёзуви араб графикасигагина эмас, балки араб имлоси ва фонетикасига ҳам асосланган. Сўзлар бундан минг йил олдин қандай ёзилган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай ёзилади. Бир нечагина мисол келтирайлик: наврўз сўзи нуруз шаклида, совур сўзи сур шаклида, таваллуд сўзи тулд шаклида, иноқ сўзи аноқ шаклида ёзилади. Кўпгина ҳолларда унли товушлар ёзувда ўз аксини топмайди. А, и, э, у товушлари билан бошланадиган ҳар бир сўзнинг ўз ёзилиш қоидалари бор: узук сўзи ўзук — узук шаклида ёзилгани ҳолда, узлат сўзи азлат шаклида ёзилса ҳам узлат деб, ўқилади; ун (товуш) сўзи ун — ўн шаклида ёзилади, лекин умр сўзи амир шаклида ифода этилади, Умар деган исм ҳам шу тарзда ёзилади.

Шахсий мулоҳазалар

Кўпчиликка маълум бу гапни эсга олишдан мурод шуки, араб ёзуви замонавий терминларни айнан ифода эта олмайди. Уни ўрганиш ҳам осон эмас.

Шунга қарамасдан, кўплаб кишилар араб ёзувига қайтиш тарафдорларидир. Уларнинг талабида ҳам жон бор — минг йиллик тарихимиз шу ёзувда битилган. Бу ҳақиқат. Аммо яна бир ҳақиқат борки, сулс, шикаста каби усулларда битилган бир неча асрлик қўлёзмаларни барча саводхонлар ҳам ўқий олмайдилар. Устиғустак, қўлёзмаларнинг кўпчилиги араб ва форс-тожик тилларидадир. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ходимларининг гувоҳлик беришларича, институтда сақланаётган кўпминглик қўлёзмаларнинг атиги бешдан бир қисми ўзбек тилида, қолганлари эса, юқорида айтилганидек, форс-тожик ва араб тилларидадир.

Демак, қадимий ёзма ёдгорликларни тушуниш учун қўлёзмаларни ўқиш билан бир қаторда бошқа тилларни ҳам мукаммал билиш талаб этилади. Бу ниҳоятда мураккаб иш.

БИЗ XXI АСР БЎСАҒАСИДА ТУРИБМИЗ. Ҳамма соҳада, жумладан, ёзув соҳасида ҳам ҳиссиётга берилмасдан келажакни ўйлаб иш кўрган ютади.

Таниқли турк олими Аҳмад Бижон Эржиласин ўзининг 1991 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Маҳмуд Кошғарий номидаги мукофотига сазовор бўлган «Ўрнакларда турк алфавитлари» (Бугунги кунда дунё турклари фойдаланаётган алифболар ва улар қўлланишидан намуналар. Анқара, 1990) китобида жаҳон туркий халқлари ишлатган ва ҳозирги пайтда ишлатаётган алифболарни таҳлил қилиб берган. Бу асар замирида турк халқлари учун бошқа ёзувлардан кўра лотин алифбоси энг қулай ёзувдир, деган фикр ётади ва ҳарфлар ҳамда белгиларнинг вазифаларига оид тафовутлар қайд қилинган. Муаллифнинг таъкидлашича, араб ёзувига асосланган туркий алифболарда 32 тадан 39 тагача ҳарф ва белги бор экан, кирилл ёзувига асосланган туркий алифболарда, айниқса, кўп ҳарф ишлатилар экан.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. Қўчқортоев «Ёш ленинчи»нинг шу йилги 5 март сонида эълон қилинган «Туркийда неча ҳарф бор?» мақоласида турк олимининг фикрини ўз қўшимчалари билан бундай изоҳлайди: «Ёзувдаги фарқлар, айниқса, кириллча туркий алифболарда кўп. Асримизнинг ўттизинчи йилларида мамлакатимизда қўлланилган, дунёнинг турли мамлакатларида ҳозир ҳам қўлланаётган лотинча туркий алифболарда ҳаммаси бўлиб 39 ҳарф ишлатилса, кириллча туркий алифболарда 74 ҳарф ишлатилади. Бунинг сабаби шундаки, айни бир ҳарф билан ифодаланиши мумкин бўлган ва лотинча туркий алифболарда ҳақиқатан ҳам бир ҳарф билан ифода этилган товушлар кириллча туркий алифболарда иккитадан олтитагача ҳарф билан берилади. Бундан ташқари, туркий тиллардаги бир хил ёки ўзаро ўхшаш яқин товушларни кириллча алифболарда турлича ҳарфлар билан ифодалаш ҳоллари ҳам оз эмас. Кириллча туркий алифболардаги бундай фарқлар шунга олиб келадики, Совет Иттифоқидаги туркий халқларнинг вакиллари бир-бирларининг оғзаки нутқини бемалол тушунгани ҳолда ўз тилидан бошқа туркий тилда ёзилган ёзувларни ўқий олмайдиган бўлиб қолди. Одамлар, элатлар, халқлар орасида бир-бирини англаш, ҳамкорлик қилиш, тижорат ҳаракатлари кучайган ҳозирги даврда бундай сунъий тўсиққа ҳеч қандай зарурат йўқ», дейилади китобда. Аҳмад Эржиласиннинг бу фикри туркий алифболарни бир-бирига яқинлаштириш (унификациялаш) бўйича бизнинг мамлакатимизда кўтарилган илмий баҳс руҳига ҳамоҳанг эканини қайд этиб ўтамиз.

Ҳозирги ўзбек алифбосини такомиллаштириш бўйича матбуотда маълум таклиф ва тавсиялар эълон қилинди. Бу яхши. Лекин биз бу таклиф ва тавсияларда ёзувни ислоҳ қилиш тўғрисида айтилган фикрларни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда масалага умумтуркологик нуқтаи назардан ёндашиш зарурлигига эътиборни жалб этамиз».

Қиссадан ҳисса — тилларни ва ёзувларни яқинлаштириш барча туркий халқлар манфаатига мос тушади. Бу келажакнинг вазифасидир. Келажак эса бугундан бошланади. Туркий халқларнинг илғор вакиллари бунга аллақачон тушунишган. Озарбойжонлар, татарлар, бошқирдлар лотин ёзувига 1992 йилдан ўтишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Туркияда Культур (маданият) вазирлиги назоратида дунёдаги барча турк тиллари учун лотин ҳарфида умумий «Алифбо» яратилаётир.

Хўш, лотин ҳарфига ўтиб нима ютиш мумкин?

Биринчидан, барча туркий халқларнинг алифболари унификация бўлади, бу туркий тилларнинг яқинлашишига олиб келади, турли турк қавмларининг вакиллари бир-бирларининг асар-матнларини бемалол ўқиб тушунадиган бўлишади. Иккинчидан, дунёдаги тараққиётга эришган лотин алифбоси халқларнинг ёзувларини ўқиш ва ўрганиш осонлашади. Учинчидан, дори-дармон, ўсимлик ва ҳайвонларнинг лотинча номларини ҳамма бемалол ўқий оладиган бўлади. Тўртинчидан, кишиларнинг компьютерларни эркин-эмин ишлатишлари учун имкон яралади. Бешинчидан, сўз, терминлар ва атоқли отларнинг ёзилиши, бир тилдан бошқа тилга транскрипция қилинишидаги муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади. Лотин ҳарфларини ўрганиш эса у қадар қийин эмас. Бу ёзув дунёдаги ёзувлар орасида энг такомиллашганидир. Уни миллий тил хусусиятларига мослаштириш осон. 1929 йилдан 1939 йилгача давом этган ўн йиллик тажриба лотин ёзувининг ўзбек тилига жуда мос эканлигини кўрсатган эди. Янги имлони такомиллаштириш устида ўзбек маданиятининг таниқли намояндаларидан Фитрат, Элбек, Боту, Ғози Олим Юнусов, Абдулла Авлоний, Абдулла Алавий, буюк тилшунос Е. Д. Поливанов ва бошқалар фаол иш олиб боргандилар.

ЧЕТ ЭЛЛИК ВАТАНДОШЛАРИМИЗГА МЎЛЖАЛЛАНГАН «Ойдин» газетаси эндиликда араб ёзуви билан бир қаторда лотин ёзувида ҳам чоп этилаётир. Ўзбекча сўзларнинг лотинчада нақадар тўғри ифода этилганини кўриб, кишининг кўзи қувонади. Мабодо, қачонлардир лотин ёзувига ўтишга келишиладиган бўлса, янги «Америка очиш» шарт эмас — алифбо ҳам, қонун-қоидалар ҳам тайёр.

Суюн ҚОРАЕВ,
ЎзССР ФА Тилшунослик институтининг катта илмий ходими

ОБУНА–92

ЖАСОРАТ ТАРК ЭТМАСИН

Оиламиз 13 кишидан иборат. Бир ҳовлида яшаймиз. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг ҳар бир сонини орзиқиб кутамиз. Назаримда, ҳафталик жумҳуриятимизда юксак эътиборга эга бўлиб бормоқда. Кейинги йилда ҳам нархи ошишига қарамай, обуначилар сони янада кўпаяди, деб ўйлайман. Ҳафталикнинг турли мавзуларда дадил чиқиш қилаётгани бунга ишонч туғдиради. Масалан, «Ихтиёр менда бўлса...» рукнида берилаётган фикрлар ҳар биримизнинг юрагимиздаги гаплардир.

Тўра ҲАМЗАЕВ
Чортоқ райони

●

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» менинг маслаҳатчимдир. У менга далда беради. Ҳафталикдан саволларимга жавоб топгандек бўламан. Кўнгилни яшнатувчи шеърлар ўқиганимда, ўйга чўмдирувчи мақолаларни мутолаа қилганимда редакция заҳматкашларига тасанно айтгим келади. Истайманки, бу жасорат сизларни асло тарк этмасин.

Олмосхон ТУРСУНОВА
Самарқанд шаҳри

●

Ҳурматли ҳафталик ходимлари! Мен сизларнинг нашрингизга 20 йилдан буён обуна бўлиб келаман. 1992 йил учун ҳам энг аввало «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га ёзиламан, албатта. Менга, айниқса хорижий юртлар тўғрисидаги мақолалар маъқул бўлди. Аввалари таассуротлар бироз сунъийлаштириб бериларди. Энди биз уларнинг ҳақиқий ҳаёт тарзлари билан ошно бўляпмиз. Бунда ҳафталикнинг муносиб ҳиссаси бор. Келгусида хорижий юртлар аҳолиси ва чет эллик ватандошларимиз ҳақида янада кенгроқ ўрин ажратилиб, мақолалар ёритилиб борилса дилимизни хушнуд этардингизлар.

Солижон ТОЖИБОЕВ
Тўрақўрғон райони

●

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг ҳар бир сонидаги мақолаларни қолдирмай ўқиб чиқаман. Баъзиларидан кўнглим тоғдек кўтарилса, айримларидан ранжийман. Бу — менинг шахсий фикрим, албатта. Баъзи мақолалар қандайдир мажбурият юзасидан берилса керак деб ўйлайман. Редакция ходимлари авторни эмас, балки муштарийсини хурсанд қилиши даркор деб биламан.

Туйғун ХОЛМАТОВ
Қарши шаҳри

●

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида чиқадиган кўпгина мақолалар ўқишли. Мавзу жиҳатидан ранг-баранг, зерикмайсан киши. Асосийси, у миллатнинг ўзлигини топиш учун қилаётган ҳаракатида ҳаммага ўрнак бўляпти. Ўрнак бўлгандаям, шов-шувли, ваҳимаси тез тугайдиган мақолалари билан эмас, балки ҳақиқий зиёлиларга хос маърифатли чиқишлари билан ном қозонмоқда.

Менга «Тарих ва тақдир», «Жума ўгитлари», «Ихтиёр менда бўлса...» ва «Шум боланинг чойхонаси» рукнлари остида чоп қилинаётган мақолалар ва ҳангомалар жуда ёқади.

Обуна масаласига келганда, нашрнинг нархи ошганлигини ҳеч ким рўкач қилмаслиги керак. Қисқаси, унга обуна бўлсангиз, маънан бойисангиз бойийсиз-у, асло кам бўлмайсиз.

Омон САИДОВ
Тайлоқ райони

КИМГА ЖАҲЛ ҚИЛАМИЗ?

Наманган шаҳар бозоридан у-бу харид қилаётган эдим. Тўполон бўлиб қолди. Бир деҳқон отахон қовун сотаётган экан. Иккита қовунни 45 ёшлардаги бир киши тепиб ёриб юборибди. Сабаби отахон иккитасини 5 сўмга бермабди. Мен жуда афсусландим. Ундан нега бундай қилганини сўрамоқчи эдим, қочиб кетди. У деҳқоннинг не азоб билан ҳосил етиштиришини биларми-кан. Биз ҳам қовун экамиз. Ижарага олинган ер учун пул берамиз, трактор учун пул берамиз. Бозорга олиб келиш учун яна пул берамиз. Бу йил тўрт марта бузиб экдик. Икки ойдан кўпроқ далада ётдик. Шунча меҳнат қилиб етиштирилган иккита қовун наҳотки 5 сўмга арзимаса. Инсоф билан айтганда, ҳозирги шароитда қимматроқ ҳам туради.

Отахон бояги кишига ҳеч нарса демади. Агар у зўр бўлса, ҳақиқатчи бўлса, дўкондан камёб материал олиб чиқиб ўн баробар қимматига сотаётган чайқовчига гапирсин-чи! Нега чайқовчининг материалини олиб йиртиб ташламайди. Ҳатто бир қоп унни 50 сўмга пуллашаяпти. Уларни тергайдиган одам йўқ. Деҳқонга имконият яратиш ўрнига уни қийин-қистовга олиш яхшими? Кимга жаҳл қиламиз?

В. АҲМАДЖОНОВ

АНГИШВОНАЧИ ЙИГИТЛАР

Шоҳимардон Фарғона водийсидаги гўзал масканлардан бири. Уни зиёрат қилишни кўпчилик орзу қилади. Биз шанба куни Шоҳимардонга бордик. Одам гавжум эди. Суриштирсак, меҳмонхона кечқурун соат 5 дан эрталаб 8 гача ишлар экан. Ноилож ижарага жой қидиришга тушдик. Бири йўқ деди, бири кунига 10 сўмдан берасизлар деди. Хайрият, инсофлироқ отахон «Кўнгилдан чиқариб берарсизлар» деб бўш уйига қўйди. Нарсаларимизни қолдириб, айланганча чиқдик. Ҳар 10—15 қадамда олдига стол қўйиб, ангишвона айлантириб ўтирган ёш-ёш йигитларни кўриб ёқа ушлайсиз. Баъзи содда меҳмонлар қизиқиб ангишвона устига пул қўйиб ютқизишарди. Юмшоқ резинадан қирқилган соққа ўйинчи йигитнинг тирноғи остига кириб қолаётганини сезишмасди.

Уларнинг ҳар қадамда учраши бизни ҳайратга солди. Ёшлигидан одамларни алдаб текин пул топишга ўрганган бу йигитлардан жамиятга, инсонларга фойдаси тегадиган киши етишиб чиқишига ишониш қийин. Фарғона вилояти ва район комсомол қўмиталари, мутасадди ташкилотлар бу ҳолга нега бефарқ қарайдилар. Қолаверса, ота-оналарни фарзандларининг не кўйларга тушиб қолгани наҳотки қизиқтирмаса! Ёки уларга ҳам текин пул ёқармикан...

Ш. ЎРИШЕВ
Шаҳрихон

МУҲАРРИРГА **мактублар**

КЎНГИЛГА ЁРУҒЛИК

Ассалому алайкум, ҳурматли муҳарририят!

Мана, анчадан бери жумҳуриятимизда диний китоблар ва адабиётлар босмадан чиқмоқда ва сотилмоқда. Шу ўринда мен Ўткир Ҳошимовнинг «Савобми ёки чайқов?» мақоласини эсга олмоқчиман. Мақолада Ислом аҳлининг муқаддас китоби — Қуръони каримнинг араб мамлакатларида савоб учун ўз нархида сотилиши, бизда эса бойлик кетидан қувиб, ҳам шахсий, ҳам давлат жамғармасини бойитиш учун чайқов нархида сотилаётгани куюнчаклиқ билан ёзилган эди. Мен ҳам дардларимни айтмоқчиман. Бу фақатгина менинг эмас, балки ҳар бир мўмин-мусулмоннинг дарди деб ҳисоблайман.

Яқинда бир иш билан Андижон шаҳридаги чайқов бозорига бордим. Бозор Жоме масжидининг олдига жойлашган. Ҳозир яхши эркинликлардан фойдаланиб, чайқовчилар очиқдан-очиқ хоҳлаган нарсасини, хоҳлаган нархда сотяпти. Ички ишлар органлари назоратни жуда ҳам сусайтириб юборганлар.

Қуръони карим Алоқа вазирлигининг рўзномалар дўконча-ларида сотилмоқда. Яхши. Лекин дўконча ичига эътибор бериб қарасангиз, очиқ ўқиш уят деб билинадиган адабиётлар ва суратлар ҳам сотилмоқда. Менингча, бу маданиятсизликдир.

Диния назорати диний адабиётлар ва нашрларнинг сотилишини назорат остига олишса ва «Маърифатнома» кўрсатувини кунига бир маҳал зангори экранга олиб чиқишга эришсалар. Бу умидли кишиларнинг кўнглига ёруғлик олиб кирарди.

Нуриддин АБДУСАИДОВ
Андижон

«УДДАБУРОН»ЛАР

Жумҳуриятимизда уннинг нархи оширилмади-ю, аммо магазинларда турфа найранглар вужудга келди. Мен яқинда I нав ун йўқлигидан, борига шукур қилиб II нав олган эдим. Етмиш киловолик унга сотувчи 24 сўм олди, қопини ҳам бердим. Нега бундай деб сўрасам, қопнинг нархи ўн сўмдан ортиқ, сизнинг қопингизни уч сўмга оламиз деди. Ваҳоланки қоплар бир хил, ҳатто меникиянги эди. Савдо идорасидан шундай топшириқ бўлган экан: аҳолига бериладиган қоплар ўн сўмдан баҳоланиб, оладиган қопларга уч сўм ан нарх қўйилибди. Халқни ал эш учун бу найранги ўйлаб эпганга қойил қоласан киши. Балки «ишбилармон», «уддабурон» деб шуларни айтишса керак-да!

Маҳмуд РАҲМАТУЛЛАЕВ
Фрунзе райони

«САНГИ ОЙИНА» ТАФТИ

Андижондаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги фольклор этнографик дастасининг бадиий раҳбари Рустамжон ШОКИРОВ билан мухбиримиз Муталлиб СОДИҚОВ суҳбатлашди.

— Рустам ака, бу дастани тузиш ниятнёқи сизда қандай пайдо бўлди. Нега уни айнан Бобур номи билан атадингиз?

— Мен мактабда мусиқадан дарс бераман. Бўш пайтларим Бобур ҳаёти ва ижодига қизиқишим туфайли у тўғрида не бўлса, ҳаммасини топиб ўқишга, ўрганишга ҳаракат қиламан. Ғазалларини жон-дилим билан қўшиқ қилиб айтаман. Шу сабабли кўнглимда бир ният туғилди. Фольклор дастаси тузсаму, уни Бобур номи билан атасам, деб ўйладим. Анча елиб-югурдим. Ниҳоят 1990 йил ниятим амалга ошди.

Дастамизнинг ҳозир ўттизга яқин ёшу кекса қатнашчиси бор. Тез-тез концертлар бериб турибмиз. Бошқа районларга ҳам ижодий сафар уюштираяпмиз. Мақсадимиз халқ оғзаки ижоди дурдоналарини тўплаш, унутилиб кетаётган расм-русумларни қайта тиклашдир. Яхши қўшиқ, куйга интиқ биргина қалбни бўлса-да, хушнуд этсак, ўзимизнинг ҳам кўнглимиз яшнайди. Ўтган кунимиздан рози бўламиз.

— Бобурга нисбатан бўлган ихлосингиз ҳавас қилса арзигулик экан.

— Ҳа, Бобур билан тез-тез хаёлан суҳбатлашиб тураман. У баъзан тушларимга кириб йўл-йўриқ кўрсатади. Яқинда туш кўрдим. Тушимда мени ўзи юрган қадамжойларни зиёрат қилишга ундади. Улуғ зотнинг нафаслари теккан «Санги ойина»ни бориб кўришни орзу қилиб юрардим. Йўлга тушдим. Фарғона вилоят Сўх районининг Тул қишлоғи яқинидаги Сурати деб номланувчи тоғ тепасида у тош. Тул қишлоғидан сўнг 16 км пиёда йўл босиб тоққа чиқиб бордим. Ярим йўлгача машина юради. Лекин машина кутишга менинг сабрим чидамади. Тош тўғрисида «Бобурнома»да шундай дейилган: «...Исфаранинг бир шаръисида жануб сори пушталарнинг орасида бир парча тош тушубдур, «Санги ойина» дерлар, узунлиғи тахминан ўн қари бўлғай, баландлиғи баъзи ери киши бўйи, баъзи ери кишининг белича бўлғай, ойинадек ҳар нима мунъакс бўлур». Самарқандни иккинчи бор қўлдан бой берган шоҳ бир йилча Сўх ва Ҳушёр атрофларида сарсон-саргардон бўлиб юради. Шу ердаги булоқ бўйида уйча қурдириб маълум вақт кун кечиради. Қарангки, тош ҳам, уйча ҳам ҳозиргача сақланиб турган экан. Шу яқин орада қўй боқиб юрган чўпонлар ва асаларичилар билан биргалашиб уйчани тартибга келтирдик. Булоқ атрофига кўчатлар экдик. Насиб қилса, бу ерни катта боғ қиламиз.

Афсуски, айтишларича, «Санги ойина»ни йигирманчи йилларда атрофига ўтин тўплаб олов ёқиб қизигандан кейин уриб синдиришади. Тошнинг юза қисмининг кўп жойи қорайиб, палахса-палахса бўлиб кўчиб тушган. Бундай қилишларига сабаб тошнинг сирлилиги бўлган. Кексаларнинг ривоят қилишларича, моли ёки бирон буюми йўқолган киши поқ бўлиб бориб қараса, тошнинг силлиқ юзасида излаганини кўрар экан. Таажжубки, унда мен ўзимнинг аксимни бир қўлимда тор, бир қўлимда доира ушлаган ҳолда кўрдим. Ва бу сўзларнинг нақадар ростлигига имон келтирдим.

Рустамжон ака қоғозга ўроғлиқ бир парча қорамтир, қаттиқ мумга ўхшаш тошни кўрсатдилар. Бу «Санги ойина»нинг синиб тушган парчаси экан. Икки бўлагини Андижондаги Бобур музейига топширибдилар. Инсонда қандайдир илоҳийлиқ бор. Нени муқаддас деб билса, ўшани излайди, топиб топинади. Не ҳолки, мана бири бобомиз Бобурнинг нигоҳи тушган, қўли теккан тошнинг парчасини эъзозлаб кўтариб юрибди. (Лекин уни парча-пуриш қилиб ташиб кетишларидан худо сақласин!) Ажабки, кафтимдаги тошга тикилиб мен ҳам ўз-ўзимдан ҳаяжонланардим. У негадир илиқдек туюлди менга. Бу тафт тошнинг ўзиникими ё Бобур нафасини ҳамон ўзида сақлаётганмикан, деган хаёлга бордим. Уни табаррук билиб суратга олдирдим. Балки у сизнинг қалбингизда ҳам илиқлик уйғотар...

Рустамжон аканинг санъат соҳасидаги, боғ борасидаги тилакларининг ушалишини истаймиз. Бобур боғи — куй, қўшиқ, эзгулик боғи бўлиб яралсин.

А. МАМАДАМИНОВ суратга олган.

Шариф ЮСУПОВ

Хазон бўлмас баҳор

САНЪАТКОРЛАР ҲАҚИДА ҲАНГОМА

Муҳтарам ўқувчи! Тақдир ҳар бир одамни ўзича сийларкан. Мени у машҳур санъаткорлар — довуйи овоз соҳиби бўлмиш хонандалар, қалбларни ром этувчи созандалар, сўз мулкининг султонлари бўлмиш аскиячилар, саҳнамиз ифтихори бўлмиш актёр ва режиссёрларга ҳамнишин улфат, қадрдон дўст қилган. Тўйчи ҳофиз, Шораҳим Шоумаров, Аброр Ҳидоятов, Қори Ёқубов, Лутфихоним Саримсоқова, Карим Зокиров, Бобораҳим Мирзаев, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Назира Аҳмедова, Юнус Ражабий, Имомжон Икромов, Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновлар, Турғун Каримов, Мавлуда Аъзамова, Санджон Калонов, Дони Зокиров, Фахриддин Содиқов, Дадаали Соатқулов...

Эҳ-ҳе, ҳар бири бир оламга арзигулик яна қанчадан қанча хонандаю созандаю бастакорлар. Айниқса қаерга борса арава-арава шаҳал тўккандек кулги кўтарилладиган аскиячиларни, инсон тафаккурини лол қолдирадиган қочирим усталарини айтмайсизми? Давраларда ҳамиша барҳаёт Юсуфжон қизиқдан тортиб Мамаюнус кал, Сулаймон бўқоқ, Эркақори, Мулла Маматбува, Ижроқўмбува, Мамажон ҳожи, Ғулом чегачи, Охунжон қизиқ, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Акбар Ҳайдаров, Шоқосим Шожалилов, Акмалхон Музаффаров, Чустий... раҳматга ёрларнинг яна неча ўн жуфтини эслай мен фақир?

Замонанинг зайли билан, баъзан хизмат юзасидан (зотан салкам йигирма йил мобайнида жумҳурият матбуоти ва радиосида адабиёт ҳам санъат бўлимларида хоким-сор хизматда бўлганман) ўша улуғ зотлар эшигини тақиллатиб боришга, расмий ва норасмий йиғинларда тиззама-тизза бирга ўтириб, улардан хазина «ўғирлашга» тўғри келган эди. Уларнинг теша тегмаган гапларига «писмиқ»лик билан қулоқ солиб ўтириб, эртаси ёки яна бир неча кундан кейин эшитганларимни бошқа давраларда, баъзан ўша аския, қочирим ва ҳангомаларнинг муаллифлари иштирокида бироз тарашлаб, янгидан айтиб берардим, кўп ҳолларда муаллифларнинг ўзлари ҳам мамнун бўлишарди. Бу ҳангомалар 40—45 йилдан буён турли дўстлар давраларида айтилган. Лекин айтилган энг қизиқ ҳангома ҳам уни дарров илиб олиб, нариги маррага етказадиган «чопар» бўлмаса, ўша ернинг ўзида унут бўлиб кетаркан. Буюк санъаткорларимиз хусусида ўзларидан эшитган ҳангомаларнинг жуда кўпи ҳозиргача шундай унут бўлиб кетди, демак халқимиз қалбига қувонч, чеҳрасига жилва олиб кирадиган бебаҳо маънавий бойликларимиздан ажраб қоляпмиз. Шунинг учун ҳам ёдимда қолган кичик бир қисм ҳангомаларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этарканман, бир томондан, улар матбуот қатламлари орқали узоқ йиллар яшаши мумкинлигини, иккинчи томондан эса, ўша улуғ зотлардан ўзларига бирор нарса юқтириб қолган бошқа дўстларимиз ҳам бу ишга камарбаста бўлсалар, халқ донолиги тимсоллари хазон бўлмас баҳордек ҳамиша кўзларни, қалбларни яшнатиб турса ажаб эмас, деб ўйлайман.

Муаллиф

Тўйчи ҳофиз „таҳрир"и

Сталин даври қатағонлари авжига минган 1937 йил. Бошқа ижодкорлар сингари Тўйчи ҳофизни ҳам терговга чақириб ҳол-жонига қўймаётган, бугун-эрта қамаласан, деб дағдаға қилаётган кунлар экан. Қама-қамалар ўз йўли билан-у лекин Тўйчи ҳофиз жўжабирдек ота бошлиғи, шунинг учун радиода ишлашга, ҳар куни ашулалар айтишга мажбур. Ҳофиз ёшлигида мадраса таълими олиб юрган вақтларида ўрганган классик ғазалларнинг қайси бири ўша давр сиёсатдонларига ёқадию қайси бири ўзининг бошига бало тошлари бўлиб қайтиши мумкинлигини ажратиб берадиган доно одамнинг ўзи йўқ. Бир ғазалнинг ўзини биров «жуда яхши» деса, бошқа биров «калланг кетади» дейди.

Шундай кунлардан бирида радио орқали берилаётган концертда Тўйчи ҳофиз Машрабнинг:

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним маними,
Осмонни пора қилди тийри афғоним маними,

матлали машҳур ашуласини бошлайди. Бошлашга бошлайдию ундаги бир байт ёдига келиб эсини йўқотишига сал қолади. У байтда:

Ногиҳондин келди бир тош, тегди чун оғзимға — у
Мустафодек синди охир икки дандоним маними,

дейилганди. Ўз-ўзидан маълумки, бу байтда ғайридинларга қарши жиҳод чоғида Муҳаммад алайҳиссаломнинг икки тишлари шаҳид бўлганлиги ҳақида аниқ гап борарди. 1937 йилдаги вазиятда бу фикрни радио орқали жумҳуриятга ёйишнинг оқибати шундоққина қора курсига олиб боришини зийрак ҳофиз дарҳол фаҳмлайди ва ашулани ижро этиб туриб, яшин тезлигида йўл излайди. Байтни ашуладан чиқариб ташласа, ашула бузилади, бошқа бир байтни такрорлаб қўя қолса, у ҳам тушунарли бўлмайди. Шундан сўнг ҳофиз то ўша байт навбати етгунча уни ўзича «таҳрир» қилиб олади. «Таҳрир» сўзлари мусиқага халал етказмас, айни вақтда ҳофизга қадалиб турган ёвуз нигоҳларни бошқа томонга чалғитар, уларнинг «дид»ларига тўла мос келар эди. Мана «таҳрир»:

Босмачидан келди бир тош, тегди чун оғзимғау
Партизондек синди охир икки дандоним менинг.

Ашула тугагач радиодаги дикторлар ҳам, муҳаррирлар ҳам, созандалар ҳам бир балои ногаҳондан омон қолганларидан чексиз хурсанд бўлган эдилар.

Курорт ҳангомаси

Эркақори ака билан Мамаюнус кал ҳамиша бир-бирларига ҳариф эдилар. Аския бошланди дегунча Эркақори аканинг найзаси Мамаюнус аканинг «кали», Мамаюнус аканинг найзаси эса Эркақори аканинг туғма ногиронлигини нишонга оларди.

Урушдан олдинги вақтлар экану шаҳарнинг раҳбарлари бу икки аскиябозга ўшга яқин жойдаги бир дам олиш уйига йўлланма бериб, кузлик сайлгача чийралиб келишни буюришибди. Юмшоқ вагонга чипта олиб, кечаси ҳар бири ўз ётоғида ечиниб ётибди. Ярим кечагача ҳам уйқуси келмаган Мамаюнус шеригининг жиғига тегиб ухлатмаслик учун шоша-пиша уйғотибди: Туринг, қори ака, аллақачон «кўрорт»га келдик. Эркақори эса туғма кўр кўзларига икки панжасини икки томондан пана қилиб, вагон ойнасидан роса тикилиб бўлгач, «шошма-шошарлигингиз қурсин, Мамаюнус, ўтакамни ёриб юбордингиз-ку, эндигина «Шўртепа»га келибмиз-ку», дебди.

Кўзгу

Расулқори Мамадалиев ҳам Эркақори сингари туғма кўзи ожиз эди. Унинг хунукликда тенги йўқ шериги Теша қизиқ эса Қўқон яқинидаги тоғлик қишлоқлардан бўлиб, бу қишлоқ ўша вақтларда шу қадар маданий жиҳатдан орқада қолган эканки, Теша қизиқ умрида ойнага қарашига тўғри келмаган экан. Бир куни Қўқондаги бир бадавлатроқ одамнинг зиёфатини ўтказиб, хона ичига кириб қаттиқ чарчаб ухлаб қолишибди. Эрталаб ҳаммаёққа офтоб ёйилиб кетгач, биринчи бўлиб Теша қизиқ уйғониб, ҳовлидаги ариқ сувига юз-қўлини ювиб қайтиб уйга кирибдию, худонинг бир махлуқини кўриб ҳангманг бўлиб қолибди. Яқин бориб қараса, катта кўзгу қаршисида оғзи қулоғига етгудек, бурун деган нақ обдастадек, қулоқлари фил қулоғи билан беллашадиган бир тасқара турган эмиш. Худо ўзини шу қадар бадбашара қилиб яратганини, шунинг учун ҳам одамлар уни кўрганда қотиб-қотиб кулишларини ўйлаб, дунёга келганига пушаймон бўлибди. Бир оз ўзига келиб ўпкаси босилгач, Расулқорини уйғотибди. Йиғлаб-сиқтаб, ўртаниб, бўлган воқеани батафсил сўзлаб берибди.

Расулқори унга: Тешавой, шунча дунё кўрган, болачақа қилган одам бўлсангиз ҳам, ҳали ақл кирмапти. Ақли бор одамлар умуман кўзгуга қарамайдилар, мана мендан ўргансангиз бўлмайдими, депти.

Қиличнинг юраги

Расулқори Тошкентга дўст-қадрдонларининг тўй-йиғинларига тез-тез келиб турарди. Ўшанда кўпинча ихлосманд дўсти Муҳид заргарнинг хонадонига тушиб, неча кунлик анжуманлар тамом бўлгунича шу уйнинг азиз меҳмони бўлар, йиғинлардан ташқари вақтда шу ерда турар эди. Муҳит заргар ўз беназир хонанда дўстини бақадри ҳол сийлар, унинг кўнглини топишга ҳаракат қилар экан. Бир куни эрталаб нонушта чоғида аёллар тўйга, бола-чақалар бошқа юмушларга кетиб, хонада икки оғайни ёлғиз қолишибди. Муҳит заргар меҳмон олдига дастурхон тузаб, «мана бу иссиқ нон, мана бу қаймоқ, мана бу мевалар, мана бу чой, мана бу эса янги тоғ асали, тановул қилиб ўтирсинлар, қори ака, мен ҳовлида яна беш-тўрт лаҳзалик ишим бор», деб ташқари чиқибди. Айтган фурсатда уйга қайтиб кирса, Расул қори одатдагича тортинмасдан нонушта қилиб ўлтирар, бошқа ноз-неъматларга деярли қўл тегмаган бўлса ҳам, каттагина биллур идишга тўлатилган асалнинг таги кўриниб қолибди. Шунда Муҳит заргар дўстининг хонандалиги ва овозини ўйлабми ёки бир йўла кўп асал тановул этиш кишини лоҳас қилишини ўйлабми, ётиғи билан дебди: «Қори, асал тоғдан келтирилган, таги мўлкўл. Лекин ортиқча истеъмол қилинса, юракни ўртаб юборади», дейдилар. Расулқори эса бўш келмай: «асални олиб келаверинг, мен еяверай, кимнинг юрагини ўртаркан, ўшанда кўрамиз», дебди.

Созанда қассоб

Уруш янги тугаган йиллар. Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов билан Ғанижон Тошматов Муқимий номидаги театрда ҳам бирга ишлашади, турли концертлар, йиғинлар, тўйларга ҳам бирга боришади. Тошкент атрофидаги тўйлардан бирига бориб, ашулани бошлашса, шинаванда кўп, хизмат қилувчилар ундан кўп. Лекин негадир тўй эгалари бесаранжомроқ кўринар, уч-тўрт киши у ер-бу ерга бориб машварат қилишар эмиш. Ашула тугаб каравотга ўтиргач, ҳамма нарсани зимдан сезиб турган Жўрахон ака тўй эгаларидан бирини имлаб чақириб, нотинчлик сабабини сўрабди. Маълум бўлишича, ҳозир қозонга гўшти солинажак молни сўйишга айтилган қассоб келмай, ҳайрон туришган экан. Илгарилари бир неча марта мол сўйиб ўрганган Ғанижон Тошматов Жўрахон акага: тўйни Маъмуржон ака билан ижковларинг амаллаб турсанглар, оёғини ерга теккизмай сўйиб ташлардим, тўй-тўйдек бўларди, ўзларингиздан қолар гап йўқ, буёғи ҳам ёмон бўлмасди, депти. Жўрахон ака тўй эгаларига Ғанижон акани икки қўллаб тутибди. Ёз фасли эканидан у вақтларда жужун кител ва шим кийиларди. Ғанижон ака кителни каравотда қолдириб, бир эски қора халатни устидан кийиб, икки-уч ёш-яланг ёрдамида ҳўкизни ағдариб, арғамчилар билан оёқларини боғлаб, «бисмилло» деб баралла пичоқ тортиб юборишди билан, бўшроқ боғланган арғамчилар ечилиб, ер-кўкни қон қилиб, ҳўкиз ҳовлига югурганча тўй дастурхонлари орасидан қочар, қонга бўялган Ғанижон ака эса «ушланглар, ушланглар» деб бутун ҳовлини айланиб уни қувар эмиш. Аллақанча кўнгилсизликлардан сўнг кўпчилик бир амаллаб яна боғлаб, сўйишибди. Узоқ вақт ювинишига қарамай жужун шимлари қони кетмаган Ғанижон ака Жўрахон акадан қаттиқ ўпкалабди: «Қассоб керак деса, дарров қўлига тутқазиб юбордингиз, майли. Лекин ҳўкизни ушланглар деб шунча бақираман, парвойингизга олмайсиз-а».

«Тутмоқчи ҳам бўлиб турувдим, — дебди Жўрахон ака. — Аммо икковинг қон тўлғизиб қўйган икки қопга ўхшаб диринглайсанлар. Қай биринг ҳўкиз, қай биринг Ғанижон эканингни ажратолмай, доғда қолдим».

«КАПАЛАК»НИНГ ПАРВОЗИ

Бухоро вилояти, Навбаҳор районидаги Абдулла Қаҳҳор номидаги ўрта мактабда ташкил этилган «Капалак» болалар ансамблининг доврўғи қисқа вақт ичида жумҳуриятимизга ёйилди. Истеъдодли мактаб ўқувчиларидан тузилган бу ансамблнинг ўз мухлислари бор. Айниқса ансамблнинг жумҳурият телевиденеси орқали берилган махсус концертлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

— Ансамблимиз концертлари фақат мактабимиз саҳнаси билан чекланмайди, — дейди мактабнинг мусиқа ўқитувчиси ва ансамблнинг бадиий раҳбари Фазлиддин Бўронов. — Қўшни мактабларда ҳам ўз санъатимизни намойиш этамиз. Келажакда жумҳурият ва Иттифоқ конкурсларида қатнашиш ниятимиз бор.

СУРАТДА: «Капалак» болалар ансамблининг бадиий раҳбари Фазлиддин Бўронов ўқувчиларга янги қўшиқ ўргатмоқда.

ҚАЙДЛАР

«МЕНГА НЕ ЁРУ НЕ ОШИҚ ҲАВАСДУР»

НАВО

Шом чоғи... аллақаерлардан сурнай навоси қулоғимга элас-элас эшитилади. Демак, қаердадир куёв жўралар келин хонадонига кириб боришяпти. Азалдан бу пайтда, албатта, «Наво» чалинади. Шу пайт ҳар сафар фикримни бир муаммо чулғаб олади: «Шунақа дамда «Наво» ҳазрат Навоийдан олдин ҳам чалинганмикан ёки халқимиз ҳазратнинг аламдан бўйдоқ ўтганликларини ёдлаб, куёв жўралар орасида ул зоти олий руҳи поклари ҳам мавжудлигига ишорат этгувчи куй сифатида кейин одат қилганмикан?»

ИККИ ШЕР

Ҳазрат Мир Алишер Хуросонда давр-даврон суриб, турк забонида оламгир асарлар яратган замонларида Ғарбда — Италиянинг саноат ва маданий маркази бўлмиш Флоренцияда яна бир шер — Леонардо да Винчи (лотинча леон — шер) Уйғониш даврининг буюк мусаввири, санъаткори ва олими бўлиб дунёга шуҳрат таратганди. Қўйинг-чи, Леонардо мўйқаламига мансуб жувон портрети «Монна Лиза» то ҳануз олам аҳлини лол қолдириб келмоқда.

Монна Лизанинг бутун қиёфаси, кулимсираши инсон иззат-ифтихорини, одам қалбидаги энг юксак, энг нозик ҳис-туйғуларини ифодалайди. Ўша нигоҳида маъно шу қадар чуқур, шу қадар кенгки, «Монна Лиза» деган тагсўз камлик қилиб қолади. Лекин ўша аср Ҳиротда яшаган Мир Алишер ҳазратлари расм тагига муносиб сўзни, ғойибона бўлса-да, айтиб қўйгандилар. Ҳазрат аёлларни таърифлаб, уларга: «Чиқиб келаётган қуёш!» деб нисбат берган эдилар. Ана шу сўзлар ўша расмга ҳамон «узукка кўз бўлиб» тушгай, «шер панжасига шер панжаси теккай».

МАЪНИЛАР ХАЗИНАСИ

Кишининг умрида не-не ҳолатлар бўлмайди: камдан-кам комронлик кунларида, лекин кўпроқ бош ҳам бўладиган, забунлик, адолатсизлиқ дамларида ҳамиша ҳамрўз — кўнгил ҳамдами, таянчи Навоий шеъриятидир. Бундай пайтларда бошқа ҳеч нарса, ҳеч ким кўнгилни ёза олмайди. Қурч-қурч маъни: бирини ўқиб фикр қиласиз, иккинчисини ўқиб шукур қиласиз. Шу маъниларни берувчи сўз санъатидан завқланасиз, «ёқа чок этасиз». Шу даражага борадики, бу мисраларни одамзод яратганлигини кўриб туриб, кишининг ишонгиси келмайди, ғазалларга андармон бўлиб кетиб, «Девон» номини бир фурсат унутиб қўяди. Ёдга тушгач, яна ёқа ушлайсиз: айтиб қўйибдилар-ку, «хазойин ул-маоний» деб. Шундай қилиб, бу ном яна бошқатдан «кашф этилади»!

Жаҳонда ядро уруши хавфи ғоят жиддийлашган 70-йилларда, тўғрисини айтсам, одам даҳшатга тушганди (ўшанда дунёбехабар одамларни кўрсам, эласам, уларга ҳавасим келарди). Худо кўрсатмасин, уруш чиққудек бўлса, цивилизациянинг йўқолиб кетиши турган гап эди. Шунда биринчи бўлиб нима ёдимга келибди денг: Навоий. Назаримда, ер юзида инсон яратган жамики ихтиролар, ёдгорликлар, асарларни кейин тиклаш мумкин бўлар-у, аммо ҳазрат ёзган асарлардек асарларни бошқа яратиб бўлмас!

Ҳазратнинг бир байтлари мени неча-неча бор зулм, хўрликлардан сақлаб қолган:

Менга не ёру, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур!

Нақадар содда, айни замонда нақадар пурмаъни! Зеро, шу мисралар валий шоиримизнинг бутун ҳаётлари, ижодларига ҳам хотима сўз бўла олади.

Шарофиддин ТУРОБОВ

ДЎСТ АЧИТИБ ГАПИРАДИ

Ҳурматли редакция!

Ҳафталикнинг шу йил 9 август сонида ҳурматли олим Пўлат Зоҳидовнинг «Алиф — калтак эмас» номли мақоласи босилиб чиқди. Мазкур мақолада мининг «Ганчкорлик» [Т., «Ўқитувчи», 1990 й.] ва «Ўзбек халқ амалий безак санъати атамаларининг изоҳли луғати» [Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлари жумҳурият илмий-методик маркази, Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти. Т., 1990 й.] китобларимдаги камчиликлар ҳақида сўз юритилади.

Шуни олдиндан айтишим керакки, мақола муаллифи ҳар иккала китоб билан чуқур танишиб чиққан ва улардаги камчиликларни холисона кўрсатган. Бунинг учун у кишига миннатдорчилигимни билдираман.

Маълумки, бугунги кунда халқ амалий санъатига, жумладан, нақкош-ганчкорлик, ёғоч ўймакорлигига бўлган қизиқиш ёшлар орасида ортиб бормоқда. Айни вақтда ўзбек халқ амалий санъати турлари технологияси, шу соҳаларга тегишли тушунча ва терминларнинг асл мазмунини биладиган олим ва устозларимиз жуда кам қолди. Улар Маҳмуд Усмонов, Ортиқ Файзуллаев, Маҳмуд Тўраев, Зокир Боситхонов, Пўлат Зоҳидов ва бошқалардир. Ушбу соҳалар бўйича махсус адабиётларни ҳам топиш қийин. Турли рисола, мақола ва ҳужжатларда айрим иборалар, атамаларни турли маъноларда қўлланилаётганини кўриш мумкин. Бу санъат тури бўйича ҳозиргача бирорта ҳам терминлар луғати яратилмаган. Оқибатда ёшларнинг халқ амалий санъати сирларини ўрганишида маълум қийинчиликларни туғдирмоқда.

Шуларни ҳисобга олиб тузилган «Ўзбек халқ санъати амалий безак санъати атамаларининг изоҳли туғати» китоби ушбу масалани ижобий ҳал қилиш йўлидаги биринчи қадам сифатида юзага келди. Бизнинг ишимиз, эҳтимол, бу соҳада дастлабки қадам бўлгани учун ҳам, баъзи хато-камчиликлардан холи эмас. Мазкур луғатни тузишда «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да кўрсатилган адабиётлардан ташқари, кўплаб халқ усталари билан мулоқот қилиш жараёнида ёзилган маълумотлардан фойдаланилди. Бироқ афсуски, мақолада тўғри таъкидланганидек, луғатга бир қанча чалкаш тушунтиришлар, изоҳлар кириб қолган. «Ганчкорлик» китобидаги суратлар тагидаги изоҳлар эса техник хатога йўл қўйиш [бир расм ўрнига иккинчисини қўйиб юбориш] туфайли юзага келган. Бу муаллиф хатоси эмас.

Бугунги кунда изоҳли луғатнинг тўлдирилган нашри устида иш олиб борилмоқда. Ҳурматли домламиз П. Зоҳидов, шунингдек, китобхонлар билдирган фикр ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда луғат тўлдирилади, мукаммаллаштирилади.

Ўзбек санъатига бағишланган шундай китобларнинг кўплаб яратилиши маданиятимиз, санъатимиз, урф-одатимизни сақлаб ва ривожлантириб боришда ижобий роль ўйнаши шубҳасиз.

Сандахбор БУЛАТОВ,
педагогика фанлари номзоди

Акс садо

МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Ҳар гадоеким жаҳонда бир мувофиқ ёри бор,
Хизр умрию Скандар ҳашматидин ори бор.

Алишер НАВОИЙ

ҲАЗРАТ АЛИШЕР НАВОИЙ таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрида буюк шоирнинг «Садди Искандарий» асари асосида саҳналаштирилган «Искандар» спектакли премьерасининг муваффақиятли ўтиши дилимизга яхши бир ёруғлик солди. Премьерадан чиқиб, хаёлимиздан кечган дастлабки фикр шундай бўлди: то шу кунгача биз кўриб келган ва билган Навоий асарлари асосидаги спектакллардан тубдан фарқ қилувчи, шекспирона классик асарлар билан бўйлашувчи томоша бунёд бўлибди. Зора, бу навбатдаги ўзига хос асарларнинг юзага келишига туртки бўлса. Эҳтимол, бу тафаккуримиздаги тозаришнинг ибтидосидир. Хуллас, спектакль ҳақидаги фикрлар турли-туман. Айниқса, спектаклдаги етакчи роль — истеъдодли актёр Элёр Носиров талқинидаги Искандар образи ижросининг бетакрорлиги, талқинининг жозибадорлиги билан томошабин диққатини тортади. Драма руҳига мос тушган куй-қўшиқлар, режиссёрнинг нозик дид билан саралаган актёрлар ансамбли мухлисларни лоқайд қолдирмайди.

Оддий бир томошабин, театр мухлиси сифатида мен бу актёрнинг театр саҳналарида ва видеофильмларда яратган ранг-баранг образлари силсиласини анчадан бери кузатиб келаман. Аввал ижро этган образларидан фарқли ўлароқ Искандар образи Элёр Носиров ижодий фаолиятининг бир босқичи бўлиб қолиши шубҳасиз...

Спектаклдан олган бир дунё таассуротларимни баҳам кўриш учун Искандар — Элёр Носиров ҳузурига ошиқдим.

— Элёр ака, Искандардек мураккаб образни яратиш осонлик билан кечмагандир?

— Агар актёр ўзи ижро этаётган образга, у хоҳ етакчи, хоҳ кичик роль бўлсин, масъулият ҳисси билан ёндашмас экан, ҳеч қачон ҳақиқий мухлис орттирмайди. Шу маънода Искандарга тўхталадиган бўлсак, ҳақиқатан анча мураккаб образ. Навоийнинг «Ҳамса»сидаги «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари асосида илгари ҳам спектакллар саҳнага қўйилган. Уларда асосий мавзу севги-муҳаббат бўлса, «Садди Искандарий»да бунинг акси ўлароқ, ҳокиму ҳукмолик йўлида тахт учун кураш асосий ўринда туради. Шоҳ қандай бўлиши керак, фуқаро қандай бўлиши керак, деган ғоя асар мағзини белгилайди. Мен бу асарнинг бадиий қимматини алоҳида таъкидлашни истардим. Асар бундан беш аср муқаддам ёзилганлигига қарамай, ўзининг долзарблиги, мавзуи, мазмуни ва унда кўтарилган умумбашарий ғоялар мажмуи билан бугунги кунимизга, сертаҳлика замонамизнинг жиддий муаммо ва зиддиятларига тўла ҳамоҳангдир. Навоий асарларининг умрбоқийлиги ҳам шунда!

— Искандар роли айнан сизга берилишини кутганмидингиз?

— Нима десам экан, менинг омадим борми ўзи, билмадим. Режиссёримиз Баҳодир Иўлдошев шу ролни тавсия этганида, рости, бироз чўчидим. Лекин унинг менга бўлган ишончи устун келиб, репетицияни бошлаб юбордик. Спектакль яратилиши жараёнида шуни англаб етдимки, кўпчилигимиз Навоийни мутлақо билмас эканмиз. Тўғрироғи, бу буюк даҳодан анча йироқлашиб кетибмиз. Биз шу маҳалгача рус ва Ғарб классикларини ўқиб юраверибмизу, Навоий асарларининг бадиий қиммати, унинг маънавий-руҳий олами нақадар буюклигини идрок этишни, бу асарларнинг саҳна талқини тадоригига киришиш лозимлигини ўйламабмиз. Узоққа бормайлик, мана шу «Садди Искандарий» мазмун кучига, ғоявий маҳобатига кўра «Ҳамлет» сингари буюк асарлардан қолишмайди. Асар мураккаб, кенг қамровли бўлишига қарамай, ижодий коллективимиз тинимсиз, ҳалол меҳнати билан томошабин қалбига йўл топишга ҳаракат қилдик. Очиғи, ўзим ҳам ўн бир йил мобайнида йиққан маънавий-руҳий «бисотим»ни Искандарни яратиш жараёнида тўкиб солдим десам муболаға бўлмас. Хуллас, ушбу образ орқали ҳаёт ва ижод йўлимни маънавият кўзгусига солиб кўрдим. Ва бу мен учун юксак мактаб вазифасини ўтади.

— Актёрлигингиздан норози пайтларингиз бўлганми?

— Йўқ.

Қисқагина «йўқ» жавобидан қаноатланмай, ҳамсуҳбатимнинг таржиман ҳоли билан қизиқдим.

— Мен фалон йили санъатга кириб келдим, демайман. Асли санъаткор оиласиданман. Таржиман ҳолим бошқаларникидан фарқ қилмайди. 1970 йили ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент театр ва рассомлик санъати (ҳозирги Санъат) институтининг актёрлик факультетига ўқишга кирдим. Омон Абдураззоқов каби устозлар қўлида таҳсил олиб, 1974 йили йўлланма билан Ҳамза номидаги театрда ижодий фаолиятимни бошладим. Ф. Шиллернинг «Қароқчилар» фожиасидаги Шуфтерле образи илк ижро этган ролим ҳисобланади. Сал вақт ўтиб, армия сафига чақирилдим. 1975 йили ҳарбий хизматдан қайтиб келиб, Н. Мирошниченконинг «Қалби олов» драмасида бош роль — Андрей Колобов ролини ижро этдим. М. Бойжиевнинг «Баҳс» асаридаги Азиз образини телевиденеда яратдим. Б. Васильевнинг «Рўйхатларда йўқ...» спектаклидаги лейтенант Плужников роли ҳам севимли образларимдан ҳисобланади. Мазкур спектаклни Москва яқинидаги Зелиноградда гастроль сафарида намойиш қилганимизда анчагина шов-шувга сабаб бўлди. Тилимиз бошқа-бошқа бўлса ҳам, улар юксак эътибор билан томоша қилиб, бизни кўзларида ёш билан олқишладилар. Ва ниҳоят, орадан анчагина фурсат ўтиб, мен учун ғоят раёзатли ва мураккаб ижодий изланишлар жараёни бўлмиш Искандар образи устидаги бедор кунлар бошланди. Энди мен ижро этган бу образ савия ва салмоғини белгилаш зукко, талабчан томошабин ҳукмига ҳавола...

— Энди театр ҳаётидан сал чекинамиз... Ҳозирги нарх-наво кўтарилган, халқимиз иқтисодий тангликни бошдан кечираётган бугунги кунга муносабатингиз?

— Ҳа, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳаммамиз қандайдир шошқалоқ, шахсиятпараст, ҳатто маълум маънода «очкўз» бўлиб қолдик, меҳру муҳаббат деган тушунчалар аввалги қимматини йўқотди чамамда. Эсласангиз, Искандарнинг «Юртда одил шоҳ бўлмас экан, одамларнинг муносабати бир-бирига адоват бўлиб қолади», деган гапи бор. Мана шу таъкид биз яшаб турган худди шу кунлар учун айтилгандай, назаримда. Қисқаси элимиз «шоҳ»ларига худо инсоф берсин, акс ҳолда актёрнинг 170 сўм маош билан рўзғор тебратишини тасаввур қилинг...

— Ўрни келиб қолди, ойлангиз хусусида ҳам икки оғиз...

— Рафиқам врач, икки ўғлимиз бор. Оиламдан нолимайман. Буни 17 йил бадалида бирон марта ишга кечикмаганлигимдан билишингиз мумкин. Бўш қолдим дегунча, ҳовлидаги экин-тикин ишлари билан шуғулланаман.

— Орзуларингиз?

— Орзуларим бисёр. Фақат биттасини айтай: одамлар, замондошларимиз учун маънавий-руҳий озиқ энг асосий омилга айланишию томоша залларимиз мухлислар билан бисёр бўлишини, репертуарларимиздан мазмунан пойдор, ғоявий бақувват, узоқ фурсат томошабинлар корига ярайдиган, яшовчан асарлар жой олишини орзу қиламан...

Суҳбатимиз анчагача давом этди. Санъатимизнинг буюк дарғалари изидан бориб, ҳаётда ўз йўли, услубига эга бўлиш учун тинимсиз изланаётган бу камтарин инсон, бурчига, касбига содиқ санъаткор билан хайрлашар эканмиз, унинг келгусидаги беором, бедор изланишлари маҳсули билан маҳорати ва лаёқатининг жозиб кучи устиворлигини қайта-қайта намойиш этишига ишонч билдирдик. Зеро, ўзининг ёрқин образлари билан томошабинлар қалбидан жой олаётган Элёрга эл дуоси ёр бўлса ажабмас...

Суҳбатдош:
Саодат ШОКИРОВА

1992 ЙИЛ НАШРЛАРИ

«НАФОСАТ» ГУЛЛАРИ

«Санъат» ойномаси 1992 йил январь ойидан бошлаб Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги нашри сифатида «Нафосат» номи билан чиқа бошлайди. Ойноманинг Маданият вазирлиги тасарруфига ўтиши билан унинг вазифалари ҳамда чоп этиладиган мақолаларнинг мазмуни, кўлами кенгайди. Инсон маънавий дунёсининг бепоён уфқларини қамраб олувчи маданият муаммолари ойнома йўналиши ва мақсадини ўзгартиришни талаб этади.

Маданиятнинг барча соҳалари том маънода нафосат гулшанидир. Шу маънода «Нафосат» номи бизга катта масъулиятлар юклайди. Аввало, миллий замонавий қадриятларимизни, бой маданий меросимизни халққа етказиб беришимиз лозим. Ҳали ҳеч кимга таниш бўлмаган, маънавий мулкимизга айланмаган маданий меросимизнинг очилмаган саҳифалари кўп.

Китобга муҳаббат, ёзма каломга эҳтиром билан яшаган халқимиз орасида охирги пайтларда ўқиш ва мутолаага иштиёқ сўна бошлаган пайтда кутубхоналарнинг ижтимоий-тарихий ва эстетик-ахлоқий аҳамияти хусусида баҳс юритиш миллий маънавий юксалишнинг зарур мезонидир. Қўлёзма, девонлар ва рисолалар тарихи, тақдири ва аҳамияти «Нафосат» ойномасининг янги рукнларини ташкил этади.

Жамият қандай оғир кунларга дуч келмасин, одамзод ёруғ кунлар орзуси, эртанги ниятлар билан яшайди. Дунёда ҳаётга бўлган чанқоқлик туйғусидан кучли ҳиссиёт бўлмайди. Шу боисдан бўлса керак, ташвишли паллаларда ҳам одамни яшаш завқи, нафосатга илҳақлик тарк этмайди. Шукрлар бўлсинким, ҳали инсонийлик ва олийжаноблик, нафосат ва одоб, виждон ва имон, санъат ва гўзаллик, маданият ва қадрият каби тушунчалар маънавиятимизни белгиловчи асосий мезон бўлиб турибди.

Қишлоқ ва туманларимиздаги маданий ҳаёт нақадар аянчли аҳволда эканлиги, одамларимизнинг нафосат туйғуларига мос келадиган маънавий озуқ етарли берилмаётгани бизни ташвишга солади. Бинобарин, маданият саройлари, клуб ва истироҳат боғларидаги маънавий ҳаёт, умуман жумҳуриятимиздаги маданий-маърифий ишларнинг аҳволи ҳам жуда муҳим масаладир. Агар биз кўпчилик халқ оммаси қатнайдиган, иштирок этадиган ва баҳраманд бўладиган маданият масканларини нафосат даражасига кўтармасак, маданият саройлари ва кутубхоналардаги, дала шийпони ва одамлар ҳордиқ чиқарадиган жойлардаги эстетик муҳитни ўзгартирмасак, халқ талантлари ва ҳунармандчилиги истиқболи ҳақида ўйламасак, жумҳуриятимизда маданият тараққиёти дадил бораяпти, деб айта олмаймиз.

Санъат ва маданият ўрта ҳамда олий ўқув юртларидаги аҳвол қандай? Санъат ва маданиятимизнинг истиқболини белгиловчи ёшларни тарбиялаш, уларни жойига қўйиш ва ғамхўрлик кўрсатиш қай аҳволда? Талаба, ёшларнинг маънавияти ва маданияти ҳақидаги баҳс ва мунозаралар ойнома мундарижасини белгилашда катта аҳамият касб этади.

Санъат — нафосатнинг алоҳида мақсад қилиб олинган юксак чўққиси ҳисобланади. Бинобарин, жумҳуриятимиз санъатининг барча тур ва соҳалари бўйича мақолалар бериб бориш, санъаткорларимиз ҳаёти ва ижодини ёритиш, санъат оламидаги ғоявий-бадиий йўналишлар, анъаналар, услуб ва мактаблар хусусида маълумот бериш ойнома саҳифаларида муносиб ўрин тутади.

Ойнома саҳифаларида инсон гўзаллиги ва ахлоқи билан боғлиқ бўлган оилавий нафосат, миллий турмуш тарзимиздаги гўзалликлар ҳамда безавол ва боқий миллий анъаналаримиз, эстетик-бадиий тарбияга доир мақолалар бериб борилади.

Хуллас, муштарийларга 1992 йилда «Нафосат»нинг ранг-баранг гулларини, маданиятимизнинг барча соҳаларига доир маънавий қадриятларни ҳадя этмоқчимиз.

Муштарийлардан узримизни ҳам яширмаймиз. Турли сабабларга кўра, 1992 йил обуна рўйхатига киритилган «Санъат» ойномасининг обуна нархи кўрсатилмаган. «Санъат» ойномасига обуна бўлганлар янги йилдан «Нафосат» ойномасини оладилар. «Союзпечать» бўлимларига қўшимча маълумотлар юборилди. «Нафосат» ойномасининг бир ойлик нархи 1 сўм 30 тийин, бир йилга — 15 сўм 60 тийин, чакана нархи 1 сўм 50 тийин. Индекс ўзгармаган — 75324.

Ўз вақтида обуна бўлсангиз, хонадонингизни «Нафосат» нури билан чароғон этган бўласиз.

Тилаб МАҲМУДОВ,
«Нафосат» журналининг бош муҳаррири

27 АВГУСТ—СОВЕТ КИНОСИ КУНИ

«ГИРЯ»НИ СЕВГАН КИШИ

Яқинда «Ўзбектелефильм» киностудиясида «У «Гиря»-ни севарди» ва «Ёр-ёр шайдоси» деб номланган ҳужжатли фильмларни тасвирга олиш ишлари тугалланди. Шу муносабат билан мухбиримиз Б. НОРБОЕВ ҳар иккала фильм сценарийси муаллифи, филология фанлари доктори Ҳамидулла АКБАРОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди:

— Ҳамидулла ака, газетхонларимиз сизни ўнга яқин илмий тадқиқот рисолалар муаллифи, бир қанча телекўрсатувларни олиб борувчи мунаққид сифатида яхши танийдилар. Лекин баъзан кино ва телепублицистикадаги ижодий фаолиятингиздан ҳам воқиф бўлиб қоламиз. Бунинг сабаблари бордир, албатта.

— Иш фаолиятим асосан кино ҳамда телевидение назарияси тарихи бўлса-да, айрим ҳолларда шундай мавзулар ярқ этиб кўзга ташланиб қолади. Шулар асосида сценарий ёзгинг, жамоатчилик эътиборини қизиқарли ва ҳал этилмаган баъзи масалаларга қаратгинг келади. Чунончи, «Қалдирғоч», «Тошкент кино анжумани», «Наби Ғаниев», «Муқаддима», яқиндагина сувратга олинган «У «Гиря»ни севарди» ва «Ёр-ёр» шайдоси» каби ҳужжатли экран асарларининг имкониятлари бирмунча кенг бўлиб, уларда Сталин қатағонига учраган Худойберган Девонов фожиасини, шунингдек, довруғи оламга таралган Тошкентдаги халқаро учрашувнинг олий мақсадини, учинчисида кинематографиямиз асосчиси истеъдодининг қирраларини очишга ҳаракат қилдик. Кейинги уч фильм эса ўлкамизга келиб, ўзбек маданиятига меҳр қўйиб, уни ардоқлаб ўрганган ҳамда унинг ривожига салмоқли ҳисса қўшган ригалик С. Эйзенштейн, калугалик В. Успенский, ҳамда Пушино (илгариги Царское село)да таваллуд топган, лекин Ўзбекистонда яшаб илмий-ижодий иш олиб борган Е. Романовская каби санъаткорлар ҳақида ҳикоя қилади. Режиссёрлар Жаҳонгир Қосимов ва Шуҳрат Хўжаев фикримизни тўғри тушунганлари, ўз билим ва маҳоратларини аямасдан, янгича талқин этишга интилганлари ҳам ушбу асарларнинг бир қадар муваффақиятини таъминлаган.

— Илмий ва ижодий ишни бир вақтда олиб боришнинг ўзига хос қийинчиликлари ва фойдали томонлари бўлса керак. Икки янги асарингиз мисолида шу ҳақда сўзлаб берсангиз.

— Аслида, бизнинг соҳамизда илмий асарларнинг қиммати уларнинг бадиийлиги билан ҳам ўлчаниши лозим. Шу ўринда бир мисол келтириш жоиз. «Бобурнома»ни олинг. Уни ўқиб давр, тарихий воқеалар, шахслар ҳақида теран маълумот оламиз. Шу билан бирга, бу асарни мемуар прозанинг етук намунаси деб аташ мумкин. Худди шу каби бора-бора илмий асарлар бадиий китоблардек қизиқарли шаклда ёзилса, адабиёт, кино ёки телевидение асарлари сюжет билангина эмас, илмий асослари билан ҳам қизиқиш уйғотса ажаб эмас.

Сиз сўраётган фильмларга келсак, ҳозир миллатлараро муносабатлар кескинлашиб бораётган бир даврда Виктор Успенский ва Елена Романовскаянинг ҳаёти, ибратли фаолиятини экранда кўрсатишга катта эҳтиёж сездик. Иш жараёни енгил кўчмади. Бу йирик маданият арбобларининг шогирдлари мусиқашунос, профессор Илёс Акбаров, бастакор Хария Муҳамедова билан матбуотни ўргандик. 50—60 йил муқаддам магнит ленталарига ёзиб олинган мақомни, ўзбек аёлларининг қўшиқларини қайта-қайта тинглаб, айрим хулосаларга келдик ва сценарий ёзишга аҳд қилдик. Буни қай даражада уддаладик, бу ҳақда томошабинлар фикр юритгани маъқул. Айтишларича, Елена Романовская — рус аёли ҳамиша «Ёр-ёр»имизни хиргойи қилиб юраркан, Виктор Успенский эса ўзбек куйларини шунчалик севиб қолган эканки, «Бу дунёдан кўз юмган қуним «Найларам» ва «Гиря»нинг тенги йўқ садолари остида мени дафн этинг», деб васият қилган, унинг миннатдор шогирдлари бу истакни адо этишган. Биласизми, яна бир томони шундаки, жумҳуриятимизга таклиф этилган ёки ўзларича келган кўпгина санъаткорлар фақат пул ишлашни кўзлаб, заиф сценарийларни фильмларга айлантирган, ролларни палапартиш ўйнаган ҳоллари маълум бўлгани учун юқорида номлари зикр этилган арбоблар ҳақида ҳикоя қилиш зарур эди.

— Бу соҳадаги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз...

— Илмий ишни давом эттириш, хусусан телевидение, унинг режиссураси билан боғлиқ мавзуларни ёритиш ниятим бор. Кичик танаффусдан кейин кинопублицистикага яна мурожаат этмоқчиман. Олайлик, айрим санъаткорларимизнинг қўшиқларини севиб тинглаймиз-у, бироқ уларнинг ҳаёти, ижодий устахонаси билан таниш эмасмиз. Хуллас, шундай санъаткорларни телелетомошабинлар билан яқиндан таништириш, улар ҳақида экран асарлари яратиш нияти ҳам йўқ эмас.

— Ниятингиз рўёбга чиқсин.

«ЮЛДУЗ» ЙЎЛИ

Умумиинсоний қадриятлар устиворлиги, яқин қўшничилик муносабатлари жумҳуриятимиз ва ёндош Афғонистон халқлари, жумладан, афғонистонлик ўзбеклар ўртасидаги алоқаларга кенг йўл очмоқда. Жумҳуриятимизга «Ватан» дўстлик жамияти орқали келган афғонистонлик меҳмонлар — ўзбек тилида чиқаётган «Юлдуз» жаридаси бош муҳаррири Абдулла Рўйин, масъул котиб Мустафоқул Жўра ўғли ўтган жума куни ҳафталигимизга ташриф буюришди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг бош муҳаррири ўринбосари Иброҳим Ғафуров ҳафталикнинг мақсади ва вазифалари, унинг ижтимоий ҳамда маданий ҳаётимизда тутган ўрни, келгуси режалар хусусида гапирди.

«Юлдуз» жаридасининг бош муҳаррири Абдулла Рўйин ўз навбатида жарида афғонистонлик ўзбеклар маънавий ҳаётини бойитишда муҳим омил бўлаётгани, тарих ва бугунги кунни ўрганишга самарали таъсир кўрсатаётганлигини сўзлаб берди.

Жарида саккиз йилдан буён аввалига Кобулда, эндиликда Мозори Шарифда 5 минг нусхада чоп этилаётир. Жаридада Ўзбекистон ҳаёти билан боғлиқ мақолалар, ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарларидан намуналар ҳам чоп этилмоқда. Улуғ бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига айниқса кенг ўрин бериляпти.

Абдулла Рўйин Балхда ўзи раҳбарлигида Навоий ўчоғи анжумани тузилганини, анжуман келажакда афғонистонлик ўзбекларнинг маданий маркази бўлиб қолажагини айтди.

Суҳбат жараёнида ҳар икки томон халқларини янада яқинлаштиришда ҳафталик ва жарида ўртасидаги ўзаро алоқа ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди, бундан буён ўзаро материаллар айирбошлашга келишилди.

Суҳбатда «Ойдин» рўзномасининг бош муҳаррири Миад Ҳакимов қатнашди.

Суратда: Миад Ҳакимов, Абдулла Рўйин ва Мустафоқул Жўра ўғли.

МОСКВАДА «ВАТАНДОШ»

Россия Адлия вазирлиги ташаббускор гуруҳ томонидан тузилган «Ватандош» минтақаларо ўзбек ҳамюртлик уюшмасини рўйхатга олди. Уюшма президенти Усмон Баротов «Ватандош» мақсади ва вазифалари ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— «Ватандош» ўзбек уюшмаси ўз олдига Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида яшаётган ҳамюртларимизни маънавий жиҳатдан бирлаштириб, халқимиз маданияти, урф-одатлари, миллий анъаналари, тили ва ёзувини тиклаш, сақлаш ҳамда ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида яшаётган ватандошларимиз ўртасида ўзаро алоқа ўрнатиш ниятидамиз.

Маълумки, ташқарида яшаётган ўзбеклар ҳамма жойда ҳам ўз мактабларига эга эмас. Шундай жойларда ўзбек тилига ўқитишнинг якшанба мактаби каби ва бошқа турларидан фойдаланишни йўлга қўймоқчимиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ уюшмамизда ўзбек тили, ёзуви ва маданиятини ўрганиш бўйича бепул якшанба мактаби иш бошлади.

Мақсад ва вазифаларимиз фақат шулар билангина чекланмайди, албатта. «Ватандош» ҳамюртларимизга барча соҳаларда қўлдан келганча ёрдам кўрсатади, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади, миллий камситилиш ҳолларига йўл қўймайди, улар қайси ҳудудда яшамасинлар, маҳаллий аҳоли билан тенг ҳуқуқли бўлишлари учун ҳаракат қилади, шунингдек ўзбеклар ва бошқа миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатлари қарор топишига кўмаклашади.

«Ватандош» ўзбек ҳамюртлик уюшмаси қуйидаги манзилда жойлашган: 121825, Москва шаҳри, Воровский кўчаси, 52-уй, 2-хона. Телефонлар: 290-43-17, 238-06-30.

Ҳамюртлик уюшмаси фаолияти учун маблағ ажратишни истаган ташкилот, корхона ва фуқаролар қуйидаги манзилга пул ўтказишлари мумкин: **Москва индустрия банки Москворецк филиалининг ҳисоб-китоб рақами 1609423, филиал номери 201133.**

Банк коди 9201137.

Банк манзили: индекс 113184 Москва шаҳри, Пятницкая кўчаси, 72-уй.

УЧ ВИЛОЯТ ЁЗУВЧИЛАРИ АНЖУМАНИ

Шу йил 16 август куни Фарғона вилоятининг маорифчилар дам олиш уйида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоят адибларининг қўшма анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бошқарувининг биринчи котиби Одил Ёқубов жумҳурият ёзувчилари Х съездига тайёргарлик масалалари, шунингдек, ҳозирги бозор иқтисодига ўтиш даври билан боғлиқ иқтисодий қийинчиликлар, ёзувчиларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, китоб нашр қилиш ишларига боғлиқ мураккабликлар ва бу мураккабликларни енгиб ўтиш чоралари ҳақида ахборот берди.

Йиғилишда сўзга чиққан ёзувчи ва шоирлар Фарид Усмон, Абдулла Жалил, Ҳабиба Абдуҳакимова, Олимжон Холдор, Раҳбарой Файзибоева, Руқия Ғозиева, Ойдин Темирова, Қамчибек Кенжа, Йўлдош Сулаймон, Эргаш Ёндош ва бошқалар бўлғуси съездни қандай ўтказиш, ҳозирги раҳбариятнинг фаолияти ва бошқа муҳим масалалар тўғрисида ўз истак ва таклифларини изҳор этдилар.

Мажлис қатнашчилари, айниқса, китоб нашр этиш борасидаги қийинчиликлар ҳақида вилоят ёзувчиларига кўпроқ эътибор бериш ва бошқа қатор муаммоларни кўтариб чиқдилар.

Анжуман ишида Ўзбекистон халқ ёзувчилари Иброҳим Раҳим, Рамз Бобожон ва Ҳамид Ғулом иштирок этишди.

●

16 август куни Қува район маданият саройида ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг 75 йиллиги муносабати билан ўз ҳамшаҳарлари — Қува меҳнаткашлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Қува меҳнат аҳли ўз ёзувчилари Иброҳим Раҳимни қутлуғ ёши билан қизғин табрикладилар.

Бундай учрашувлар Фарғона тумани адабиёт ўқитувчилари ва бошқа кўплаб хўжалик меҳнаткашлари билан ҳам бўлиб ўтди.

БУЮК МУТАФАККИРГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Термиз давлат педагогика институтида бобокалон шоиримиз Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган тантаналар ҳамда илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирнинг бадиий қисми Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри биносида бошланди. Институт ректори ЎзФА мухбир-аъзоси, Ўзбекистон халқ депутати Н. Й. Тўраев анжуманни кириш сўзи билан очди. Вилоят фирқа қўмитаси котиби М. Абдуллаев шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди. Шоирлар Ш. Раҳматуллаев, Н. Сўфизода ўзларининг шеърларидан, шоир ғазалларига боғлаган муҳаммасларидан ўқиб беришди. Шундан сўнг институт талабалари Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» спектаклини намойиш қилишди.

Эртаси куни институт ўқувхоналарида шўъбалар ўз ишларини бошлашди. Шоир тафаккур оламининг турли томонларини ёритган тилшунослик, адабиётшунослик, тарих, фалсафа, педагогика шўъбаларида илмий маърузалар тингланди.

«Алишер Навоий ўз ижоди билан мангу нур сочиб турувчи чақмоқ каби чақиб ўтди. У ўзининг бебаҳо хизматларидан:

Турк назмида чу тортиб мен алам,
Айладим ул мамлакатни яккалам

дея ҳақли равишда фахрланди. Авлодлар эса у ҳақда: «...туркийда андоқ ашъор айтибдурким, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтгон эмас» деб эслаб юрадиган бўлишди», дейди биз билан суҳбатда ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, филология фанлари номзоди, доцент Ҳолмирза Ҳолиёров.

Анжуманда вилоят туманларидан ўқитувчилар ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Б. МЕНГЛИЕВ

СЎЗ—ХАЗИНА

КАМПИРНИНГ КЎНГЛИ ҒЎЗАДА!

Индамасак, нотўғри айтилган бир фикр ҳазил-ҳазил билан ҳақ бўлиб ўзлашиб кетадигандай.

Бир олим «Кампирнинг дарди ғўзада» деган нақлда «ғўзада» сўзи асли «ғозада» бўлиши керак деб чиқди. Нақлни бундай тескари талқин этиш, менимча, тарихни чуқур билмаслик натижаси бўлса керак.

Илгари бизнинг қадим Туркистонда ҳозиргидек оппоқ очиладиган пахта эмас, ғўза экилган. Ҳозирги очиладиган пахтанинг чигити эса асримизнинг биринчи чорагида Америкадан келтириб экилган. Деҳқонлар уни «камиркон пахта» дейишарди. Ҳатто 20-йилларда бу экиннинг икки тури ҳам бўлган. Биров пахта экса, биров ўзи ўрганган ўша ғўзасидан қолмаган.

Ғўза деганимиз кўсаги очилмай, ичидаги пахтаси «кўз ёрган»ча мўралаб қолаверган. Деҳқон бу ғўзанинг кўсагини тариб келиб уйига ғарамлаган, сўнгра кўсакни чувиб пахтасини олган. Бу иш оилада асосан кексалар — кампирлар зиммасига тушган. Келинчак бола боқади, сигир бузоққа қарайди, ош-овқат қилади, кампирнинг вазифаси эса бир амаллаб ўша кўсаклар ичидаги пахтани олиш бўлган. Бирон яқин-ёвуғи келиб ёки қўни-қўшни чиқиб қолса ҳам ўртага бир сават-икки сават кўсак қўйиб, уни кўплашиб чуватиб олиш одат бўлган. Шундай қилиб, эртаю кеч «кампирнинг дарди ғўзада» бўлган.

«Томга бир сават ғўза ёйиб қўйсам — эрталаб қарасам, биттаям қолмабди» деган топишмоқда ҳам жон бор. Тўлиқ очилмаган кўсак юлдузга ўхшатилган.

Ғозани хон саройларидаги, бой хонадонлардаги келинчаклар, дўндиқ жувонлар, борингки, сатанг хотинлар сурган бўлиши мумкин.

Кампирлар эса юзига ғоза суриш у ёқда турсин, очиқроқ тусдаги кўйлак кийишни ҳам ор деб билганлар. Ҳамон кекса аёлларимиз одми кўйлак кийишади.

Бир қарияни биламан: ёшлигида атлас кўйлакка етолмаган, қариганч ўғил-қизлари етишиб имкони бўлса-да, атлас кийишни ўзига муносиб кўрмайди. Шундай экан, ғозага бало борми?!

Ҳамзадек, Қодирийдек араб, форс тилларини «сув қилиб ичиб юборган» зотлар ғўза билан ғозанинг фарқига бормаган бўлиб чиқадими? Асло ундай эмас. Улар нима дейилганини яхши билганликларидан ташқари, ғўза кўз ўнгларида экилиб турган ва кимнинг дарди нимада эканлигини яхши билиб «Кампирнинг дарди ғўзада» деб ёзишган.

Уч-тўрт ой аввал бир газета ходими ўша олимнинг даъвосига лаққа учиб Қодирийнинг 20-йилларда ёзган бир фелъетонидаги «ғўза»ни «ғоза» деб тузатиб чиқарса бўладими!

Яна бир мақолада бошқа бир муаллиф энди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га човут соляптики, нега «ғоза»ни «ғўза» қилиб ёзган деб.

Шундай, тарихий матал, нақлларга минг мулоҳаза билан эҳтиёт бўлиб муносабатда бўлсак, қош қўяман деб кўз чиқармаймиз.

Ш. ТУРОБОВ

1925 йилда Москвада шахмат бўйича биринчи маротаба халқаро турнир бўлиб ўтди. Турнирда ўша йиллари жаҳонга номи кетган икки йирик забардаст шахматчи — Хосе Рауль Капабланка (1888 — 1942), Эмануил Ласкер (1868 — 1941) ҳам қатнашадилар. Халқаро турнир тугагач, Капабланка Ленинград ўқувчиларига 30 та тахтада сеанс ўтказади. Ана шу ўқувчилар орасида 14 ёшли Михаил Ботвинник ҳам бор эди. Сеансда Ботвинник Капабланкани ютди. Кейинчалик у Ленинград шаҳрининг шахмат бўйича чемпиони бўлди. 1930 йилдан бошлаб Михаил Ботвинник кучлилар қаторида ўйнай бошлади. У Г. Левенфиш, Л. Романовский, А. Ильин-Женевский каби забардаст шахматчилар билан дона суришди.

ШАХМАТ САНЪАТКОРИ

1935 йилда Москвада II халқаро шахмат турнири бўлиб ўтди. Мусобақада жаҳон чемпиони Макс Эйве, жаҳон экс чемпионлари Алёхин, Капабланка, Ласкер ва машҳур шахматчи Соло Флорлар ҳам қатнашадилар. Бу халқаро турнир Ботвинникка катта шуҳрат келтирди. У Флор билан биргаликда биринчи ўринни эгаллади. Мусобақа тугагач, Ботвинникка «СССР гроссмейстери» унвони берилди. Бу унвонни М. Ботвинник Совет Иттифоқида шахматчилар орасида биринчи бўлиб олишга сазовор бўлди. Унинг номи энди бутун дунёга танилди. Айниқса 1936 йил Ноттингем (Англия) шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда Ботвинник шуҳрат қозонди. Жаҳон чемпиони Макс Эйве, жаҳон экс-чемпионлари Александр Алёхин, Капабланка, Ласкер қатнашган бу йирик мусобақада Ботвинник Капабланка билан 1—2 ўринларни бўлишиб олди. Бу билан 25 ёшли Ботвинник СССРдаги энг зўр шахматчи эканлигини исботлади. Англия шахмат мутахассислари ёш Ботвинникка катта баҳо беришди. Рўзномаларда Ботвинник бўлғувчи жаҳон чемпиони деб ёзишди.

Ботвинник 1939 йилда СССР чемпионатида қатнашади ва биринчи ўринни эгаллайди. Кейинги икки йилда ҳам чемпионликни ўз қўлида сақлаб қолади. Михаил Моисеевич Ботвинник 1938 йилда техника фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1950 йилда эса техника фанлари доктори унвонини олади. У илмий иш билан бирга шахматга ҳам вақт топиб унинг дебют назариясига бир неча янгиликлар киритади. Шахмат программаси учун ЭҲМ машинасини кашф этади.

1941 йилда Ботвинник олтита моҳир гроссмейстер устидан ғолиб келиб шахмат тожи учун биринчи даъвогар бўлиб чиқди. Энди у жаҳон чемпиони Александр Алёхин билан шахмат тожини қўлга киритиш учун курашиши керак эди. Бу икки забардаст шахматчилар ўйинини 1946 йилда ўтказиш режалаштирилганди, аммо Алёхин тўсатдан вафот этади. Энди нима қилиш керак? Жаҳон чемпиони қайси йўл билан аниқланиши лозим?

Жаҳон шахмат федерациясининг қарорига биноан дунёнинг энг кучли олтита шахматчиси В. Смислов, П. Керес, С. Решевский, М. Эйве, Р. Файн, М. Ботвинник ўртасида турнир ўтказиладиган бўлди. Аммо Файн ФИДЕга мактуб йўллаб турнирда қатнашишдан бош тортди. Мусобақа қолган беш киши иштирокида ўтадиган бўлди. Шартга кўра улар тўрт маротаба бир-бирлари билан куч синашдилар. Михаил Ботвинник бу матч турнирда 20 имкониятдан 14 очко тўплаб, жаҳоннинг олтинчи чемпиони бўлди.

Михаил Ботвинник планетада энг кучли шахматчи деб тан олинди. 1950—60 йиллар орасида совет мамлакатида кўплаб забардаст шахматчилар етишиб чиқди.

1951 йил Михаил Ботвинник Давид Бронштейн билан учрашиб ўз унвонини сақлаб қолди. 1954 йилда шахмат тожига даъвогар Василий Смислов билан учрашиб уни ютди. 1957 йилда эса Смисловга ютқазиб қўйди ва бир йилдан сўнг унвонини қайтариб олишга муваффақ бўлди. Ботвинник 1960 йилда Тальга матчни ютқазиб қўйди. Аммо 1961 йилда «матч-реванш» ўйнаб яна ғолиб чиқди. Фақат Тигран Петросян 1963 йилда Ботвинникни ютиб то 1969 йилгача чемпионликни ўз қўлида сақлаб турди. Ботвинник 1963 йилдан то 1970 йилларгача шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирларда иштирок этиб турса-да, жаҳон чемпионлигига матч-турнирларда қатнашмади. Сабаби ўзининг илмий ишлари ва шахмат ҳақида бадиий асарлар ёзиш, китоблар чиқариш, ёш истеъдодли, малакали шахматчилар тайёрлаш билан банд бўлди. 1963 йилда Москвада очилган ва унинг номига қўйилган «Ботвинник шахмат мактаби»га раҳбарлик қилди. Ҳозирги кунда дунёда ном қозонган икки буюк шахматчилар Гарри Каспаров ва Анатолий Карпов Ботвинник мактабида сабоқ олишган. Улар ўз устозларини дунёдаги энг буюк шахматчилардан бири деб аташади. Ботвинник билан учрашиб маслаҳат олиб туришади.

Михаил Ботвинник «Шахмат ҳам санъатми?» мақоласи билан кўпдан-кўп баҳсларга аниқлик киритди. Мақолада Ботвинник шахматнинг санъат эканлигини таъкидлаб, қуйидагиларни ёзади: «Шахмат партияси реал нарсани тасвирлайди, яъни у инсон тафаккурининг ижодий-мантиқий томонларини кўрсатиб беради. Эстетик таъсир кучини, шунингдек, ер шарида кенг тарқалганлигини ҳисобга олиб шахматни санъат деб ҳисобласак ҳам хатога йўл қўймаган бўламиз. Ҳа, бизнинг кунлардаги шахмат, тўғрироғи, бир жиҳатдан ҳам ўйин, ҳам санъат бўлиб қолмоқда».

Ҳар бир жаҳон чемпиони шахмат оламига ўз йўли билан кириб келади. Шундай ўз йўлига эга шахматчи М. Чигорин, А. Алёхин каби машҳур гроссмейстерлар ишининг давомчиси Михаил Ботвинник 75 ёшга тўлди. Минглаб шахмат мухлислари номидан уни қутлаймиз.

Анвар ИНОҚОВ,
шахмат бўйича СССР спорт мастерлигига номзод

Шахмат ҳам иждодир.
СУРАТДА: адиблар Худойберди Тўхтабоев ва Хуршид Дўстмуҳаммад

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бошқарувининг ҳайъати ва жумҳурият Адабиёт жамғармаси жамоаси шоир Сайёрга отаси

Иноятулла ФАЙЗУЛЛА ўғли

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ҚИЗИЛ МАХСИЛИК БЎРИ

1911 йилда чоп этилган «Насойиҳ ул-атфол» («Болаларга насиҳатлар») мажмуасининг ички муқовасида шундай сўзларни ўқиймиз:

«Одоб ва насиҳат ва ҳикмат ва ҳар турлук ибратлик ҳикояларга мустамал «Насойиҳ ул-атфол» исмли мажмуадир. Биринчи синф мактаб шогирдлари учун Туркистон она тилинда сабий болалар фаҳмиға мувофиқ осон ибора ила тартиб берилмиш ахлоқ рисоласининг биринчи жузидир...

Мураттиб: мулло Аҳмадҳўжа эшон ибни Абдулмўъминҳўжа эшон».

Китобча 28 бетдан иборат бўлиб, ўғил ва қиз болаларнинг одоб-ахлоқи қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўгитлар ҳамда ибратли ҳикоят, қизиқ латифалардан тузилган. Қуйида улардан намуналар бераяпмиз. Ўйлаймизки, бу намуналар ўқувчига асримиз бошларидаги адабий тилимиз ҳақида ҳам тасаввур беради.

ЛАТИФА

Бир гадо бир уйдин нон талаб қилди. Эгалари нон пишган йўқтур деб жавоб бердилар. Гадо дедики, ёғ беринглар. Жавоб бердиларки, ёғ тамом бўлғон деб. У қайтиб савол қилдики, бўлмаса бир коса сув беринглар? Жавоб бердиларки, ҳануз саққо (сув ташувчи) сув келтурғони йўқ. Гадо дедики, ҳол шу ўлса уйда нечук ўлтирурсизлар, чиқинглар, ҳамроҳ бўлуб гадойлик қила(й)лук.

НАҚЛ

Нўширвон дедики, тўрт кун тўрт нимарса учундир. Булут куни сайд учун. Шамол куни ухламак учун. Ёмғир куни мажлис қуриб суҳбат этмак учун. Ҳаво очиқ куни касб қилмак учун.

ҲИКОЯТ

Бир ахмоқ бор эрди, анинг эшаги йўқолди. Расталарда, бозорларда излаб юрур эрди, гоҳо шукрлар изҳор қилур эрди. Бир киши айтди: Нa учун изҳори шукр қилурсан, ҳолбуки эшак йўқотибдурсан? Ул ахмақ айтди: Эй, аблаҳ, нечун шукр қилмасман, агар эшакнинг устига минган бўлсам эрди, ман ҳам эшак бирлан тўрт кундин бери йўқолур эрдим. Аҳмақ ушбудир, билмаски, агар эшакнинг устида бўлса эрди, уйига юрутмак ўз ихтиёрида бўлур эрди.

ЧАҚИМЧИЛИК ЖАЗОСИ

ЭРТАК

Бир йўлбарс бетоб бўлғон эрди. Ани кўрмак ва ҳолин сўрмак учун жамиъ ҳайвонотлар келдилар, тулки бепарволик қилиб кўмакка келмади. Шул ҳолни ғанимат кўруб бўри айтдики: Эй, подшоҳ, тулки ишидин огоҳ бўлдингизму? Ҳайвонот аҳлидин бирор киши қолмасдан ҳамма сизни кўрмакға келди, аммо тулки қамоли беихлос ва беэътиқодликдин кўрмак учун келғони йўқтур, ушбу сабаб бирла ани бир дурустроқ азоб бериб танбеҳ қилмасангиз, бошқалар ҳам анга ўхшаб сизнинг ҳурматингизни бажо келтурмаслар. Бир қуён анинг сўзларини эшитиб турғон эрди, тулкига бўрининг сўзларини еткурди, тулки анинг билдурғонига шукрлар қилди, тезлик ила саҳрога чиқиб туҳфа учун бир курка деган ҳайвонни тутуб йўлбарснинг олдига бориб хилват бўлғон вақтни топиб кирди ва салом берди. Йўлбарс айтди: Эй, тулки, худонинг ғазабига гирифтор бўлғил! Нечанд муддат бўлдики, беморлик ила ётибдурман, ҳама кишилар неча мартаба келдилар, сан эмди келдингму? Бу кирдоринг ғоятда мани беқадр қилғонингдур! Тулки айтдики: Маозоллоҳки, қадрингизни хўб билурман, камтарин қулингиздурман. Лекин

тезлик ила кела олмағонимни(нг) сабаби шулки, жанобингизни бетоблар деб хабар етди. Бир жойда бир ҳакими ҳозик ва табиби соҳиб тажриба бор эмиш деб эшитдим. Анга бордим. Ул табибнинг бир фарзанди ўлуб, онинг таъзиясига саргардон экан. Шул сабабдин келмоғи мумкин бўлмади. Ночор иллатингизнинг тариқасини айттим. Мулло ҳазз ва андеша бирла айтдики, курканинг гўштини есунлар ва ўтини олиб бўрини почасининг қони бирла аралаш қилиб сурсунлар ва бўрини(нг) оёғини олиб бойласунлар, деди. Йўлбарс тулкининг сўзига ҳеч бир шак қилмай рост фаҳмлади. Курканинг гўштини еди, андак енгил бўлғонга ўхшади. Тулки кетди. Баъдазон бўри келди. Йўлбарс бўрини(нг) оёғидан маҳкам тутуб, бир оёғини узуб олди, қонини курканинг ўти бирла аралаш қилиб ўзига сурди. Бўри нақадар машаққат ила чиқиб қочти. Баъдазон аламининг қатиғилигидин бир жойга бориб йиғлади. Юрмакға асло кучи келмади. Ўшал ерда тулки ҳозир бўлди. Бечора бўри қонига бўялиб ётғон эрди. Тулки узоқдин туруб чақирдики: Эй, қизил махсилик биродар, на учун бу ҳолатга тушдунг? Минбаъд кишининг зараридин тилингни сақлагил. Сани ушбу ҳолатга тушурғон тилингдур. Ушбудир тил сақламаслиқ сазоси ва суханчинлик жазоси!

ТЎРТ КАРНИНГ ҲИКОЯТИ

Бир кар киши ўтуб кетуб турғон эди, кўрдики бир киши девор уруб турубдир, бориб анга салом берди, ул ҳам кар эди, гумон қилдики, шаҳарни(нг(йўлини сўраб келди, деб. Жавоб бердики, ушбу тараф йўлдур, салом берган кар гумон қилдики, деворзан (девор уруғчи) мани ҳақорат қилди деб. Ўз гумонига эътимод қилиб деворзанга беҳуда сўзларни сўзлади, деворзан келиб уриша кетди. Иттифоқо, қозининг мулозими қозихонага кетиб турғон эди, аларни кўруб ажратиб қўймак учун келди, шаръий сўзларни сўзлади. Икки кар гумон қилдики, бу киши тарафдорлик учун келди. Келган он ура бошладилар, оқибатул амр уч киши бирдан қозихонага келдилар ва ҳар қаюлари ўз муддаоларини қозига арз қилдилар. Қози ҳам кар эрди, гумон қилдики, алар ийд ойини кўруб қози олдида гувоҳлик бериб, жома киймак учун келғонлар. Ҳар қаюсига жома берди, ўшал куни йигирма бешинчи рамазон эди, ҳукм қилдики, эртага ийди рамазон намози ўқилур.

Абу Толиб НОСИРОВ тайёрлаган

САНАБ БЕРДИ

Авжи ишга борадиган пайт. Кўчалар гавжум. Султонов ҳам портфелини қўлтиқлаганча ишга кетаяпти. Кайфияти яхши. У чорраҳага етганда ёнида чуваккина кампир пайдо бўлди. Эгнида ювилавериб ранги ўчиб кетган чит кўйлак. Хира тортган кўзлар олазарак. Бир амаллаб кўчанинг нариги бетига ўтиб олиш пайида атрофга беҳол аланглайди. Бир пайт Султоновга кўзи тушди-ю:

— Барака топкур, ўғилгинам, нариёққа ўтказиб қўй. Вой, намунча юрагим ўйнаб кетмаса? Омонат кассага бормоқчи эдим,— деди.

— Оббо, — деб қўйди Султонов. Лекин ишга кетаётган бўлса ҳам қариянинг раъйини қайтара олмади. Онахоннинг «ўғилгинам» дейишида шундай бир майинлик, ҳазинлик бор эдики, Султонов ийиб кетди. Хаёлига «лоп» этиб кашшофлик чоғи келди. Уша пайтда уларнинг бир вожатий опаси бўлгучи эди. Уша аёл юраги ҳаприқиб турган Султоновнинг бўйнига қип-қизил галстукни тақиб қўйганди. Одам-одамга бунча ўхшамаса?! Кампирнинг юз-кўзи ўша вожатийга жуда ўхшаб кетар эди. Ўша вожатийси қариб, кампир бўлиб қолдимикан-а?!

Бу орада кампир гапга тушиб кетди. Ярим йўлга боргунча Султонов онахон таржимаи ҳолини, қариндошларию қўни-қўшнилари кимлигини билиб олди; «Ойша тушмагур, жумада бераман, деб беш сўм олган эди, қаёқда? Орадан яна бир ҳафта ўтиб кетибди-ю, пинагини бузмайди-я. Гирмизак ўғли бор Нормат деган, ҳай-ҳай, худо асрасин...»

Онахоннинг гапи чала қолди. Милиционер чириллатиб ҳуштак чалди-ю, таёғини ўқталиб, «Орқага қайтинг!» деб пўписа қилди.

Султонов, албатта, орқага қайтса бўларди, ўшанда шумтака Нормат ҳақидаги гапнинг давомини эшитган бўларди. Лекин у кечикаётганди. Шунинг учун «таваккал» қилиб йўлида давом этди.

Буни кўриб, милиционернинг жаҳли чиқади. Йўлкада туриб, бу икки «ҳамсафар»га пешвоз чиқар экан, худди рўпарасида генерал тургандек қойиллатиб «честь» берди:

— Лейтенант Бўриев. Қоидани буздингиз. Жарима тўлайсиз!

Иш чаппасига кетгани Султоновга ёқмади, албатта:

— Ўлай агар, шу кампирни йўлдан ўтказиб қўймоқчи бўлдим. Азбаройи худо, ишхонам нариги томонда. Сира ҳожати йўқ эди буёққа келишимни... —деди вижирлаб.

— Раҳмдил экансиз, баракалла! — деди милиционер. — Аммо қоида қоида-да, бузиб бўлмайди. Жарима тўлайсиз энди.

Султонов соатига қаради. Яна олти минутдан кейин иш бошланади.

— Қанча тўлашим керак? — сўради у энсаси қотиб.

— Ҳар бирингиз уч сўмдан олти сўм, — деди лейтенант.

— Эҳтимол, онахонимиз ўзлари тўлаб юборарлар.

— Ихтиёр сизларда, менга барибир. Келишинглар, — деб милиционер расм-русмни ўрнига қўйиб, бир қадам орқага тисарилди.

— Бу нима деган гап? — тўнғиллади кампир. — Бо худо! Мени етаклаган ким? Сиз. Ё бошқами? Ўтишга юрагим сира дов бермай турувди-я ўзи. Мендан ўпкаламанг, болам. Ойша мендан беш сўмни юлиб олганини айтдимми-айтдим. Энди сиз уч сўмни тортиб олмоқчимисиз?

Султонов соатига қаради. Иш бошланишига икки минут қолибди.

У олти сўмни санаб берди-да, ўтиш жойига югуриб кетди.

Мурод ТИЛЛАЕВ

Рассом Р. ЭГАМБЕРДИЕВ

БУГУН ЯНА ХОТИНГА АЗОБ

Футболга белида белбоғи борлар ишқибоз бўлади, деган гап рост. Айниқса, «Пахтакор»га. Ахир бу мағлубияту дурангларга чидашнинг ўзи бўладими?

Ўйингоҳда бир ажойиб киши билан таништим. Ўзиям икки кишининг жойида ўтириб эллик кишининг овозида қичқиряпти. Унинг қилиқлари, гаплари сабаб бўлиб баъзи бир нарсаларни қораладим-у, қадрдон чойхўрларга илиндим. Ажабмаски, чанқовбости бўлса.

— Ҳалитдан титрайсиз-а, ака,
— Бизни одатимиз шунақа.

Гол урмаса агар Миржалол,
Хайр дейман, футбол, яхши қол!

— Ака, бунча эрта қарибсиз?
— Биз ҳам бир бечора ишқибоз,
Ҳар оқ тола-рақиблар голи.

Ҳалитдан довдирама, ҳой меров,
Командамас, асабга эгов.

Қоқилди-ю эпчил Юранбой,
Омон қолди бизнинг Нишонбой.

Қани, носвойдан ол акаси,
Шу-да аламларнинг чораси.

— Ҳи-нқ-қ...
Гол уролмади-я, зумраша,
Носни ютганимга яраша.

Кўзингни оч, ҳой ҳакам,
Сотилдингми, муттаҳам.

Ҳуштагингдан айланай, судья,
Хатарлардан асраб тур, шундай.

Бизларга ҳам раҳм қилинглар,
Ҳой, боласи мухлис бўлгурлар.

Вақт тугади, нолу бир ҳисоб,
Бугун яна... хотинга азоб.

Абдураҳмон ЖУРАЕВ

ОЙИМ ҲЕЧ НАРСА ИЧМАЙДИМИ?

— Агар хотинингга йўлбарс ҳужум қилиб қолса, нима қилардинг?

— Ҳеч нарса. Ўзи ҳужум қилдими, жабрини ҳам ўзи тортсин.

●

Норвегиялик бир киши товуқ ўстирмоқчи бўлиб 500 та жўжа сотиб олди ва ерга кўмиб қўйди. Бир пасда ҳамма жўжалар бўғилиб ўлиб қолди. Шундан сўнг у яна 500 та жўжа сотиб олди ва жўякка боши билан «экиб чиқди». Жўжалар яна ўлиб қолди. Норвегиялик Ослога. Ўсимликшунослик олийгоҳига хат ёзиб мақсади ва қилган ишларини бир бошидан баён этди, маслаҳат беришларини сўради. Орадан бир неча кун ўтгач Ослодан телеграммма келди. Унда:

— Айб тупроқда бўлса керак. Текшириб кўриш учун пича тупроқ юборсангиз, — дейилган эди.

●

Кадрлар бўлими бошлиғи:

— Фирмамизга ишга қабул қилишдан олдин билиб қўйишим керак. Сизнинг алдайдиган, ўғирлик қиладиган, ишга кечикиб келадиган одатингиз йўқми?

— Йўқ. Аммо сизнинг фирмангизга ишга кириш учун шу хислатлар керак бўлса, ўрганишим мумкин.

●

— Жон, сен яна дарсга кечикдингми? — бақирди ўқитувчи.

— Ўқиш ҳеч қачон кеч эмас, сэр.

●

— Кундалигинг қани? — сўради сумкасини титкилаётган Миландан онаси.

— Мен уни Мерекка бердим, — деди ўғил. — У отаонасини бир қўрқитмоқчи.

●

Ота ва она ўғли билан боғда сайр қилдилар. Чарчашгач кафега киришди.

— Бизга иккита пиво, — деди ота официантга. Олти ёшли Фриц шу заҳоти гапга аралашди:

— Нима, ойим ҳеч нарса ичмайдими?

●

Судья:

— Жаноб Мюллер, сизнинг кўпхотинли эканлигингиз исботланмади. Бемалол қайлиғингизнинг олдига қайтишингиз мумкин.

— Қайси бирига?

●

Мюллернинг уйига телевизор тузатадиган уста келди:

— Сиз телевизорингиз ёмон кўрсатаётганидан шикоят қилганмидингиз?

— Ҳа, лекин телевизор бузилмаган экан, —деди герр Мюллер. — Хотиним иккимиз кўзойнагимизни адаштириб тақибмиз, холос.

Б. БОБОЕРОВ тўплаган

●

Харидор:

— Менга парашют бер-сангиз.

Сотувчи:

— Шунисини олинг, жуда зўр, агар самолётдан сакраганингизда очилмай қолса, қайтариб олиб келинг, алмаштириб берамиз.

●

Ўғил отага хат ёзди:

«Азиз отажон. Ёзишим жуда ноқулай, лекин мени тушунарсиз деб ўйлайман. Менга 100 франк керак бўлиб қолди. Буни сизга ёзмасам ҳам бўларди, ёмон фикрга бориб юрманг, лекин хатни ёзиб қўйдим. Энди нима бўлса ҳам жўнатишга мажбурман. Балки почтачи уни йўқотиб қўяр. Агар шундай қилса, жуда яхши бўларди. Сизни қучиб қолувчи, ўғлингиз Макс».

Уч кундан сўнг Макс жавоб хати олди:

«Ўғилгинам Макс, арзимаган нарсага кўп ташвишланаверма. Иш сенинг кўнглингдагидек бўлибди. Почтачи хатни йўқотиб қўйибди».

Русчадан Шокир МИРЗО таржимаси

ҲИСОБНИ КИМ ЎРГАТГАН?

Сотувчи Чаққонова абжирлик билан савдо қилаяпти-ю, хаёли эшик ёнида турган болада. Кўз қири билан унга қараб-қараб қўяди: «Зумраша, нега даф бўлавермайди-я».

Бир пайт харидорлар кетиб, дўконда бола билан иккаласи қолишди.

Сотувчи унга гап қотди:

— Ҳой болакай, нега уйингга кетмаяпсан?

— Ў-ўзим... турибман-да, ҳисобда сал... — деди бола ўнгайсизланиб.

— А? Нима?! Нима дединг? Ҳисобда — жаҳли чиқди сотувчини.

— Мана, — харид қилган нарсаларини кўрсатди бола. Сотувчи боланинг гапини кескин бўлди:

— Нима, бирон нарсани нотўғри берворибманми?

— Йўқ... сал адашганга ўхшайсиз.

Ҳадиксираб турган сотувчи атрофга аланглади. Хайрият, иккаласидан бўлак ҳеч ким йўқ экан.

— Ҳовлиқма мунча, берироқ кел-чи, қанчага... адашибман?

— Тўқсон тўрт тийинга.

«Вой зумраша-ей, аниқ айтди-я». Сотувчи боланинг харид қилган нарсаларини қайтадан «ҳисоблаб» кўрган бўлди.

— Ҳисобдан зўр экансан, маладес! Маладес! — шарақлаб кулди у. — Мен билимингни синаб кўрмоқчи эдим, билдингми?

Кейин пештахта ғаладонидан танга олди:

— Мана, қолган пулингни ол! Ҳм-м... сизларга математикани ким ўқитади?

— Олим ака. — жилмайди бола.

— Яхши... — деб қўйди шолғомдек қизарган сотувчи. Кўнглида эса «математика ўқитувчинг билан қўшмозор бўл!» — деб эрини қойиди.

ЙИГИРМА ТЎРТНИНГ ҒИЛДИРАГИ

Тошқул эҳтиёт қисмлар магазинига кириб, қайси биридан сўрасам, «йўқ» демасдан топиб берар экан, дея ўйланиб турди-да, серсавлат сотувчидан секингина сўради:

— Йигирма тўртнинг ғилдирагидан борми?

Серсавлат сотувчи Тошқулнинг кимлигини билмоқчи бўлибми, бир зум унга тикилиб турди-да:

— Соат икки-учларга келинг. —деди сирли оҳангда.

Тошқул айтилган вақтда етиб келди. Сотувчи уни ичкарига бошлаб кирди-да:

— Нечта керак? — деди қалашиб ётган «Газ — 24» машинасининг ғилдиракларига қўл чўзаркан.

Тошқул каловланиб қолди.

— М... Мен... Мен йигирма тўрт болалар велосипедининг ғилдирагини сўраган эдим.

Сотувчининг турқи кескин ўзгарди.

— Ахир, уям йигирма тўрт дейилади-ку! — деди Тошқул каловланиб

— Йигирма тўрт эмиш. Қани чиқинг тезроқ, омбордан. Бу ерга чет кишиларнинг кириши мумкин эмас. Чиқинг тезроқ. Қанақа сурбет одамсиз.

Ҳамид БАДАЛОВ

МАТМУСАНИНГ ЁШЛИГИ

Эркин Воҳидовга ўхшатма

Тилим калта бўлмасин
Деб Матмуса «иш» қилди.
Чойни тўкиб ялтироқ
Қоғозидан тиш қилди.

Битта юмшоқ нон олиб
Кенг ҳовлига ушатди.
Маза қилсин деб, каклик,
Тўрқовоқдан бўшатди.

Ахир, у кичик эмас,
Энди анча катта-да!
Хонтахта устин артди
Лойланган ҳўл латтада.

Сўнг ўчоқдан товоққа
Капкир билан кул солди.
Онасин шод қилай деб,
Гултувакдан гул олди.

Чарчаб қолди, чўзолмай
«Иш»ни бундан кўпроққа
Гилам кир бўлмасин деб,
Ўтирди сўнг тупроққа.

Шундай қилиб, Матмуса
Кўрсатиб қўйди ўзин.
Оилада «иш» қилган
Боланинг тили узун.

Ғойиб НАЗАР

ЭЪЛОНЛАР

УЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ, УЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН МЕЪМОРЛАР ВА РАССОМЛАР УЮШМАЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАВЖУД МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ҲУДУДИДА МУҲАММАД ТАРАҒАЙ УЛУҒБЕК (Мирзо Улуғбек) ҲАЙКАЛИНИНГ ЛОЙИҲА ТАКЛИФИНИ ЯРАТИШ УЧУН

ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов дастури ва шартларини Узбекистон ССР Маданият вазирлигининг Маданият ёдгорликлар илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармасидан — танлов ҳайъатининг масъул котиби Л. И. Кадубдан олиш мумкин. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, телефон 44-64-73.

ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР БЕЛГИЛАНГАН:

I мукофот — 5000 сўм.

II мукофот — 3000 сўм.

III мукофот — 2000 сўм.

2 та рағбатлантирувчи мукофот — 500 сўмдан.

Танлов ишлари 1991 йил 1 ноябрь соат 18.00 дан кечиктирмай Узбекистон Меъморлар уюшмасига, қуйидаги манзилга тақдим этилиши зарур: ГСП, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй.

Бошқа шаҳарликлар учун почта паттасидаги жўнатиш санаси асос қилиб олинади. Кўрсатилган муддатдан кейин топширилган лойиҳалар кўриб чиқилмайди.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК РАДИОСТАНЦИЯЛАРИДАН БИРИ ТОШКЕНТ РАДИОСТАНЦИЯСИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА КЎП МИЛЛИОНЛИ ЎЗ ЭШИТУВЧИЛАРИГА ЭГА. У ОРҚАЛИ БЕРИЛГАН РЕКЛАМА ТАДБИРКОРЛАРНИ ХОРИЖ БИЛАН ТЕЗРОҚ АЛОҚА ЎРНАТИШГА ЁРДАМ БЕРАЯПТИ

Биз сизнинг маҳсулотингиз, фаолиятингиз ва кўрсатадиган хизматингиз билан жаҳоннинг 80 га яқин мамлакати аҳлини воқиф қила оламиз.

Жумладан Ҳиндистон, Эрон, Япония, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Австралия, Яқин, Урта ва Узоқ Шарқ мамлакатлари ҳаво мавжлари орқали ҳинд, инглиз, урду, араб, форс, дари, пушту, уйғур ва ўзбек тилларида эшиттиришларимизни қабул қиладилар.

ТОШКЕНТДАН ЧЕТ ЭЛЛАРГА ЭШИТТИРИШ БЕРУВЧИ РАДИОСТАНЦИЯ УЗБЕКИСТОН КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ХОРИЖИЙ ФИРМАЛАР УРТАСИДА ВОСИТАЧИЛИК ҚИЛАЯПТИ.

СТАНЦИЯ СИЗГА ҲАМ ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРДА ТАДБИРКОР ҲАМКОР ТОПИШГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШИ МУМКИН.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 49-уй, Радио уйи.

Телефонлар: 33-10-98, 39-07 82.

Телерадио қўмитаси реклама тижорат маркази: 44-22-87, 44-07-15.

Узбекистон Маданият Жамғармаси ва «Интер-Азия» тижорат фирмаси

ИЛК БОР АМИР ТЕМУР СУРАТИ БИЛАН

1992 йил учун тақвим(календарь) ни нашрдан чиқарди.

Тақвим нархи шартнома асосида белгиланади.

Сурат-тақвим жумҳуриятнинг барча фуқароларига, корхона, ташкилот, муассасаларга нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан сотилади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Маяковский кўчаси, 6-уй. Узбекистон Маданият Жамғармаси, тел: 33-04-28.



МУАССИСЛАР: УЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ ВА ЖУМҲУРИЯТ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

НОШИР: УЗБЕКИСТОН КП МҚ НАШРИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АҚБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49, БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56, хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Навбатчи муҳаррир — Абдунаби ҲАЙДАРОВ

Босишга топшириш вақти — 20.00 Босишга топширилди — 20.45.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 25 ТИЙИН

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёт-матбаа ишлари давлат комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

индекс 64593. Буюртма 5829. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12